O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2000 йил 1 июль, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 51(7246)

"Универсиада — 2000" мусобақаларида алп йигитлар билан бирга иштирок этган кўплаб қизларимиз ҳам ғолиблик нашидасини суришди. "Тико" соҳибаси бўлган Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаси Луиза Биктякова ҳам шулардан бири бўлди.

ЎзА олган сурат.

СЎНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ

Чоршанба

Пайшанба

Жума

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Президентимизга ўз қишлоғи аҳлининг бугунги ҳаёти, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган инсонларнинг келажагига бўлган ишончи, шунингдек, мамлакатимиз мустақиллигига раҳна солишга уринаётганларга нафрат, сиёсий жараёнларга муносабат акс этган самимий мактуб йўллаган Пайариқ туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги Дамариқ қишлоғида яшовчи 13 ёшли Жасуржон Жумановга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов камтарин хонадонда соғлом рухда вояга етаётган, ўз қараши, қатъий фикрига эга ўсмир йигитнинг юксак даражадаги ватанпарварлигидан фахрланиб қимматбаҳо эсдалик совғаларини юборди.

ФАРМОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Телекоммуникациялар соҳасида бошқарувни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони чиқди.

ҚАРОР

"Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

Ma'rifat ЭНГ КЎП ЎҚИЛАДИГАН ГАЗЕТА

Газета бўш вақтда ўқиладими ёки бу иш учун алоҳида вақт ажратиладими? Газетани биринчи бетидан бошлаб ўқиш керакми ёки охирги? Умуман, кимлар газета ўқийдию, кимлар ўқимайди?

Бу саволларга жавоблар ҳам кўп нарсани англатса-да, жамоатчилик фикрини ўрганувчи "Ижтимоий фикр" марказидагилар саволни янада аниқроқ қўйишди: қайси газетани ўқийсиз?

«Интерньюс-Ўзбекистон» «Хабарнома»сида эълон қилинган Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг рейтинги юзасидан таҳлил ва юқоридаги ижтимоий сўров натижалари қуйидагича бўлди: сўралганларнинг 17 фоизи "Ma'rifat" газетасини маъқул кўришларини айтишган. Иккинчи ўринни "Труд" ва "Халқ сўзи" газеталари эгаллаган — 10 фоиз билан. "Саодат" журнали ўқувчилари 8,6 фоиз бўлса, "Ўзбекистон овози" газетаси учун 6,6 фоиз муштарийлар овоз берганлар ва ҳоказо.

Сўров натижаларидан кўриниб турибдики, юртимизда маърифатли бўлишни истайдиганлар кўп экан. Ниятимиз ҳам ўзимизнинг газетамизнинг шунчалик ўқилишидан мақтаниш эмас, балки ўқитувчиларимизнинг бошқаларга нисбатан кўпроқ ўқишига урғу бериш эди. Маърифатли юртнинг келажаги, албатта, буюк!

"ТУРКИСТОН"ДА ҚУШИҚ БАЙРАМИ

ТАНЛОВ

Байрам барибир яхши. Айниқса, у қушиқ байрами бўлса. Бунинг устига қушиқлар танлови бўлса, янада зўр.

Республикамизнинг олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилаётган "Ўзбекистон қушиқ байрами" кўрик-танловининг бу йилгиси сифат жиҳатидан аввалгиларидан яхшироқ бўлди, дейишди байрам иштирокчилари, уни кўрганлар ва чиқишларни баҳолаб борган жюри ҳайъати аъзолари. Ижодкор талаба ёшлар кўрик-танловга анча жиддий тайёргарлик кўришганини намойиш этишди. Янги мусиқа, янги шеър, янгича кийимлар, гўзал композиция, янги овозлар... Танловда иштирок этган 34 олий ўқув юрти бадиий жамоаларининг ярмидан кўпроғи биринчи ўринга қайсидир даражада лойиқ эдилар. Бу бизнинг қарашимиз. Уларни баҳолаб борган жюри ҳайъати эса, айтиш мумкинки, "кучли таркиб"да эди.

ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ

Ҳайъат раиси: Дилором Омонуллаева, бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

Ҳайъат аъзолари:

Ўлмас Саиджонов, Ўзбекистон халқ ҳофизи.

Муҳаммад Юсуф, Ўзбекистон халқ шоири.

Насиба Абдуллаева, Ўзбекистон халқ артисти.

Профессионаллардан иборат ҳакамлар — бири шоир, бири бастакор, ҳофиз, хонанда — том маънода ўз ишининг устаси эдилар. Буни уларнинг номларининг ўзиёқ исботлаб турибди.

БАЙРАМ ИЧИДА БАЙРАМ

Мусиқий тарбияни ҳомилалик давридаёқ бошлаш лозимлиги ҳақида эшитаяпмиз, ўқияпмиз. Ҳомиланинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб туғилишида ва туғилгандан кейинги тарбиясида мусиқанинг ўрни беқиёс эканлиги аллақачон илмий томондан исботланган. Она алласи ҳақида эса, гапириб ўтириш шарт эмас.

(Давоми 2-бетда)

Aks-sado

«Ўқувчи дарсга тайёрланмади...» сизнинг тадбирингиз 3-бет

Талаба тингловчи эмас, фаол изланувчи, фикрловчи шахс бўлиши керак 5-бет

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабалар қабули ҳақида эълон 8-9-бет

Алпомишнинг орзулари 15-бет

Аграр университет қабул комиссияси бўлғуси талабаларнинг мушкулини осон қилиш мақсадида Қорақалпоғистон, Бухоро, Термиз Давлат университетларида ва Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида ўз қабул комиссияларининг марказларини ташкил этди.

"ТУРКИСТОН"ДА ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мактаб ўқувчилари, ундан кейин олий ўқув юрти талабалари ҳам мусиқий таълимнинг ўрнини жуда яхши ҳис қиладилар. Мусиқа, санъатга табиатан мойиллик инсоннинг энг муҳим эҳтиёжларидан бири. Айниқса, ёшлар — 17-25 ёш орасидаги йигит-қизларнинг бу борадаги интилишлари ўзгача. Ўзлигини намоён қилишга, нималарнидир исботлашга тиришаётган ва бу йўлда изланаётган ёшлар қўшиқ байрами иштирокчилари ичида кўп, балки ҳаммаси эди.

Жюри ҳайъати якуний натижаларни батафсил таҳлил қилаётган пайтда қисқа танаффус юзага келди. Юракларида ёлқини бор ёшлар бу танаффусдан ҳам имкони борича фойдаланиб қолишга интилишди. Навбатма-навбат саҳнага чиқиб, ўз иқтидорларини намойиш қилишди. Тошкент енгил саноат ва тўқимачилик институтидан келган Шаҳноза Йўлдошева, Самарқанд кооператив институти хонандаси Баҳодир Мўминов қўшиқ айтганда, ёшлар ўйинга тушиб кетдилар. Айниқса, таниқли бастакор, Бухоро Давлат университети классик мусиқа кафедраси мудири Ўлмас Расуловнинг чиқиши ҳаммага ўзгача завқ улашди. Домла скрипкада куй чалиб, турли ҳайвонларнинг овозларини чиқариб берганда, сарой ичи қийқириқ ва гулдурос қарсакларга тўлиб кетди.

Байрам ичидаги байрам шунчалик қизиб кетдики, иштирокчилар ҳатто саҳнага ҳакамлар ҳайъати аъзолари чиқиб келганини ҳам сезмай қолдилар.

ҒОЛИБЛАР

1-ўрин: Тошкент Давлат педагогика университетининг "Зиё" бадиий-мусиқий дастаси. "Бундай диёрни севмаса бўлмас", З. Обидов шеъри, Д. Қодиров мусиқаси.

Қорақалпоғистон Давлат университети "Ҳурлиман" ансамбли. "Азиз ватаним", Ч. Пахритдинова шеъри, Қ. Заритдинов мусиқаси

2-ўрин: Самарқанд Давлат университети "Гулдаста" ансамбли. "Саждагоҳ даргоҳ", Н. Нарзуллаев шеъри, Ф. Алимов мусиқаси.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети жамоаси. "Бу ватан, жон Ўзбекистон", Н. Нарзуллаев шеъри, А. Мансуров мусиқаси.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти жамоаси. "Ёшлик сурури", Н. Нарзуллаев шеъри, Р. Абдуллаев мусиқаси.

3-ўрин: Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти яккахон хонандаси Шаҳноза Йўлдошева ва "Ипак парилари" ансамбли. "Мардлар юрти бу", Ғ. Мажидов шеъри, А. Расулов мусиқаси.

Гулистон Давлат университети хонандаси Мунаввар Сайдуллаева ва "Гулистон гуллари" ансамбли. "Ўзбекистон", Т. Сулаймон шеъри, С. Исоқов мусиқаси.

Андижон Давлат университети яккахон хонандаси Одинахон Тўраева ва "Ҳумо" ансамбли. "Ўзбекистон асри", А. Орипов шеъри, Ғ. Ҳожиқулов мусиқаси.

Рағбатлантирувчи мукофотлар: Бухоро Давлат университети "Ҳумо" ансамбли. "Ватандур", Н. Афоқова шеъри, Ў. Расулов мусиқаси.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети хор жамоаси. "Ватан мадҳи", А. Суюн шеъри, А. Мардонов мусиқаси.

Термиз Давлат университети хонандаси Илҳомжон Менглиқулов. "Алпомиш", Насрулло шеъри, А. Қорабоев мусиқаси.

Урганч Давлат университети "Эъзоз" ансамбли. "Ватан менинг бору йўғимсан", Н. Ёқубова шеъри, Ф. Қозоқов мусиқаси.

Фарғона Давлат университети яккахон хонандаси Баҳодир Собиров ва "Нилуфар" талабалар студияси. "Ўзбекистон мангу яшнаб кулгайсан", А. Кўчимов шеъри, Б. Қосимов мусиқаси.

Ўзбекистон Миллий университети хонандалари Дилшод Ўроқов ва Ҳилола Каримова. "Улуғбек юлдузлари", Ж. Жабборов шеъри, Д. Қодирова мусиқаси.

Ғолибларга мукофот ва эсдалик совғаларини Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов топширди. Барча иштирокчиларга вазирликнинг фахрий ёрлиқлари берилди. Шунингдек, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси ҳам иштирокчиларга махсус совринларини тақдим этди.

Бир сўз билан айтганда байрамда ҳамма ғолиб бўлиб, ҳеч ким мукофотсиз қолмади. Қўшиқ байрами эса давом этмоқда.

Ҳусан НИШОНОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Abiturient — 2000

ПОЙТАХТДАГИ УНИВЕРСИТЕТГА ВИЛОЯТЛАРДА ҚАБУЛ

Пойтахтимиз олий ўқув юртларида таълим олишни ким ҳам истамайди? Аммо Тошкентга етгунча қорақалпоғистонликлар, бухороликлар, Сурхон воҳасию Қашқадарё томоннинг ёш-яланглари йўл азобини тортишларига тўғри келади. Аммо Тошкент Давлат Аграр университетида таҳсил олишни дилига туккан абитуриентлар эндиликда бундан халос бўлдилар.



Гап шундаки, қишлоқ хўжалиги мутахассиси бўлишни орзу қилган йигит-қизлар вилоятларда сон-саноқсиз. Аграр университет қабул комиссияси бўлғуси талабаларнинг мушкулини осон қилиш мақсадида Қорақалпоғистон, Бухоро, Термиз Давлат университетларида ва Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида ўз қабул комиссияларининг марказларини ташкил этди. Мақсад ўз-ўзидан аён: абитуриент олис масофага вақтини йўқотмасин, сафар харажатлари унинг ўз ёнига қолсин. Тежалган вақт — унинг фойдаси эвазига тест синовларига ўзини пухта, шошиб қолмайдиган даражада тайёрласин.

Тошкент Давлат аграр университетининг ўз биносидаги қабул комиссиясида ҳам ҳозиргача топширилган ҳужжатлар сони 200 тадан ошди. Айниқса, иқтисодиёт, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, мева-сабзавотчилик соҳаларига талабгорлар кўпроқ бўлиб, бунинг сабаби ўз-ўзидан равшан. Бозор иқтисоди шароитида бундай мутахассисликларга эҳтиёж кўпроқ.

Қабул комиссиясининг масъул котиби, кимё фанлари доктори, профессор Рихсивой Зиёевнинг бизга берган маълумотларида айтилишича, бу йил университетга 1129 нафар талаба қабул қилиш мўлжалланмоқда. Албатта, бунда абитуриентларнинг энг юқори балларни тўплай олишлари ҳисобга олинади. 435 нафар талаба энг юқори баллар асосида қабул қилинадиган бўлса, 694 киши тўлов-контрактга мўлжалланмоқда. Олий ўқув юртларига қабулда имкониятлар бир мунча кенгаяётганлиги ёшларнинг илмга чанқоқлигини янада ошириши, шубҳасиз.

2001-2002 ўқув йилидан эътиборан тўлов-контрактда таълим оладиган талабаларга давлат банк муассасалари томонидан кредит ажратилади. Бу эса талабаларнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланишидир.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА

Tashabbus

ЮРТ КЕЛАЖАГИ ҲОМИЙ ЭЪТИБОРИ БИЛАН

Таълим-тарбия иши умумхалқ иши эканлигини англаган Ғаллаорол тумани ҳокими А. Абдусаидов таълим соҳасида ўтказилаётган барча тадбирларда бош-қош бўлмоқда. Туманда жорий йилнинг февраль ойида ўтказилган кенг жамоатчилик йиғинида таълим-тарбия муассасаларининг моддий базаси ночорлиги ва уларнинг кўпчилиги таъмир ишларига муҳтожлиги баён қилинган эди. Туман ҳокими Абдумалик Абдусаидов таълим-тарбия муассасаларига моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам бериш кераклигини таъкидлаб, янги бир ташаббус билан чиқди. Йиғилишда иштирок этган тумандаги барча ташкилот, уюшма, фермер хўжалик раҳбарлари ўқув-тарбия муассасаларига бириктирилиб, уларнинг ҳар бирига яқиндан ёрдам беришга чақирилди.

Мазкур ташаббус барча раҳбарларга маъқул келиб, улар тумандаги таълим мактаблари ўқувчиларининг III босқич олимпиада мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаган ва уларга пухта билим берган ўқитувчиларни моддий томондан рағбатлантиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган эдилар.

Қувончлиси шундаки, ваъдалар қоғозда эмас, амалда ижобат бўлиб ҳомийлар февраль ойиданоқ хайрли ишни бошлаб юбордилар.

— Туманимиздаги 86 та мактабнинг деярли барчаси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Янги ўқув йилига мактабларни тайёрлашда барча ташкилот, корхона раҳбарлари, ҳомийлар, ота-оналар, тадбиркорлар яқиндан ёрдам бердилар, — дейди Ғаллаорол ТХТБ мудири Д. Холбеков. — Туман ҳокимининг ўзи бошчилигида махсус комиссия гуруҳи тузилиб, таъмирдан чиқарилган мактаблар бирма-бир қабул қилиниб олинмоқда. "Қўйтош кони", "Маржонбулоқ олтин бойитиш кони", "Паррандачилик" фабрикаси, ташкилотлар, Ҳ. Ғозиева, Ҳ. Назаровдек ҳомийларимизнинг саховатларини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Таъмирлаш билан биргаликда 6 та (5,12,46,28,38,53- мактаб) мактабнинг иситиш системаси табиий газга уланди. Йил охиригача ҳомийлар томонидан яна 4 та (4,23,59,60-мактаб) мактабни табиий газ билан таъминлаш режалаштирилган.

Мазкур ишлар билан биргаликда ҳокимият томонидан вилоят олимпиадасида фаол иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган 8 нафар ўқувчи 10 минг сўмдан, уларни тайёрлаган шунча ўқитувчига 50000 сўмдан, 5 нафарига 20000 минг сўмдан мукофот пули берилди.

С.АБДУЛЛАЕВА,
ХТВ назоратчиси,
Ф. ХОЛМИРЗАЕВА,
РТМ бош методисти

ОРОМБАХШ МАКТАБ ҚУЧОҒИДА

Навоий шаҳридаги 8-сонли умумтаълим мактаби қошидаги "Цементчи" болалар оромгоҳида бўлганимизда у ерда болаларнинг дам олиб, мароқли ҳордиқ чиқараётганликларининг гувоҳи бўлдик.

Бино ичига қадам қўяр эканмиз, қаршимизга кўзлари кулиб турган аёл чиқиб келди. У шаҳардаги энг тажрибали директорлардан бири Гавҳар Қиличева экан.

Гавҳар Қиличева бизни оромгоҳ билан яқиндан таништирди. Мазкур соғломлаштириш оромгоҳида 220 нафар ўқувчи ёзги таътилни ўтказаётган экан. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, озода. Атрофи соя-салқин дарахтзор. Ҳовлидаги алвон гуллар кишига завқ бағишлаб, кўзларни қувонтиради. Бу ерда дам олаётган болалар учун волейбол, баскетбол, шашка тўгараклари ишлаб турибди. Улар кун бўйи маза қилиб ҳовузда чўмилишлари мумкин. Болалар мунтазам шаҳар ва унинг саноат марказлари бўйлаб саёҳат қилдирилади, кинотеатрларга олиб борилади. Истаганлар бошланғич техник моделлаштириш, тўқиш, ёш ҳамширалар тўгаракларида шуғулланиб, касб сирларини ўрганадилар.

Болалар 200 кишига мўлжалланган ошхонанинг ширин ва тўйимли овқатларидан мамнун.

Оромгоҳ ёз мавсумида 3 сменада ишлайди. Ҳар сменанинг давомийлиги 18 кундан бўлиб, йўлланма баҳоси 950 сўмни ташкил этади.

—Йўлланманинг арзонлигига сабаб, — дейди оромгоҳ бошлиғи Н.Рютли, — асосий харажатни ҳомиймиз — "Қизилқумцемент" ташкилоти кўтаради. Ажратилган маблағни жой-жойига қўйиб, болаларнинг яйраб дам олишларини таъминлаш эса мактабимиз жамоаси зиммасида.

Муқимий номидаги 8-умумтаълим мактаби Навоий шаҳридаги намунавий ўқув маскани бўлгани туфайли ҳам мазкур оромгоҳ ушбу масканга жойлаштирилган.

Мактабда 2756 нафар ўқувчи билим олади. 150 нафар малакали ўқитувчилар билим даргоҳида фаолият кўрсатмоқдалар. Шулардан етти нафари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, Х.Кенжаева эса "Шуҳрат" медали соҳибасидир.

Билим масканида бир қатор ижодкорлар фаолиятига бағишланган ва барча фанларга оид хоналар мавжуд. Шунингдек, бу ерда она тили, адабиёт, нутқ маданияти, нафис санъат, ҳуқуқ, француз тили, математика, физика фанлари чуқур ўргатилади. Республика миқёсидаги "Чекмасдан ёшлик гаштини сур" тарбиявий дастури асосида синов майдончаси мавжуд.

Мактаб Ўзбекистон Республикасидаги Франция элчихонаси билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган. Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Клод Ришар бир неча марта мактаб ўқувчилари меҳмони бўлган. Ўқувчиларга француз тили Франциянинг "Трамполин" дарслиги асосида ўқитилмоқда.

Ta'til

Шунингдек, мактабда тарих, маънавият, француз тили, "Ўзбекистон — Ватаним маним", "Бахтли болалик", "Эртаклар — яхшиликка етаклар" мавзуларида заллар ташкил этилган.

Мактабда спорт ишларига муҳим эътибор қаратилган. Маскандаги 2 та спорт зали ҳомийлар раҳнамолигида барча спорт жиҳозлари билан таъминланган. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўзларининг бўш вақтларида қизиқишлари бўйича истаган спорт секцияларида шуғулланиш имконига эгадирлар.

Мактаб ўқувчилари шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган кўрик-танлов, мусобақа ва беллашувларда мунтазам иштирок этиб келмоқдалар. Ушбу ўқув йилида республика миқёсида ўтказилган "Компьютер шоу" кўрик-танловида биринчи, "Сиз тарихни биласизми" кўрик-танловида иккинчи, "Ўйла, изла, топ" телеўйинида ҳам биринчи ўринни эгалладилар.

Хуллас, мактабда мақтовга арзигулик ишлар ниҳоятда кўп экан. Шунинг учун ҳам биз мактабдан чиқар эканмиз, ушбу билим даргоҳининг келгуси фаолиятига, педагогик жамоанинг ижодий фаолиятига янада катта муваффақиятлар тилаб қайтдик.

О.ИБРОҲИМОВА,
Республика ўқувчилар саройи директори

Бола мактабга келмай қўйганини эшитиб, уни суриштирдик. Кейин билсак боланинг отаси ва онаси ажралиш арафасида эканлар.

"ЎҚУВЧИ ДАРСГА ТАЙЁРЛАНМАДИ..."

сизнинг тадбирингиз?

("Маърифат", 2000 йил 26 февраль)

Газетамизда шу номдаги мақолани эълон қилиш баробарида муштарийларимизга мурожаат қилиб, таҳририятимизга мактаб ҳаётидаги ноодатий вазиятлар, ибратли ҳаётий воқеалар, ноанаъанавий дарс усуллари тўғрисида ҳамда ўзларини ўйлантираётган муаммолар хусусида ёзишларини сўраган ва бу барча-барча учун ўрганиш, ўргатиш мактаби бўлиб қолишини таъкидлаган эдик. Мақсад ҳамкасбларимизни бир-бирларига яқинлаштириш, муаммоларни баҳамжиҳатликда ҳал қилиш, хулосаларни эса биргаликда чиқариш эди. Не бахтки, таҳририятимизга айнан шу мавзуда жуда кўплаб хатлар келди. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз.

ТАРБИЯСИ ҚИЙИН БОЛА

Тожиаҳмад САИДЖОНОВ, Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги 29-ўрта мактабнинг математика, информатика фани ўқитувчиси:

—Ўқитувчи ҳақиқий ўқитувчи бўлиб етишиши учун, менингча, кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлмоғи керак экан. Бунинг исботини эса ўз ҳаётим давомида билдим. Мен туманга анча танилган устозларнинг таълим-тарбиясини олганман, шуларнинг тажрибасидан олган жиҳатларим ва қолаверса, ўзимнинг кўп нарсага қизиқишим, кўп вақтимни мактабда, ўқувчилар орасида ўтказганлигим учун ўқувчиларни ўз фарзандимдай кўраман...

Бу воқеага 15 йилча бўлди. Она ва фарзанд директор хонасида. Онанинг бир қўли ўғлида, иккинчи қўли эшик дастасида, маҳкам ушлаб турибди. Бола ҳеч қаерга бормайман, деб дод солаяпти. Сабаб илгари оилавий шароит оғирлашиб қолганлиги учун, она фарзандини болалар уйига берган экан. Кейинчалик у ўғлини тўй қилиш мақсадида уйига олиб келади. Шу тариқа бола онанинг гапига кирмайдиган ва уни кичик бўлса ҳам тош билан урадиган қилиқ чиқаради. Шунинг учун ҳам "ўғлимни бирор жойга жойлаштиришда ёрдам беринглар" деб она-бола мактабга келишган экан.

Биринчи куни болани онадан ажратиб, Фарғонага олиб бориш қийин бўлди. Ўша куни иш битмади. Кечгача бола билан бирга бўлдим. Бу иш уч кун давом этди. Ҳар сафар кечқурун қайтиб келганимизда, эртага келгин, онанг мактабга келмасин, деб тайинладим. Унга яхши гапирганим сабаблими, кўнглини топиб гапирганим учунми, кейинги кунлари ўзи келар эди. Энди бир-биримизга ўрганиб, уч кун ичида нима айтсам бажарадиган бўлиб қолди. Учинчи куни ишимиз юришиб, уни "Болалар уйи"га жойлаштирдим. Хайрлашаётганимда баланд кўтариб: "Катта бўлганингда яхши инсон бўлгин", деб қўйдим. Шу дамда кўнглим бошқача бўлди, унинг ҳам ғамгин кўзларидан ёш чиқиб, мен билан хайрлашди.

Балки, унинг мен билан ўтказган уч куни бахтиёр онларимиди...

Ҳа, бола тарбияси қийин бўлиб туғилмас экан. Бунга оила, атрофидагиларнинг таъсири катта экан.

...

Ҳозирги даврда савдогар ўз молининг тез ўтишини, тезроқ сотилишини истайди. Ўқитувчи ўқувчиларининг тарбияли-илмли бўлишини, кўпчилиги олий ўқув юртларига ўқишга киришини истайди.

Қишлоқ ўқитувчисининг айрим қийинчилиги ва афзаллик томонлари бор. Ҳамма қатори қишлоқ ўқитувчисининг ҳам томорқаси, мол-қўйи бор. Уларга қараши керак. Мен дарсдан кейин ўқувчиларни олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришлари учун тайёрлайман. Уч йилдан бери шундай тайёрлов гуруҳи очган бўлсам, бепул ўқитаман. Бундан икки йил олдин август ойи охирлари бўлса керак, оддий иш кунларнинг бири скамейкада ўтирган бир ўқувчи рўпарамга чиқиб, "Устоз", раҳмат Сизга. Мени табрикланг мен ўқишга кирдим", деб айтди. Ўшанда ич-ичимдан хурсанд бўлганман. Уни тасаввур қилиш қийин, чунки шу куни худди ўзимнинг фарзандим ўқишга киргандай бўлган эди. Кейинчалик кўплаб ота-оналардан раҳмат эшитдим. Инсон раҳмат олиш учун ҳам кўп тер тўкиши керак экан.

"ИККИЧИ" ЎҚУВЧИДА ҲАМ ҚАЛБ БОР

Моҳира ШАКАРОВА, Бухоро шаҳридаги 23-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси:

—Ўқитувчилик касби шарафли бўлиши билан бирга унинг ўзига яраша қийинчилик ва машаққатлари ҳам бор. Ўқувчининг маънавий ота-онаси ҳисобланган муаллим, авваламбор, шу номга муносиб бўлмоғи лозим. Бинобарин, боғбон меҳнатининг самараси серунум боғларига қараб баҳоланади. Ўқитувчи фаолиятини намоён этувчи мезон эса у тарбиялаётган ёки тарбиялаган ўқувчининг дунёқараши, маънавий тафаккури билан ўлчанади. Касбдошларимиз яхши билишадики, синфдаги 30 ўқувчи ҳеч қачон бир хил билимга эга бўлмайди. Ҳатто танлаб олинган синфда ҳам бу ҳолатни кузатиш мумкин. Ҳолбуки, ўқитувчи ўзи 30 ўқувчига ҳам бир хилда сабоқ беради. Аммо ўқувчилардаги қабул қилиш, ўрганиш иштиёқи, нутқ шаклланиши, характер-хусусиятлар эса турличадир. Чунки улар ҳар хил оилавий муҳитда вояга етишади. Уйида нотинч, руҳий қийналган ўқувчи ақли соғлом бўлгани билан унинг беғубор болалик дунёси ташвишли, хаёллари эса банд бўлади.

Сирасини айтганда, севимли газетамизнинг 26 февраль сонида чоп этилган "Ўқувчи дарсга тайёрланмади..." сарлавҳали мақолани қизиқиб ўқидим. Ўн беш йиллик педагогик фаолиятим даврида мен ҳам кўплаб қизиқ ҳолатлар, муаммоли вазиятларга дуч келганман.

1994 йиллар эди. 5-синфларга дарсга кираман. Ўрта қатор 3-партада Меҳриддин исмли бир ўқувчи ўтирарди. Кузатиб турсам, берилган савол жавобини билмаса ҳам "мен айтай устоз", деб қўл кўтаради. Сўрасангиз, жавоб беролмайди. Бу ўқувчида қизиқиш бору ўзлаштира олмаяпти шекилли, деган фикрда у билан якка тартибда ишламоқчи бўлдим. 1-2-синфларда яхши ўқиган, аммо 3-4-синфларда қолоқ ўқувчига айланган... Дарсда берган топшириғимдан ташқари қўшимча вазифалар бериб, келгуси машғулотда ёки вақтимни топиб сўрайман. Дафтарини олдимга келтириб қўярдию, бошини ердан кўтармасди. Дафтарини кўриб бошим қотарди. Чизиқлардан чиқиб кетиб ҳарф элементларини бузиб, илон изи чизиқлар чизиб келарди, холос. У билан икки чорак ишладим. Бўлмади. Алқисса, кейинги чоракларда "қониқарсиз" баҳо қўйдим. Синф раҳбари билан келишиб, ота-онасини чақиртирдик. Отаси келмади. Аммо онаси қониқарсиз баҳодан норозилигини айтди. "Сиз, ўқитувчисиз, ўргатинг. Бу сизнинг вазифангиз. Икки баҳо қўйишга ҳаққингиз йўқ", дея эътирозли фикр билдириб, хафа бўлди.

Бола мактабга келмай қўйганини эшитиб, уни суриштирдик. Кейин билсак боланинг отаси ва онаси ажралиш арафасида эканлар. Ўқувчини врачга кўрсатишгач, унинг кўриш қобилияти жуда ёмон эканлигини аниқлашибди. Ҳарфларни кўролмаган бола бечора ёзиш, ўқишга қийналган. Отаонасининг келишмовчиликлари боис уларга ҳам бу ҳақда ҳеч нарса демаган. Оқибат эса аён.

Энди "иккичи" ўқувчиларга келсак. Уларда ҳам қалб бор. Улар ҳам аълочи бўлгиси, ўқитувчининг мақтовига сазовор бўлгиси келади. Дарс тайёрламай келган ўқувчига қўрс муомала қилишдан кўра унинг имконияти, иқтидори доирасида топшириқ бериш мақсадга мувофиқ, деб биламан.

Дарсга кирган пайтимда ҳар бир ўқувчининг ўтириб-туриши, кийиниши ҳатто соч турмаклашигача назардан четда қолдирмасликка ҳаракат қиламан. Алалхусус, "иккичи" ўқувчига кўпроқ эътибор бераман. "Мана, Иброҳимдан ўрнак олинглар. Сочлари чиройли, формаси тоза-озода, шимлари дазмолланган. Ўзи дазмоллайди. Мен яхши биламан. Тартиби ҳам анча тузалган. Шундай кетаверса, икки ҳафтада ўқишлари билан Шуҳратга етади, деб ўйлайман".

Қарайман. Ўқувчи хурсанд. Бошқалар ҳам ўзларича хулоса чиқариши табиий.

Ўқитувчи ижодкор бўлиши ШАРТ деб ўйлайман. Ҳар 45 минут — бир ижод намунаси. Ҳақиқий ўқитувчи чегараланган (конспектни назарда тутяпман) усулда дарс ўтолмайди. Ҳар машғулотда янгича изланади. Ўқувчи қалбига йўл топаман, деган муаллим бир хил нусхадаги дарс кўрсатолмайди. Дарс вақтида ўқувчига "аълочи", "қолоқ" деб эмас, аксинча шахс сифатида қарайди.

Мактабимизда ишлайдиган ўқитувчиларнинг аксарияти ибратли. Мавлуда Жумаева, Музаям Рамазанова, Райхоной Тошева, Зуҳра Ёдгороваларга ҳавас қиламан. Ўқитувчи қадим-қадимдан эзгулик тарқатувчи сифатида қадрланган. Барча касбдошларимиз соғлом авлод тарбияси йўлида ҳамиша собитқадамлик ва фидойилик билан фаолият кўрсатишларини истайман. Зеро, ўқитувчи зиммасига юклатилган улкан масъулият, ишонч — буюк келажак ворисини маънавий камолга етказишни бир дақиқа ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ.

ЯХШИ СЎЗ — ЖОН ОЗИҒИ

Бекмирза ЖЎРАЕВ, Наманган туманидаги 8-мактаб ўқитувчиси:

—Кейинги йилларда халқ таълими соҳасида бўлаётган ижобий ўзгаришлар биз педагогларда чуқур мамнуният ҳиссини уйғотиш билан бирга ўз ишимизга ташаббускорлик, изланувчанлик ва ижодкорлик руҳида ёндашишимизни талаб этмоқда.

Бугунги кун ўқитувчиси педагогик ва психологик билимларини ошириб борсагина кўзлаган мақсадига тезроқ эришиши мумкин.

Шу боис психологияда кенг ёритилган "бола хулқини яхши томонга буриш учун ўзини ўзига самимий мақтанг" деган усулни баҳоли кудрат баён этмоқчимиз. Қолаверса, тарбияси қийин болаларни мактабга тортиш масаласи ҳар бир жамоада муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Мактабимиздаги Файзулло исмли боланинг дарсларга қизиқиши кам, ўқишга иштиёқи йўқ эди. Бундан 3 йил олдин сентябрь ойида мактабга 3-4 кун келдию кейин кўринмай қолди. Пахта йиғим-терими тугагач, дарслар бошланди. Бироқ Файзуллодан дарак йўқ эди. Синф раҳбарининг ўқувчи ва унинг ота-онаси билан ўтказган суҳбатлари ҳам ҳеч қандай наф бермади.

Aks-sado

Хуллас у "ёмон" бола номини олди. Мактаб психологи сифатида мен Файзулло билан шуғулланишга киришдим.

Унинг дадаси — тракторчи. Онаси — далада ишлайди. Синф раҳбарининг гапига қараганда, у камгап, тортинчоқ, таъсирчан, бироз қайсар бола, лекин меҳнатсевар.

Соат 18^{00}ларда Файзулло қўйхонада таъмирлаш ишлари билан банд экан — қўйхонадан тешанинг тақуртуқур овози эшитилди. Уни чақирдим. Бироқ у олдимга келмади. Ойиси мажбурласа ҳам келмади.

Вазиятни тушундим: айрим ўқитувчилар унга нисбатан қўпол муомала қилишган, ҳатто синф раҳбари уни ўртоқлари олдида камситган, қаттиқ танбеҳ берган, натижада боланинг мактабга, ўқитувчиларга ишончи сўнган, мактаб деса юраги безиллайдиган бўлиб қолган.

Бу ёшда, яъни балоғат ёшида болалар бироз жиззаки бўлиб қолишади ва ўзларига нисбатан айтилган танқидни тўғри қабул қилавермайди. Айниқса, танқид тенгдошлар олдида қўлланилса ҳеч қандай наф бермаслиги мумкин, аксинча, боланинг қалбида норозилик, ишончсизлик ва нафрат туйғуларини уйғотиши мумкин.

Файзуллонинг мактабга қатнамай қўйганида ота-онасининг ҳам катта айби бор, чунки фарзандларининг тақдирига бефарқ қарашган.

Шуниси ачинарлики, айрим ота-оналар фарзанд тарбиясидек масъулиятли, машаққатли ва шу билан бирга шарафли бурчларига бир мунча масъулиятсизлик билан ёндашишмоқда. Бола нима билан шуғулланаяпти? Унинг ўртоқлари ким? У кўчадан соат нечада келди? Қаёқдан? Мактабда ўқишлари қай аҳволда каби саволлар билан қизиқишмайди.

Тарбияда энг ёмони вақтни бой бериб қўйиш эканини тушунмайди. Вақт эса кутиб турмайди: азим дарёдек оқиб ўтаверади.

Болажон халқимизнинг "яхши гап билан илон инидан чиқади" деган нақлига амал қилиб ишга киришдик. Қолаверса, Дейл Карнегининг "Ҳар қандай одамни яхши йўлга етаклаш учун ишни, аввало, ўша одам эришган ютуқларни ёки бўлмаса, ижобий фазилатларини чин юракдан самимий мақташ керак", деган иборасини тажрибада синаб кўриш фурсати етган эди.

Баланд овоз билан Файзуллани ўз онасига мақтай бошладим: "Жуда ажойиб ўғлингиз бор-да, Сорахон. Бир ўзи 4 қўйни, 2 та молни боқади, укаларига ҳам қарайди. Далада ўт йиғиб, мол-қўй боқиб юрганини бир неча марта кўрганман. У дангаса эмас, айрим болаларга ўхшаб вақтни бекорга ўтказмайди, ҳайвонлар тилини ҳам яхши билади. Яқинда "ма, ола" деб, чақирганида моли олдига югуриб келганини кўриб ҳайрон қолдим...".

Қўйхонадаги тақир-туқур овози тинди. Бир оздан сўнг Файзулло онаси ва укаларининг қистови билан олдимга келди. Икковимиз қўл бериб сўрашдик. Мулоқот бошланди. Бироз давом этган суҳбатдан сўнг уни мактабга боришга кўндирдим.

Эртаси куни эрталаб ваъдалашганимиздек, уларнинг уйлари олдида учрашдик. Мактабга қизғин суҳбатлашиб кетдик.

Файзулло ҳайвонларга, паррандаларга қизиқишини билганим учун суҳбат мавзусини атайлаб ҳайвонот оламидан бошладим. У менга ишонди. Қўлимдаги икки тугундан бирини сўраб олиб, мактабгача кўтариб кетди. Шу куни ўқитувчилар учун тушки овқат тайёрлаш навбати менда эди.

Мактабда менинг "қаҳрамоним" ўқийдиган синфга дарсга кирадиган ўқитувчиларга Файзулло билан эҳтиёт бўлиб муомала қилишларини айтдим.

Қисқаси, кейин у дарсларни қолдирмади. Мана орадан 3 йил ўтиб Файзулло 11-синфни тамомлаяпти. Ҳозир у зоотехник касбини эгаллаш ниятида имтиҳонларга тайёргарлик кўраётир.

Мураббийлар болаларни нафақат бир ҳафталик мусобақага, балки ҳаёти давомида дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларга ҳам тайёрлашаётган бўлса, не ажаб.

Yoz — o'tmoqda soz

БИЗ ТАБИАТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Ҳа, айнан шундай. Бу сўзларни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази томонидан ташкил этилган ва ўтказилган "Тоғ сайёҳлиги маҳорати" бўйича анъанавий 4-республика мусобақасида яна бир карра ҳис этдим.

Гўзал ва сокин тоғ бағри бир ҳафта давомида болаларнинг шовқин-сурони, кулгуси ва шўх куй-қўшиқларга тўла бўлди. Бу ҳол мусобақага ҳамда улуғвор тоғларга яна-да чирой ва кўрк бағишлади.

Инсон нима учун юксакликка интилади, нима учун табиат бағрини соғиниб қўмсайди, нима учун тоғлар уни ўзига тортади? Бу каби саволларга турлича жавоб бериш мумкин. Ва энг муҳим англанган ҳақиқат шу бўлади: "Биз табиатни онадек ардоқлашимиз, уни ўрганишимиз керак. Келажак авлодга мусаффо сув, тоза ҳаво, соғлом муҳитни қолдиришимиз шарт".

МУСОБАҚАГА ТАЙЁРГАРЛИК

Бу мусобақа тоғлар оппоқ қорга бурканган бир пайтда бошланган эди. Мусобақа Низомида аввал мактабларда, сўнгра туман, кейин вилоят миқёсида ушбу, "Соғлом авлод йили"га бағишланган мусобақани ўтказиш киритилганди. Барча вилоятларда 2000 йилнинг январь ойида бошланган мусобақа ўқув йили билан биргаликда якунланди. Вилоят миқёсида ғолиблар аниқланди. Энди навбат катта довонга етиб келди. Олдинда Республика танлови.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги тоғ ҳудудида жойлашган Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази оромгоҳига Қорақалпоғистон Республикаси ва 10 вилоят вакиллари етиб келишди. Иштирокчиларга лагер ҳудудидан жой ажратиб берилди. Улар ҳақиқий сайёҳлардек бу ерларга палаткалар ўрнатишди, чиройли байроқчалар қадалган иплар ёрдамида ўз чегараларини белгилаб олишди.

Мусобақанинг очилиш маросимида Халқ таълими вазирлигининг Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи Жамолиддин Фозилов бу мусобақада барча вилоят вакилларига омад тилаб, бундай учрашувларда фақат ғалаба қозониш, ғолиб бўлиш учун эмас, балки дўстлик, ўртоқлик, биродарликни кучайтириш учун ҳам қатнашиш лозимлигини таъкидлади.

Шу куни барча қатнашувчилар эртанги бўладиган машаққатли ҳамда қизиқарли беллашувга тайёрланишди.

Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази раҳбари Шавкат Назаров мусобақанинг аҳамияти ҳақида қуйидагиларни гапирди:

"Бу мусобақани ўтказишдан асосий мақсад, болаларда Она Ватанга садоқат, муҳаббат туйғуларини камол топтириш, ўз юртидан фахрланиш туйғусини шакллантириш. Бу сўзлар баландпарвоздек бўлиб кўринар. Лекин аён ҳақиқат ҳам шу. Ўзингиз ўйланг, узоқ вилоятдан йўл босиб келган ўқувчи шу бепоён ўлка, унинг бетакрор манзараларини кўриб, шундай юртда яшаётганлигидан юрагида ғурур туяди. Юртнинг ҳар бир тоши, гул-гиёҳини яхши кўришга, уни ўрганишга, энг муҳими авайлашга ўзида куч топа олади. Болаларни табиатни муҳофаза қилишга ўргатиш ҳам айнан шу мусобақа орқали кучайтирилади".

Дарҳақиқат, улуғворликни тоғлардан ўрганиш мумкин. Яна бир нарса борки, бугун истаймизми, йўқми, ҳамма нарса иқтисодга бориб тақалади. Дунё миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, тоғ сайёҳлиги ҳам давлатнинг хазинасига анча нарса олиб кирадиган соҳалардан бири.

Шундай экан, ёш ўлкашунос ва сайёҳлар ўз олдига қўйган вазифалардан бири ҳам Республикамизда тоғ сайёҳлигини ривожлантириш, етук, жасур, ҳар қандай довонларни кўрқмай забт этувчи алпинистларни тайёрлаш, баркамол авлодни вояга етказишдир.

МУРАККАБ ДАРАЖАЛИ ТОҒ САЙЁҲЛИК ЮРИШИ

Бизнинг умримиз аслида мураккаб даражали юришга ўхшайди. Нимадир излаб, елиб-югурамиз. Ҳаёт қийинчиликлари ҳам тоғ сўқмоқларидаги чакалакзорларга ўхшайди. Мусобақанинг биринчи шартини бажариш учун ҳаракат қилаётган, старт чизиғига яқинлашаётган ёш сайёҳларни кўриб хаёлимдан шу нарсалар ўтди. Мураббийлар болаларни нафақат бир ҳафталик мусобақага, балки ҳаёти давомида дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларга ҳам тайёрлашаётган бўлса, не ажаб.

Ҳали қуёш оромгоҳ ҳудудига мўраламаган бир пайтда ўқувчилар сафар халталарини елкага осиб, биринчи шартни бошлаб юборишди. Мураккаб даражали тоғ сайёҳлик юришида уларга К.Аничков раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъати ҳамроҳ бўлдилар. Болалар шу куни ҳакамлар томонидан белгиланган тоғ ҳудудларидан оғир юк билан, турли топшириқларни бажариб ўтишди. Оромгоҳга кечки соат 8 лар атрофида кириб келган болалар юзида чарчоқдан кўра кўпроқ ҳайратланиш, нимадандир миннатдорлик туйғуси бор эди.

Ҳакамларга бу шарт ғолибини аниқлаш қийин кечмади. Сабаби топшириқлар аниқ ва пухта, тезкорлик ва шиддаткорлик билан бажарилган эди. Мусобақанинг "Маълумотлар ва кўрсатмалар" тахтасида биринчи шартда ким қандай натижа кўрсатганлиги, ким кўрсатилган муддатда етиб келганлиги ёзилди. Биринчилик Самарқанд вилояти Гўзалкент туманидаги 23-мактабнинг ёш сайёҳларига насиб этди.

Сафардан ҳориб келган ўқувчилар яна тиним билмай кечлик овқатни тайёрлашди. Шу куни Андижон, Навоий, Қашқадарё вилояти ўқувчилари сайёҳлик қўшиқлари, Алпомиш достонининг 1000 йиллигига бағишланган саҳна кўринишларини ҳакамлар эътиборига ҳавола қилишди.

Бир куннинг ўзидаёқ барча ўқувчилар дўст оттиришди, тенгдошларининг ўзларидан баъзи жиҳатлари устунлигини ва баъзи жиҳатлари заифлигини ҳис қилишди. Бирга рақсга тушиб, қувонишди.

Иккинчи, назорат сайёҳлик юришида ҳам, сайёҳлик техникаси шартида ҳам болалар ҳақиқий сайёҳлардек, тоғ йўлларини, буталар билан тўсилган сўқмоқларни қадамлаб босиб ўтишди. Тоғнинг ўзига хос табиатини, тошлар таркибини, тоғ ўсимликларининг биологик ва физиологик ривожланишини қисқача ўрганишди. Ўқувчилар тез палатка тикиш, сой устидан арқонда осилиб ўтиш, гулхан ёқиш каби қизиқарли шартларни ҳам бажаришди.

Энг қизиқарли шартлардан бири, шубҳасиз, "Тоғ ҳудудларида қутқарув ишлари" бўлди. Сабаби, ҳар қандай вазиятларга ҳаммамиз тайёр туришимиз керак. Чунки фалокатлар тоғда ҳам, чўлда ҳам, машиналар қатнови кўп бўлган шаҳар жойларида ҳам бўлиб туради. Шикастланган болани ҳакамлар ҳайъати тоғнинг турли жойларига, буталар кўп ўсган чакалакка, катта тош орқасига, ўтлар кўп ва қалин ўсган сой бўйига "яшириб" қўйишди. Қутқарувчиларга шикастланган бола яширилган жойнинг харитаси, компас ва дори-дармон қутиси берилди. Бу шартда Тошкент вилояти вакиллари тез ва аниқ ҳаракат қилиб "бемор"ни топишди ва унга биринчи ёрдамни кўрсатишди. Қашқадарё вилояти Қамаши тумани ва Наманган вилояти Чуст тумани ўқувчилари ҳам "бемор"ларни ҳакамлар ҳайъати аъзолари олдига тезкорлик билан етказишди.

"Сайёҳлик турмуши" шарти фақат бир кун эмас, ҳар куни шомдан сўнг ўтказилди. Унда болалар яшаётган ҳудудларини ва палатка ичини тоза сақлашлари, озиқ-овқат маҳсулотларини бир ҳафта давомида музлатгичсиз жойда сақлашлари, ҳеч кимникига ўхшамаган сайёҳлик турмушига мос "нимадир" топишлари керак эди. Самарқанд, Тошкент, Наманган вилояти ёш сайёҳлари янги ва ўзгача шароитлар яратиб олишганлиги билан ажралиб туришди.

Синов шартлари билан бирга мусобақа низомида кўрсатилган кўрик-танлов шартлари ҳам олиб борилди. Унда қатнашувчи барча вилоятлар фото-расм, реферат, деворий газеталарини топширишди, "Алпомиш" достонининг 1000 йиллигига бағишланган викторина, ошпазлар танлови ўтказилди.

Тоғ шароитида овқат тайёрлаш жуда қизиқ иш. Кичкина қозон, турли тошлардан ясалган ўчоқ. Шундай вазиятда Тошкент вилояти вакиллари қуюлтирилган сут ва печенье, тоғ мевалари, смородина ва маймунжондан "Қоранқул" тортини, хамирни бўш шиша банкасида ёпиб, консерваланган гўштдан чучвара тайёрлабдилар. Андижон вилояти Шаҳрихон тумани ўқувчилари ҳам ошпазлик маҳоратларини очиб бера олдилар. Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари ҳам бу борада ўзларининг чаққон ва қўли ширинликларини намойиш қилишди.

НЕГА ЁРДАМ БЕРМАДИ, НЕГА ҚАТНАШМАДИ?

Ҳар қандай иш, гап-сўз нега деган суроқ билан бошланади ёки якунланади. Республика миқёсида бўлиб ўтган ушбу мусобақада мусобақа ташкилотчиларини қувонтирган нарса мусобақага Самарқанд вилояти Гўзалкент тумани халқ таълими бўлимининг жиддий эътибори бўлди.

— Узоқ йўлга ўқувчиларни ота-оналари бизга ишониб топширишди, — дейди Гўзалкент ТХТБ мудири Р.Шодиев. — Шу ишончни оқлаш, болаларни уйларига соғ-саломат етказиш учун ҳам туман ДАН бўлимидан машина ажратиб олиб келдик. Иккинчидан, бизнинг ғалабамиз бутун вилоятнинг ғалабасига тенг. Қатнашувчиларга туман халқ таълими бўлими томонидан икки сидирга, бир хил уст-бош, сафар анжомлари тақдим этилди. Мураббий Эрмат Йўлдошев, вилоят ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази раҳбари Мурод Раҳмонов, марказнинг тоғ сайёҳлиги бўйича етук мутахассиси Турақул Қудратов болаларни бу мусобақага тайёрладилар».

Мусобақада қатнашиб энг паст натижа кўрсатган Навоий вилояти Қизилтепа тумани жамоаси мураббийси Баҳодир Ҳакимов бу ҳолни жойлардаги раҳбарларнинг эътиборсизлиги билан изоҳлади. Болаларнинг қизиқиши, уларнинг интилишлари ота-оналар ёрдами билан юзага чиқарилганлигини гапирди. Эътибор, қаров, қизиқиш бўлмагандан сўнг мактаб ўқувчилари яхши тайёргарлик кўролмаганлар, етарлича асбоб-анжомларга эга эмаслар. Шундай бўлса ҳам уларнинг шу мусобақага қатнашганликларининг ўзи бир матонат, юртни ўрганишга, табиатни муҳофаза қилишга бўлган катта ҳаракат.

Республика мусобақасида Тошкент шаҳри жуда катта имкониятлари бўла туриб қатнашмади. Сурхондарё ва Сирдарё вилояти вакиллари ҳам негадир сукут сақлашди. Бу мусобақага нима сабабдан қатнаша олмаганликларини билдириб ҳам қўйишмади. Наҳотки, "Соғлом авлод йили"да болаларни ҳар томонлама чиниқишга, соғлом ва бақувват бўлишга ундайдиган бу мусобақага озгина эътибор ва маблағ топиш жуда-жуда мушкул бўлса.

Мусобақа якунланди. Натижалар кимнидир қувонтирди, кимнидир ранжитди. Шундай бўлиши табиий. Мусобақада кимдир яхши натижага эришиши шарт-да.

Мусобақа якунида Халқ таълими вазирлиги Маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи Ж.Фозилов шундай деди:

— Табиатни асраш, атроф-муҳитни мусаффо сақлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб турган бир пайтда бу тадбирнинг ўтказилиши айни муддао бўлди. Ўқувчилар бу мусобақада нафақат сайёҳликни, балки мустақилликни, эркин ҳулоса чиқаришни ва қийинчиликлардан чўчимасликни ўрганишди.

Самарқанд, Тошкент вилояти вакиллари ғолиб бўлишган бўлса, Наманган ва Қашқадарё вилояти ёш сайёҳлари бир маромда, яхши иштирок этишди. Андижон, Жиззах, Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ўқувчилари яхши натижаларга эришиш учун ҳаракат қилишди. Бухоро ва Фарғона вилояти ёш сайёҳлари эса мусобақага эътиборсиз муносабатда бўлишди.

Буюк давлат қуриш йўлидаги ҳаракатларимиз ёш авлоднинг кучи ва ғайратига, уларнинг етук билими ва салоҳиятига бориб тақалади. Бугунги ёш сайёҳлар эртага янги-янги чўққиларни забт этадилар. Бугун арқондан осилиб, чўққига интилган болакай, эртага чўққидан дунёга боқади ва "Бепоён ва қудратли, гўзал ва бетакрор Ўзбекистон фарзандиман, юртимни жондилдан севаман" деб ҳайқира олади.

Шарифа МУРОДЖОН қизи,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Суратда: мусобақа иштирокчилари берилган шартни бажаришмоқда.

А.ШТАРКЛОВ олган сурат.

ТАЛАБА ТИНГЛОВЧИ ЭМАС, ФАОЛ ИЗЛАНУВЧИ, ФИКРЛОВЧИ ШАХС БЎЛИШИ КЕРАК

Mehmonxona

Марғуба Мирқосимова, педагогика фанлари доктори, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ўзбек тили ва адабиёти факультети ўқитувчиси.

— Марғубахон, суҳбатимиз аввалида меҳмонхонамизнинг анъанавий саволи — сизни маърифат сари етаклаган биринчи муаллимингизни билишдан бошласак.

— Биринчи устоз ҳақидаги хотиралар беғубор болаликнинг покиза, энг ширин дамларини ёдга солади. Мен илк устозимни ҳали-ҳануз энтикиб эслайман. Сабрли, иродали, меҳнаткаш, қаттиққўл, ҳақиқий зиёли аёл — Шайхонтоҳур туманидаги 38-ўрта мактабнинг фидоий ўқитувчиси Турсуной опа Ёқубжонова мендаги энг зарур кўникмаларни шакллантирган инсондирлар. Адабиётга, ўқитувчилик касбига бўлган муҳаббатни ҳам ана шу улуғ инсон қалбимга жойлаганлар, десам тўғри бўлади.

Бошланғич таълим, менимча, инсон ҳаётининг кейинги даврлари учун пойдевор вазифасини ўтайди. Биринчи муаллим мурғак қалбларни илм нури билан ёритиб, инсоний туйғуларни уйғотади. Олам гўзалликларини илғашга, эзгулик тушунчасини англашга ўргатади. Илмга, китобга бўлган ҳавасни ҳам биринчи муаллим пайдо қилади. Ана шу нарсалар инсон дунёсидан қай даражада ўрин эгаллаганига кўра келажакда ШАХС шаклланади. Шу сифатлар унинг маънавияти томирига айланади.

— Илмга, китобга ҳавас уйғотиш ҳақида тўхталдингиз, сизнинг таълим ва тарбияда бадиий адабиётнинг, китобларнинг аҳамияти ҳақидаги мулоҳазангизни билмоқчи эдим.

— Таълимда ҳам, тарбияда ҳам адабиётнинг, китобларнинг аҳамияти беқиёс. Таълим жараёнида адабиётларга таяниб, қўшимча билим оламиз, ўз дунёқарашимизни ўстиришга эришамиз. Энди бадиий адабиёт ҳақида гапирганда эса, албатта, унинг маънавий тарбияга, кишининг фикрлаш салоҳиятига, эстетик дидининг шаклланишига, нутқининг ўсишига таъсири катта эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бадиий асарларни мунтазам ўқийдиган китобхон мустақил фикрли инсон бўлиб шаклланади. Унда муҳокама юритиш, мулоҳаза қилиш қуввати кучли бўлади. Йигирма йиллик педагогик фаолиятимда шу нарса аён бўлдики, китоб ўқийдиган бола тез таъсирланувчан, меҳрли, самимий, атрофидагиларга мурувватли, ижодий қобилиятга эга бўлиб вояга етади. У лоқайдларни, фикрсизларни ёқтирмайди. Ёшликдан китобга меҳр қўйган бола илмга ҳам, касб-ҳунарга ҳам ҳавасли бўлади. Мана шулар, менимча, адабиётнинг таълим ва тарбияга таъсирини кўрсатувчи далиллардир.

— Олий ўқув юртида таҳсил олган аввалги талабалар билан ҳозиргиларининг маънавияти орасида қандай фарқларни кўрасиз?

— Аввалги талабалар билан ҳозирги талабалар ўртасида жиддий фарқларнинг бўлиши ҳам табиий, ҳам зарурий ҳол. Чунки бугунги талаба ўзгаришлар, янгиланишлар даврининг иштирокчиси. Давримизнинг жамиятимиз аъзоларига нисбатан талаблари бугун тамоман ўзгарган. Ёшларга бўлган талабларимиз эса мураккаблашган. Ҳар жабҳада ислоҳотлар, янгиланишлар рўй бераётган бугунги кунда талабалар ўз дунёқарашлари, маслаги, эътиқоди, интилишлари, хаёлларию орзулари билан аввалги даврлардаги талабалардан тамоман фарқ қиладилар. Улар учун педагог ўқитувчининг оддий маърузалари зерикарли. Дарсликлардаги бор гапни айтиш билан улар эҳтиёжини қондира олмайсиз. Талаба "тингловчи" ролидан воз кечиб, таълим иштирокчиси, фаол изланувчи, фикрловчи шахсга айланган. Таълимда бу ҳолатни барқарорлаштириш мақсадида рейтинг усулидан фойдаланилмоқда, иқтидорли талабалар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Талабалар бакалавриат босқичидан сўнг магистратурада билим олиш имконига эга бўлдилар. Айни пайтда талабалар ичида манманликка ружу қўйганлар, ўз касбига бегоналар ҳам учраб туради. Йўлакларда ўқитувчиларни туртиб ўтиб кетувчи ёки сизга қараб туриб бетамизларча сигарет тутунини пуфлаб, тиззадан юқоригача очиқ мини юбка кийган, орти кесилган кўйлакли қизларга андишасизларча гап отаётган йигитларни ҳам учратамиз. Улар ҳам бизнинг фарзандларимиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

Аммо мен ёшлар ўртасида миллий тарбияга алоҳида эътибор бериш кераклигини таъкидламоқчиман. Ўзбекона ҳаё, иффат, камтарлик, устозга ҳурмат бобида аждодларимиз анъаналарини давом эттирсак. Мен ана шунинг тарафдориман.

— Инсон устозлари, уларнинг доно ўгит ва маслаҳатларига ҳар доим эҳтиёж сезиб яшайди. Бунинг боиси нимада?

— Ҳаётимиз давомида ҳамиша синовлардан ўтамиз. Гоҳ пастлашга, гоҳида кўзлаган маррамизни забт этишга имкон туғилади. Ҳар сафар ҳаётий синовларга дуч келганимизда маънавий жиҳатдан бизга далда бўлувчи кишига эҳтиёж сезилади. Устозларимиз эса ҳамиша беғараз ёрдамларини, панд-насиҳатларини биздан аямасликларини биламиз. Улуғ донишманд Кайковус ўзининг "Қобуснома" асарида бола тарбиясидаги энг катта масъулият устоз — пирга юкланишини таъкидлаган. Устоз шогирдининг тақдири учун жавобгар шахс. Навоий ҳазратлари ҳам ўз устозларини пир сифатида улуғлаганлар. Айниқса, мавлоно Жомийдан ўгитлар, маслаҳатлар олганликларини эътироф этганлар. "Хамса" достонларида устозларига меҳр-муҳаббатларини самимий мисраларда ифодалаб, уларни ою қуёшга ўхшатганлар. Улар ўртасидаги самимий дўстлик, инсонийлик ришталари ниҳоятда мустаҳкам бўлганлигидан ҳайратга тушамиз.

Мен ҳозирги Миллий университетнинг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган давримда Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов каби улкан олимлардан сабоқ олиш бахтига сазовор бўлганман. Уларнинг ҳалоллиги, том маънодаги устоз - мураббий, олиму фозилликлари таъсирида бизнинг авлод вояга етган. Ўйлаб қарасам, фанда ўз ўрнимни эгаллашимда, ўзимга хос услубим, нуқтаи назаримнинг шаклланишида устозларимнинг таъсири катта бўлган экан. Бугунги кунда мен ҳам катта аудиторияларда талабалар учун мутахассислик фанидан маърузалар ўқияпман. Ҳар сафар машғулотларга тайёргарлик кўрганимда ўзимни талаба сифатида ҳис этишга ҳаракат қиламан. Устозларимнинг сабоқларини бир-бир ёдга оламан, хотирлайман. Уларга хос ўткир билим, зукколик билан бирга ички маънавий маданиятнинг юксаклиги биз шогирдларни "ром этган"лигини тан оламан, ана шу бебаҳо неъматга интилиб яшайман.

— Орқага бир назар ташласангиз, мазкур касбни танлаганингиздан афсусланмайсизми?

— Асло. Балки бу мўътабар касбни танлаб халқимга, миллий таълим равнақига ўзим истаган даражада етарли хизмат қилолмаётгандирман. Кўпинча ана шу хусусда ўйлайман. Хўш, нималарга эришдиму, яна нималарга эришишим мумкин, ўз имкониятларимдан тўла фойдалана олаяпманми? Ҳар сафар кўнглим тўлмайди, ўзимдан-ўзим норози бўлавераман. Демак, қилиш керак бўлган ишлар кўп, қилинганлари эса ниҳоятда оз, деган хулосага келаман.

— Кечирасиз, фикрингизни бўлганим учун. Ўзингизга бундай юқори талаблар билан ёндашишингиз натижасида оилангизга, фарзандларингизга ҳам вақт ажрата оласизми? Оналик билан оналик ва аёллик бурчларини адо этиш...

— Олима, она, уй бекаси бўлиш осон эмас-ку, демоқчисиз назаримда. Тўғри, аёл киши учун ўз вазифаларини тўла-тўкис адо этиш ғоят мушкул. Бунинг устига фарзандларимнинг каттаси 10 ёшда. Кичиги эса 3 га кирган. Улар менинг эътиборимга, меҳримга ташна. Эрта тонгдан узун тунгача баъзан тиним билмай, тилга олган бурчларимни адо этишга тўғри келади. Баъзан аёлнинг жони қирқта бўлади, деган гапларга ишониб кетаман. Гоҳида эса машаққатларни иродам билан енгишга ҳаракат қиламан. Айрим пайтларда ожизалигимга бориб, оддийгина меҳрга, бир оғиз ширин сўзга зориқаман.

Аммо аёл ўз оиласини, фарзандларини чин дилдан севса, оиласига меҳрли бўлса, ҳар қандай қийинчиликларни енгишга қодир куч-қувват топа олади. Ахир, Ватан ҳам ўз оиланг остонасидан бошланади-ку?! Ҳаётнинг паст-баландликларига сабрли, бардошли бўлиш осон эмас. Шунинг учун давраларда аёллар кўпинча иқтисодий етишмовчиликлардан, боқимандага айланиб қолган эркагидан, барча оила юмушлари-ю, рўзғор "халтаси" ўз бўйнига тушиб қолганлигидан шикоят қилишади, кўз ёши тўкишади. Кимлардир бу машаққатларни енгиш учун бозорга чиқиб кетди, кимдир шаҳарларни, чет элларни кезиб, савдо-сотиқ йўли билан оиласини боқишни ўйлаяпти, яна кимдир ўзи севган касбини ташлаб, маошининг камлиги учун даромадли иш топиш дардида юрибди. Улар болаларини, оиласини, шу оила мазмунига жо бўлмиш эзгуликни, меҳрни ўша мўмай даромадга билиб-билмай алмаштириб қўймоқдалар.

Яқинда бир шифокор дугонамни учратиб қолдим. Унинг икки ўғли, бош шифокор лавозимидаги умр йўлдоши бор. У ҳаётдан, етишмовчиликлардан шикоят қилди. Ўғилларини ўқишга киритиш, машина, уй олиб бериш мақсадида Америкага ишлаш учун кетаётганини айтди. Сизнинг бу дунёдаги мақсадингиз шу билангина ниҳоя топадими? — деб сўрадим. У бир оз ҳайрон бўлиб қараб турди-да, сўнгра: "Э, одамзоднинг истагига ниҳоя бор эканми?" — деди кулиб. Дугонам ўзи билмаган ҳолда орзу-интилишларининг кулгили эканини, фарзандларининг келажагию бахтини молдавлат билан яратиш мумкин эмаслигини айтиб қўйди. Танимизнинг соғлигига, ҳаётимизнинг осудалигию, тинчлигимизга шукр қилайлик, оздир-кўпдир Оллоҳ насиб этган ризқимизга, фарзандларимиз борлигига, оиламиз омонлигига шукроналик билан яшайлик. Бу бири кам дунёда қайси инсон ҳамма нарсага эга бўлибдики, охир-оқибат у бўлди, етади, қолгани мен учун ортиқча, дебди. Хом сут эмган бандаси қачон Ҳақни танийди, қачон эркаклар ўз ўринларини эгаллаб, аёллар оиласига, фарзандлари бағрига қайтади? Қачонки, аёллар сабрли бўлишга, шукр қилиб яшашга эришсалар, оила бошлиғининг ҳалол топиб келган битта нонини бошларига кўтариб, қадрлаб ейишни билсалар, кўз ёш тўкмайдилар. Бор имкониятларини оилаларига, фарзанд тарбиясига бағишласалар яхши инсонлар кўпаяди.

Баъзан ҳамкасбларим ўз имкониятларимдан тўла фойдалана олмаётганимни, истеъдодимни тўла намоён қилолмаётганимни истеҳзо билан юзимга айтишади, ёзган китобларим, мақолаларимни санаб чиқишади ва "кам-ку?" — демоқчи бўлишади. Тўғри, мен ўз имкониятларимни ўзим истагандай ижодимга тўла-тўкис сафарбар эта олмаяпман. Сабаби, оиламни, оналигим ва аёллигимни биринчи ўринга қўйишимдадир. Аёл эркак каби "кўча одами" бўлолмайди ёки фақат олим сифатида яшашнинг иложи йўқ. Фарзандларимнинг баркамол инсон бўлиб вояга етишлари мен учун муҳимроқ.

— Шунга қарамай, йигирма беш ёшингизда фан номзоди, ўттиз беш ёшингизда фан доктори деган илмий даражаларга эришгансиз. Ўз касбингизга дахлдор қайси муаммо Сизни кўпроқ ўйлатади?

— Мени адабий таълимнинг бугуни ва эртаси билан боғлиқ муаммолар ўйлантиради. Хусусан, янги тузилган ўқув дастурлари, уларнинг мазмуни, талаблари ўқувчилар ёшига, руҳиятига, фикрлаш салоҳиятига мосми, умумтаълим мактаблари ўқувчиларидан академбилимлар талаб қилинаётганлиги оқибатида уларни адабиётдан бездириб қўймаяпмизми?..

— Президентимиз ташаббуслари билан 2000 йил — Соғлом авлод йили деб эълон қилинди. Ана шу йилда ҳаётнинг қайси жабҳаларига алоҳида эътибор қаратилишини истардингиз?

— Соғлом авлод йилида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, мактабгача таълим муассасаларидаги шароитларни яхшилашга, болаларнинг овқатланиш сифатини кўтаришга кўпроқ эътибор қаратилишини истар эдим. Жисмоний ва маънавий соғломлик, том маънода, фарзандларимиз баркамоллигини таъминловчи биринчи шартлардир.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Дилбар ХЎЖАЕВА суҳбатлашди.

Вилоят бўйича абитуриентлар 1997 йили кириш имтиҳонларида 38.40 % самарадорликка эришиб 14-ўринни, 1998 йили 35.32 % самарадорлик билан 13-ўринни эгаллаган бўлса, 1999 йили яна 14-ўринга тушиб қолган.

DTM tahlili

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМ ҚАЧОН ТИКЛАНАДИ?

Сурхондарё вилоятида тест натижаларининг таҳлилига алоҳида эътибор бериш талаб этилди. Чунки вилоятда битта университет, 13 та ўрта махсус ўқув муассасаси ва 550 дан ортиқ ўрта мактаб мавжуд. Лекин вилоят ўзининг тест кўрсаткичларига кўра, республикада энг охирги ўринларни эгаллаб келмоқда. Демак, вилоят таълим тизимида фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Вилоят бўйича ўқишга кириш учун 17980 та ариза тушган. Олий ўқув юртига кириш учун 8885 та ва ўрта махсус билим юртларига 8856 абитуриент ариза топширган. Олий ўқув юртига ўқишга кириш учун имтиҳон топширган вилоят абитуриентлари 31.59% самарадорлик кўрсатиб энг охирги ўринни эгаллаганлар. Вилоят бўйича абитуриентлар 1997 йили кириш имтиҳонларида 38.40 % самарадорликка эришиб 14-ўринни, 1998 йили 35.32 % самарадорлик билан 13-ўринни эгаллаган бўлса, 1999 йили яна 14-ўринга тушиб қолган. Демак, маориф ходимларининг бу соҳадаги ишлари замон талабидан орқада қолиб бормоқда.

Вилоят бўйича абитуриентларнинг тест имтиҳонларидаги самарадорлик кўрсаткичлари 1998 йилга таққосланса, 4 фан бўйича пасайиш содир бўлган. Пасайиш тарих, физика, математика, француз тили ўқув фанлари бўйича содир бўлган. Бу қуйидаги жадвалда яққол кўзга ташланади.

Сурхондарё вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича жавоблар самарадорлиги кўрсаткичлари асосида тутган ўрни (олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари, ўзбек гуруҳлари)

1-жадвал

Фан	1998 йил самарадорлик	1998 йил ўрин	1999 йил самарадорлик	1999 йил ўрин	Рейтинги
География	35.37	14	41.14	11	Ўсган
Тарих	49.50	11	37.39	12	Пасайган
Немис тили	26.04	12	25.81	12	Ўзгармаган
Биология	43.22	14	35.20	12	Ўсган
Химия	32.36	14	32.44	13	Ўсган
Физика	29.15	11	26.73	13	Пасайган
Математика	37.88	11	31.44	13	Пасайган
Она тили ва адабиёти	35.32	13	29.15	13	Ўзгармаган
Инглиз тили	33.58	14	30.13	13	Ўсган
Француз тили	28.33	11	25.98	14	Пасайган

Вилоят бўйича Термиз шаҳри, Термиз, Бойсун, Ангор, Музработ туманларининг кўпчилик битирувчи синф ўқувчилари ўқишни давом эттириш хоҳишини билдирган. Номлари кўрсатилган ҳудудлардаги мактабнинг битирувчилардан 41.47 % дан 69.41% гача бўлган ёшлари тестда иштирок этишган. Лекин Қизириқ, Узун, Олтинсой ва Бандихон туманларидан тестда қатнашган ёшларнинг умумий мактабни тугатувчиларга нисбатан 30% га ҳам етмаган. Буни қуйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин.

Вилоят туман ва шаҳарлари бўйича 1999 йил мактабларни тугатиб, тест синовларида қатнашганлар кўрсаткичлари (олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ўзбек гуруҳлари)

2-жадвал

№	Туман номи	Тугатганлар сони	Тестда қатнаш.	Қатнаш. фоизи
1	Термиз шаҳри	765	531	69.41
2	Термиз тумани	839	402	47.91
3	Бойсун тумани	939	397	42.28
4	Ангор тумани	1212	504	41.58
5	Музработ тумани	1331	552	41.47
6	Шўрчи тумани	2112	784	37.12
7	Жарқўрғон тумани	1834	674	36.75
8	Қумқўрғон тумани	2253	774	34.35
9	Денов тумани	3468	1162	33.51
10	Сариосиё тумани	1898	624	32.88
11	Шеробод тумани	1458	460	31.55
12	Қизириқ тумани	1023	284	27.76
13	Узун тумани	1751	481	27.47
14	Олтинсой тумани	1962	528	26.91
15	Бандихон тумани	479	120	25.05

Жадвалдан кўриниб турибдики, вилоятнинг 40% дан кам самарадорлик кўрсатган 10 туманида иш талаб даражасида деб бўлмайди. Улар битирувчи синф ўқувчилари билан касб танлаш, ўқишга кириш учун тайёрлаш ва тест технологиясига ўргатиш ишларини олиб боришлари керак. Вилоятнинг тест натижаларига кўра, энг юқори ва паст кўрсаткичли туманлари республика миқёсидаги шундай туманларга таққосланганда Сурхондарёдаги энг юқори кўрсаткич республикадаги илғор туманлардан анча орқада эканлиги маълум бўлади. Сурхондарё она тили ва адабиётдан энг юқори кўрсаткич кўрсатган Узун тумани Қашқадарёнинг Шаҳрисабз туманидан 9 % га паст натижа кўрсатган. Бундай аҳвол барча туманларга хос. Бу қуйидаги жадвалдан яққол кўринади.

Фанлар бўйича жавоблар самарадорлигининг энг юқори кўрсаткичларининг вилоят ва республика миқёсида таққосланиши (олий ўқув юртларининг кундузги бўлими, ўзбек гуруҳлари)

3-жадвал

Вилоят кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан номи	Туман ёки шаҳар	Қатнашган	Самарадор.	Туман ёки шаҳар	Вилоят	Қатнашган	Самарад
Она тили ва адабиёти	Узун тумани	420	31.46	Шаҳрисабз шаҳри	Қашқадарё вилояти	271	40.39
Математика	Бойсун тумани	225	36.53	Ҳазорасп тумани	Хоразм вилояти	100	46.72
Физика	Сариосиё тумани	174	29.47	У. Юсупов тумани	Қашқадарё вилояти	65	37.14
Биология	Жарқўрғон тумани	142	38.63	Янгиариқ тумани	Хоразм вилояти	124	48.75
Химия	Денов тумани	199	35.97	Пешку тумани	Бухоро вилояти	97	52.21
Тарих	Термиз шаҳри	213	40.05	Бухоро шаҳри	Бухоро вилояти	441	49.14
Инглиз тили	Термиз шаҳри	263	40.58	Хонқа тумани	Хоразм вилояти	130	57.44
Немис тили	Бойсун тумани	72	35.96	Ўзбекистон тумани	Фарғона вилояти	143	41.78
Француз тили	Ангор тумани	52	27.08	Булунғур тумани	Самарқанд вилояти	153	46.75

Вилоятнинг Термиз, Шеробод, Олтинсой тумани республика бўйича энг паст кўрсаткичга эга бўлганлар. Бу маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

Фанлар бўйича жавоблар самарадорлигининг энг паст кўрсаткичларининг вилоят ва республика миқёсида таққосланиши (олий ўқув юртларининг кундузги бўлими, ўзбек гуруҳлари)

4-жадвал

Вилоят кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан номи	Туман ёки шаҳар	Қатнашган	Самарадор.	Туман ёки шаҳар	Вилоят	Қатнашган	Самарад
Она тили ва адабиёти	Термиз тумани	364	27.74	Нукус тумани	Қорақалпоғ. Рес.	83	25
Математика	Ангор тумани	195	29.39	Сирдарё тумани	Сирдарё вилояти	66	26.98
Физика	Термиз тумани	57	22.81	Термиз тумани	Сурхондарё вилояти	57	22.81
Биология	Қумқўрғон тумани	154	33.06	Амударё тумани	Қорақалпоғистон Рес.	221	30.95
Химия	Шеробод тумани	52	26.39	Шеробод тумани	Сурхондарё вилояти	52	26.39
Тарих	Қумқўрғон тумани	298	34.36	Амударё тумани	Қорақалпоғистон Рес.	348	31.75
Инглиз	Олтинсой тумани	146	26.79	Олтинсой тумани	Сурхондарё вилояти	146	26.79
Немис тили	Термиз тумани	71	23.08	Термиз тумани	Сурхондарё вилояти	71	23.08
Француз тили	Музработ тумани	52	25.37	Тўрақўрғон тумани	Наманган вилояти	51	23.69

Вилоят бўйича тест имтиҳонида юқори самарадорлик кўрсатган мактаблари паст натижага эришган мактабларга таққосланса, бир туманнинг ўзидаёқ бир-биридан кескин фарқ қилувчи натижани кўриш мумкин. Битта ҳудудда бир-биридан кескин фарқ қилувчи икки хил натижа педагоглар иши билан, мактаб раҳбарияти иши билан бевосита боғлиқдир. Сариосиё туманидаги 9-мактаб физикадан 44,44% самарадорликка эришгани ҳолда шу тумандаги 18-мактаб 19.05% натижага эришган. Бундай аҳволни Ангор туманидаги 28- ва 21-Жарқўрғон туманидаги 3-ва 23-мактабларда ҳам кузатиш мумкин. Қуйида келтирилган 5- ва 6-жадвалдаги маълумотларни диққат билан таҳлил этиш тавсия этилади.

Фанлар бўйича жавоблар самарадорлигининг энг юқори кўрсаткичларининг вилоятлар мактаблари миқёсидаги кўриниши (олий ўқув юртларининг кундузги бўлими, ўзбек гуруҳлари)

5-жадвал

Фан номи	Туман номи	мактаб №	қатнашгалар	самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Денов тумани	61	6	43.06
Математика	Олтинсой тумани	47	13	39.53
Физика	Сариосиё тумани	9	6	44.44
Биология	Жарқўрғон тумани	19	11	51.52
Химия	Ангор тумани	28	11	51.52
Тарих	Бойсун тумани	28	13	46.79
География	Бойсун тумани	1	9	56.48
Инглиз тили	Узун тумани	3	11	52.53
Немис тили	Бойсун тумани	47	9	42.90
Француз тили	Жарқўрғон тумани	3	8	36.46

Фанлар бўйича жавоблар самарадорлигининг энг паст кўрсаткичларининг вилоятлар мактаблари миқёсида кўриниши (олий ўқув юртларининг кундузги бўлими, ўзбек гуруҳлари)

6-жадвал

Фан номи	Туман номи	мактаб №	қатнашганлар	самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Қумқўрғон тумани	10	7	18.65
Математика	Ангор тумани	21	8	17.36
Физика	Сариосиё тумани	18	7	19.05
Физика	Қумқўрғон тумани	33	7	19.05
Биология	Шўрчи тумани	1	7	26.98
Химия	Ангор тумани	7	6	18.52
Тарих	Қумқўрғон тумани	5	12	23.61
Инглиз тили	Жарқўрғон тумани	23	6	15.74
Немис тили	Музработ тумани	20	6	15.74
Француз тили	Музработ тумани	11	10	23.06

Вилоятнинг тестга киритилган фанлар бўйича 1998 йилдаги натижалари 1999 йилга таққосланди. Олтинсой, Узун ва Бойсун туманларида ўсиш содир бўлган ва у 4.97% дан 31.24%гача бўлган даражага тўғри келган. Лекин вилоятнинг Бандихон,Сариосиё ва Термиз туманларида 15.16% дан 39.02%гача пасайиш содир бўлган. Демак, пасайиш ўсишга нисбатан кўпроқ бўлган. Бу қуйидаги жадвалда аниқ кўринади.

Фанлар бўйича вилоятлар туманлари миқёсида абитуриентлар жавоблар самарадорлиги ўсган туманлар рўйхати (олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари, ўзбек гуруҳлари)

7-жадвал

Фан	Туман	1998 қатн.	1998 қатн.	1999 қатн.	1999 самар.	Ўсиш (фоиз)
География	Олтинсой тумани	22	35.10	12	46.06	31.24
Немис тили	Узун тумани	18	22.07	21	28.70	30.07
Француз тили	Олтинсой тумани	34	24.67	39	26.99	9.41
Химия	Олтинсой тумани	137	31.59	130	34.06	7.82
Физика	Бойсун тумани	113	27.24	115	28.79	5.71
Инглиз тили	Олтинсой тумани	96	25.52	146	26.79	4.97

Фанлар бўйича вилоят туманлари миқёсида абитуриентлар жавоблар самарадорлиги камайган туманлар рўйхати (олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари, ўзбек гуруҳлари)

8-жадвал

Фан	Туман	1998 қатн.	1998 самар.	1999 қатн.	1999 самар.	Камай. (фоиз)
Биология	Бандихон тумани	20	50.83	25	31.00	-39.02
Тарих	Термиз тумани	95	52.78	117	34.54	-34.55
Математика	Бандихон тумани	56	39.68	61	29.60	-25.41
Француз тили	Бандихон тумани	11	24.49	13	18.80	-23.24
Она тили ва адабиёти	Бандихон тумани	113	36.48	133	28.43	-22.08
Инглиз тили	Сариосиё тумани	132	37.06	193	28.93	-21.94
Физика	Термиз тумани	76	28.91	57	22.81	-21.11
Химия	Бандихон тумани	15	32.96	22	26.77	-18.79
Немис тили	Сариосиё тумани	45	28.15	62	23.88	-15.16

Вилоят бўйича аттестатида “4”дан юқори баҳога ўқиган ўқувчиларнинг тест натижалари таҳлил этилди. Вилоят бўйича бундай ўқувчилар 668 та бўлиб, фақат 21 абитуриент 180 дан ортиқ балл тўплай олган. Бу 3.14%ни ташкил этиб, республика бўйича энг охирги ўринга тўғри келади.

Қуйида аттестат бўйича ўртача баҳоси юқори бўлган ўқувчиларнинг тест имтиҳонига нисбати кўрсатилган. Вилоят абитуриентларидан 6 киши жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетига, Тошкент юридик институтига 180.2-193.9 балгача тўплаб кира олган. Лекин кўпчилик аттестат бўйича баҳоси юқори бўлган абитуриентлар тестда паст натижа кўрсатганлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Сурхондарё вилоятида тестнинг барча кўрсаткичлари умумий республика кўрсаткичларидан пастдир. Вилоятда таълим ташкилий, методик томонини такомиллаштириш, битирувчи синф ўқувчилари мустаҳкам билимга эга бўлишларига эришиш зарур. Битирувчиларнинг билими саёзлиги тест самарадорлигининг пастлигида, туманларда фанлар бўйича энг юқори ва энг паст натижаларнинг миқёсида, аттестатдаги юқори баҳолар имтиҳон натижаларига мос келмаслигида ўз ифодасини топган. Вилоятнинг халқ таълими тизимининг барча босқичларида тест натижаларини таҳлил этиш, ундан тўғри хулоса чиқариб, таълимни мукаммаллаштириш зарур. Айниқса, ёшларни тест технологиясига ўргатиш, уларга тест имтиҳонида билимлар адолатли аниқланишини тушунтириш энг муҳим вазифа ҳисобланади. Вилоятда кўрсатилган соҳаларда етарлича иш олиб борилиб, тестда юқори натижалар кўрсатилади деб умид қиламиз.

ДТМ

ВАҚТ: ТАЛАБА ВА ТАЪЛИМ

Ер устидаги осмонўпар бинолар, Мисрдаги афсонавий эхромлар, Ҳиндистондаги ой билан ҳусн талашган Тож Маҳал мақбараси, Самарқанддаги муаззам ёдгорликлар, Хиваю Бухородаги кўп асрлик тарихий обидалар меъмор ақлу заковатининг маҳсулидир. Тошкент архитектура ва қурилиш институтида таҳсил олган минглаб кадрларнинг мамлакатимиздаги кўркам, замонавий бинолар тикланишида улкан улуши борлигини эътироф этмай иложимиз йўқ.

Бугунга келиб, институт талабалари:

архитектура;

саноат ва фуқаро қурилиши;

муҳандислик қурилиши;

иқтисодиёт

факультетларида 17 та мутахассислик бўйича билим олмоқдалар.

Институт манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй. "Санъат саройи" (Панорама) бекати.

Iste'dod

КЎРГАЗМАДА ИЖОД НАМУНАЛАРИ

Институтнинг иккинчи қаватидаги айланма кўркам залда ташкил қилинган кўргазмага архитектура факультети талабаларининг диплом лойиҳалари, курс ишлари ва ижодий асарлари қўйилган. "Дизайн ва тасвирий санъат" ҳамда "Архитектура тарихи ва назарияси" кафедралари ўқитувчилари раҳбарлигида амалга оширилган 200 дан ошиқ ижодий экспонатларда талабалар истеъдоди намойиш этилди. Булар орасида Абу Бакр ибн Исмоил Қаффол аш-Шоший мақбарасининг аниқ ўлчов тасвири киши диққатини ўзига тортади.

Маълумки, Аш-Шоший ХХ аср бошларида яшаб, ижод қилган Тошкентнинг машҳур алломаларидан биридир. Бу зоти олий фиқҳшунослик, каломшунослик илмида маълум ва машҳур бўлган. Қаффол Аш-Шоший Тошкентнинг "Хастимом"ида дафн этилганлар.

Кўргазма залидаги машҳур сомонийлар мақбараси, Жиззахдаги Нуриддин ҳожи мадрасасига бағишланган ижодий лойиҳалар ҳам диққатга лойиқ асарлардир. Шунингдек, Навоий кўчасини ҳамда мавжуд тарихий биноларни таъмирлашга оид лойиҳалар ҳам мутахассислар эътиборини тортди.

Рихсивой ЮСУПОВ,
кўргазма раҳбари

E'tirof

МАЛАКА ИНСТИТУТДА ЭГАЛЛАНАДИ

Институт илгари архитектура ва қурилиш факультетлари сифатида собиқ политехника институти таркибида минглаб юқори малакали меъмор ва қурувчи муҳандисларни тайёрлаб берган. Бу факультетлар 1991 йил 6 майда Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ, Тошкент архитектура-қурилиш институтига айлантирилди. Ўтган 9 йил ичида салкам 8 минг талаба архитектор ва қурувчи мухандислиги бўйича тамомлаб, бу соҳа ривожига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Меъморчилик ва қурилиш соҳасидаги бунёдкорлик ишларининг авж олаётганлигини ҳар дақиқа ҳис қилиб турибмиз. Улкан, муҳташам бинолар, обидалар, қўшма корхоналар, спорт иншоотлари барпо қилиняпти. Асакадаги "ЎзДЭУ" автомобил заводи, Оқсарой ва Тошкент ҳокимиятининг гўзал бинолари, Амир Темур музейи, "Туркистон" саройи, кенг майдонни ишғол этган метро станциялари, кўркам кўприклар, Шаҳидлар хотираси майдони нафақат юртимиз фуқароларини, балки чет элликларни ҳам ҳайратга солади. Уларни барпо этишда, шубҳасиз, институтимизда таълим олган мутахассислар фаол қатнашганлар.

2000 дан ошиқ талабаларга ўқишни битиргач, бакалаврлик дипломи берилади. Танлаган ихтисослиги бўйича яна ҳам етук бўлишни истаган иқтидорли талабалар тест синовларини топшириб, магистратурада ўқишни давом эттиришлари мумкин. Талабаларимиз ривожланган Ғарб мамлакатларининг олий ўқув юртларида илм эгаллашяпти. Жумладан, 1998 йилда "Умид" жамғармаси орқали 4 нафар талаба Америка ва Англияга ўқишга юборилди. Шунингдек, иқтидорли талабаларимиз чет эллардаги нуфузли жамғармаларнинг грантларини олишга муваффақ бўлишди. Иқтисодиёт факультетининг талабалари "ЕВРАЗИЯ" фондидан 2200 АҚШ доллари миқдоридаги грантни қўлга киритдилар.

1996 йилдан бошлаб институт қошида лицей фаолият кўрсатмоқда. Математика, физика, информатика ва инглиз тили фанларини чуқур ўргатиш учун барча имкониятларга эгамиз.

Профессор, доцент ва билимдон ўқитувчиларнинг сабоқларидан баҳраманд бўлган 84 нафар ўқувчидан 81 нафари 1999 йилда давлат тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, турли олий ўқув юртларининг талабалари бўлишди.

1 нафар академик, 26 нафар фан доктори, профессорлар, 100 дан ортиқ фан номзодлари, доцентлар ва малакали ўқитувчилар институтимизда тайёрланаётган кадрларнинг сифат даражаси учун масъулдирлар. Улар талабаларга фақат лекция ўқиш билан кифояланмасдан, архитектура-қурилиш илмини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Меъморчилик ва қурилиш муҳандислари тайёрлаш муаммосига бағишланган ўндан ортиқ халқаро анжуманлар ўтказилди. Уларнинг илмий-амалий якунлари таълим жараёнида ўз аксини топаяпти.

Институтимизда 1956 йилдан буён 40 та мамлакатдан 700 нафар фуқаро таълим олганлиги унинг жаҳон миқёсида ҳам ўз ўрни ва мавқеи борлигини кўрсатади. Улардан 20 га яқини ўз соҳалари бўйича олим бўлиб етишдилар. Институт қошидаги докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлаш бўйича махсус илмий кенгашда ҳамдўстлик мамлакатларидан келган юзлаб архитекторлар ва қурувчи-муҳандислар ҳам ўз диссертацияларини муваффақиятли ёқлаб кетмоқдалар. Ҳар бир талаба касб-ҳунар соҳиби бўлар экан, ундан аввало яхши хулқ-атвор талаб қилинади. Муҳташам маърифат-маънавият мажмуасининг ташкил қилиниши эзгу саъй-ҳаракатлардан бўлди. Бу залда Президент асарлари ҳамда бугунги куннинг сиёсий-иқтисодий мавзуларига бағишланган анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилади. Республикамиз сиёсий-ижтимоий ҳаётига оид муҳим саналар, тантаналар ҳам шу залда нишонланади. Президент асарлари, магнит тасмалари ва видео кассеталарга ёзиб олинган барча маърузалар, нутқлар сақланмоқдаки, илмий-тадқиқотлар олиб боришда ҳамда таълим-тарбияни такомиллаштиришда улардан ўз ўрнида фойдаланилмоқда.

Бахтиёр АСҚАРОВ,
институт ректори,
профессор,
Олий Мажлис депутати

Kutubxona — nurxona

ХАЗИНА



Кутубхонасиз, турли китоблар, адабиётлар, дарслик ва қўлланмаларсиз институтимиз фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди. 179878 та китоб фондига эга кутубхонамизда уч мингдан ошиқ Президентимиз Ислом Каримов асарлари ҳамда 10 мингдан ошиқ чет тиллардаги адабиётлар мавжуд. Шинам ва дид билан безатилган учта қироатхона домлалар, мураббийлар ва талабаларга беминнат хизмат қилмоқда. Бежирим стендлар ҳам китобхонларда дид-фаросат пайдо қилади. Уларда турли-туман янги адабиётлар мунтазам намойиш қилинади. Шунингдек, кутубхонада доимий ва жорий кўргазмалар ташкил этилади. Замонавий техника асбоб-ускуналари билан таъминланган нурхонамизда республикада нашр этилаётган деярли барча газета ва журналлар топилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг махсус буйруғи билан кутубхона қошида чет эл адабиёти бўлими ташкил этилган. Уни чет эллардаги турли фондлар китоблар билан таъминлаб туради. Шунингдек, Россия ҳамда ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳам адабиётлар олиб турилади. 6 мингга яқин китоблар, рисолаларга эгамиз. Шу йил февраль ойида Гёте фонди томонидан ташкил этилган махсус кутубхона очилди. Бу китоблар хазинасида немис тилидаги 5 мингга яқин адабиётлар жамланган. Кутубхона қироатхонаси замонавий видео, аудио техник воситалар билан таъминланган. Немис тилини билган мутахассислар ва талабалар бу кутубхона хизматидан мамнуният билан фойдаланмоқдалар.

"Интернет" ахборот тизимидан китобхонлар фойдаланишлари мумкин. "ТАСИС" — "ТЕМПУС" дастури бўйича автоматлаштирилган "ИРБИС" системаси ишлайди.

Гулноза ЮНУСОВА,
институт кутубхонаси мудири

ГЕРМАНИЯ БИЛАН АЛОҚА

Германиядаги машҳур Баухауз университети билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари институт олимлари учун қайсидир маънода шарафдир. Бу университет жаҳондаги машҳур меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб боради. Бу тадқиқотларга ЮНЕСКО маблағ ажратади. Бу немис университети билан тузилган шартномага мувофиқ, Самарқанддаги "Шодимулк оға" мақбараси таъмирланмоқда. Шунингдек, улар Шаҳрисабздаги "Оқсарой" ёдгорлик мажмуасини техноген таъсирлардан ҳимоя қилиш борасида илмий изланишларга бош-қош бўлишяпти.

Xorij va biz

Яқинда имзоланган шартномага кўра, қурилаётган янги лабораторияларни асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун Баухауз университети 32 минг дойч марка миқдорида маблағ ажратди. Икки илмий ва ўқув даргоҳларининг ҳамкорлиги натижасида сўнгги йилларда 10 дан ошиқ асарлар нашр қилинди. Шунингдек, катта монография ва қурилишга доир немисча-ўзбекча-русча луғат нашрга тайёрланди. Баухауз ва ТАҚИ профессор-ўқитувчиларининг ўзаро борди-келдилари кучайди. Институтнинг 20 дан ошиқ домла ва мураббийлари Германияда хизмат сафарида бўлдилар.

О.НУРИДДИНОВ

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига 2000/2001 ўқув йили учун қуйидаги олий таълим йўналишлари бўйича талабалар қабули ҳақида эълон

Шифр	Йўналиш номи
	Республика бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
1	**Тошкент ислом университети**
В221100	Диншунослик, Исломшунослик
В380300	Ислом ҳуқуқи
В341400	Халқаро иқтисодий муносабатлар
В522600	Ахборот ва ахборот технологияси
	Ташқи ишлар вазирлиги:
2	**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети**
В221200	Халқаро муносабатлар
В341400	Халқаро иқтисодий муносабатлар
В380400	Халқаро ҳуқуқий муносабатлар
	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:
3	**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**
В141300	Таржимон (тиллар бўйича)
В220300	Роман-герман филологияси (тиллар бўйича) инглиз тили немис тили француз тили испан тили
В220400	Славян филологияси
В320200	Халқаро журналистика
4	**Ўзбекистон миллий университети**
В220100	Ўзбек филологияси
В220300	Роман-герман филологияси (тиллар бўйича) инглиз тили немис тили француз тили
В220400	Славян филологияси
В220800	Фалсафа
В220900	Жаҳон фалсафаси тарихи ва мантиқ
В221000	Тарих
В310100	Сиёсатшунослик
В310200	Психология
В310300	Социология
В320100	Журналистика
В320500	Таржимон (тиллар бўйича)
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В341800	Миντақавий иқтисод
В380100	Ҳуқуқ
В420100	Биология
В440100	Физика, жумладан, ядро физикаси ва технологияси
В440200	Механика
В440300	Астрономия
В440400	Кимё
В440500	География
В440600	Гидрометеорология
В440700	Геология
В460100	Математика
В480100	Амалий математика ва информатика
В522600	Ахборот ва ахборот технологияси
В540100	Геодезия ва картография
В620100	Тупроқшунослик
В850200	Экология ва табиатдан фойдаланиш
5	**Тошкент давлат техника университети**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (тармоқлар бўйича)
В211200	Дизайн
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В341000	Иқтисодиётда ахборот тизимлари
В440800	Нефть ва газ конлари геологияси ва қидирув ишлари
В440900	Фойдали қазилмалар геологияси ва қидирув ишлари
В520100	Иссиқлик энергетикаси
В520200	Электроэнергетика
В520400	Металлургия
В520500	Материалшунослик ва янги материаллар технологияси
В520600	Машинасозлик, машинасозлик жиҳозлари ва автоматлаш
В520700	Пайванд-ишлов технологияси ва машиналари
В520800	Технологик машина ва ускуналар
В521300	Ер усти транспорт тизими
В521500	Электротехника, электромеханика ва электротехнология
В521600	Кончилик электромеханикаси
В521700	Асбобсозлик
В521800	Электроника ва микроэлектроника
В521900	Метрология, стандартлаш ва сертификатлаш
В522200	Автоматлаш ва бошқарув
В522400	Энергияни тежаш электротехник тизимлари мажмуалари
В522500	Радиотехника
В522600	Ахборот ва ахборот технологияси
В522700	Кимёвий технология ва биотехнология
В523000	Нефть ва нефтни қайта ишлаш технологияси
В540200	Кончилик иши
В540300	Нефт ва газ иши
В540700	Агроинженерия
В850100	Атроф-муҳит муҳофазаси (соҳалар бўйича)
В860100	Ҳаётий фаолият хавфсизлиги
6	**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (Ижтимоий-иқтисодий соҳа)
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В340400	Банк иши
В340500	Солиқ ва солиқ солиш
В340600	Суғурта иши
В340900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (соҳалар бўйича)
В341000	Иқтисодиётда ахборот тизимлари
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В341200	Маркетинг (туризм ва маданият бўйича)
В341200	Маркетинг (соҳалар бўйича)
В341300	Ташқи иқтисодий фаолият
В341400	Халқаро иқтисодий муносабатлар
В341600	Бизнесни бошқариш
В341700	Божхона иши
В460200	Статистика
В810100	Халқаро туризм
В810300	Сервиз (туризм соҳаси бўйича)
7	**Тошкент архитектура-қурилиш институти**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (қурилиш)
В211200	Дизайн (тасвирий агитация ва реклама асбоблари)
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В540100	Геодезия ва картография
В580100	Архитектура
В580200	Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши
В580300	Транспорт ва гидротехник иншоотлар қурилиши
В580400	Инженерлик тармоқлари қурилиши
В580500	Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси
В580600	Шаҳар қурилиши ва хўжалиги
8	**Тошкент автомобиль йўллари институти**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (Ер усти транспорт тизими)
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (Транспорт дан фойдаланиш ва уни таъмирлаш)
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В341200	Маркетинг (соҳалар бўйича)
В521300	Ер усти транспорт тизими
В521400	Транспорт воситаларидан фойдаланиш (соҳалар бўйича)
В521500	Электротехника, электромеханика ва электротехнология
В580300	Транспорт ва гидротехник иншоотлар қурилиши
В850100	Атроф-муҳит муҳофазаси (соҳалар бўйича)
9	**Тошкент молия институти**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (Ижтимоий-иқтисодий соҳа)
В340300	Молия
В340400	Банк иши
В340500	Солиқ ва солиқ солиш
В340600	Суғурта иши
В340700	Лойиҳавий молиялаштириш
В340800	Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси
В340900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (соҳалар бўйича)
10	**Тошкент давлат авиация институти**
В162600	Касбий-педагогик тайёргарлик (машинасозлик)
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В521000	Авиасозлик ва космик техника
В521100	Космик ва авиатехникалардан фойдаланиш
В522500	Радиотехника
В850100	Атроф-муҳит муҳофазаси (соҳалар бўйича)
11	**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (Енгил саноат)
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В520800	Технологик машина ва ускуналар
В522200	Автоматлаш ва бошқарув
В523100	Синтетик ва табиий юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси
В540400	Матбаачилик
В540500	Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси
В540600	Енгил саноат маҳсулотлари технологияси
12	**Тошкент давлат шарқшунослик институти**
В220500	Шарқ филологияси (тиллар бўйича)
В220600	Чет мамлакатлар тарихи (шарқшунослик)
В220700	Марказий Осиё халқлари тарихи ва манбашунослик
В221100	Диншунослик. Исломшунослик
В221200	Халқаро муносабатлар
В310100	Сиёсатшунослик
В340100	Минтақашунослик (Ҳудудшунослик)
В341400	Халқаро иқтисодий муносабатлар
13	**Тошкент Кимё-технология институти**
В160300	Касбий-педагогик тайёргарлик (кимёвий технологиялар)
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (Озиқ-овқат маҳсулотлари саноати)
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В513100	Синтетик ва табиий юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси
В522700	Кимёвий технология ва биотехнология
В522900	Силикат ва зўрға суюлувчан нометалл материаллар технологияси
В523000	Нефть ва нефтни қайта ишлаш технологияси
В523200	Камёб, нодир ва тарқоқ металлар технологияси
В620900	Ёғ ва мойлар технологияси
В621000	Қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси
В621100	Гўшт, сут, балиқ ва консерваланган маҳсулотлар технологияси
В621200	Дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси
В850100	Атроф-муҳит муҳофазаси (соҳалар бўйича)
14	**Тошкент давлат педагогика университети**
В140100	Математика ва информатика
В140200	Физика ва астрономия
В140300	Кимё
В140400	Биология
В140500	География
В140600	Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат
В140700	Тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари
В140800	Ўзбек тили ва адабиёти
В140900	Ўзбек тили ва адабиёти (ўзга тилдаги мактабларда)
В141000	Рус тили ва адабиёти
В141100	Рус тили ва адабиёти (ўзга тилдаги мактабларда)
В141200	Чет тили (инглиз тили)
В141400	Туркий тиллар ва адабиётлар (қозоқ тили)
В141600	Шарқ тиллари ва адабиётлари (корейс тили)
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (соҳалар бўйича)
В141800	Чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия
В142000	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
В142200	Мусиқа таълими ва эстетик тарбия
В142300	Дефектология
В142400	Педагогика ва психология
В142500	Мактабгача ва оилавий таълим
В141700	Касбий таълим (соҳалар бўйича)
15	**Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (Ижтимоий-иқтисодий соҳа)
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В340300	Молия
В340900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (соҳалар бўйича)
В341000	Иқтисодиётда ахборот тизимлари
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В521400	Транспорт воситаларидан фойдаланиш (соҳалар бўйича)
В540500	Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси
В520800	Технологик машина ва ускуналар
В620800	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бирламчи ишлов ва сақлаш технологияси
16	**Андижон давлат педагогика институти**
В141000	Рус тили ва адабиёти
В141200	Чет тили: инглиз тили немис тили француз тили
В320500	Таржимон (тиллар бўйича)
17	**Андижон давлат университети**
В140600	Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат
В141700	Касбий таълим (соҳалар бўйича)
В141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
В142000	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
В142400	Педагогика ва психология
В220100	Ўзбек филологияси
В221000	Тарих
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В380100	Ҳуқуқ (ҳуқуқшунос-педагог)
В420100	Биология
В440100	Физика
В440400	Кимё
В440500	География
В460100	Математика
В850200	Экология ва табиатдан фойдаланиш
18	**Бухоро давлат университети**
В140600	Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат
В141700	Касбий таълим (соҳалар бўйича)
В141800	Чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия
В141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
В142000	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
В142200	Мусиқа таълими ва эстетик тарбия
В142400	Педагогика ва психология
В211300	Амалий санъат
В220100	Ўзбек филологияси
В220300	Роман-герман филологияси (тиллар бўйича) инглиз тили немис тили француз тили
В220400	Славян филологияси
В221000	Тарих
В310300	Социология
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В420100	Биология
В440100	Физика
В440400	Кимё
В440500	География
В460100	Математика
В480100	Амалий математика ва информатика
В540700	Агроинженерия
В620200	Агрокимё ва агротупроқшунослик
В620300	Агрономия
В850200	Экология ва табиатдан фойдаланиш
19	**Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти**
В161200	Касбий-педагогик тайёргарлик (менежмент)
В161300	Касбий-педагогик тайёргарлик (енгил саноат)
В161900	Касбий-педагогик тайёргарлик (электроэнергетика)
В162500	Касбий-педагогик тайёргарлик (Технологик машина ва ускуналар)
В163900	Касбий-педагогик тайёргарлик (озиқ-овқат маҳсулотлари технологиялари)
В163000	Касбий-педагогик тайёргарлик (транспорт воситаларидан фойдаланиш)
В162300	Касбий-педагогик тайёргарлик (машинасозлик, машинасозлик жиҳозлари ва автоматлаш)
В165000	Касбий-педагогик тайёргарлик (тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси)
В165100	Касбий-педагогик тайёргарлик (енгил саноат маҳсулотлари технологияси)
В165700	Касбий-педагогик тайёргарлик (Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши)
В167000	Касбий-педагогик тайёргарлик (Ёғ ва мойлар технологияси)
В167100	Касбий-педагогик тайёргарлик (қанд ва бижғиш маҳсулотлари технологияси)
В167200	Касбий-педагогик тайёргарлик (Гўшт, сут, балиқ ва консерваланган маҳсулотлар технологияси)
В167300	Касбий-педагогик тайёргарлик (дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси)
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В523000	Нефть ва нефтни қайта ишлаш технологияси
В540300	Нефть ва газ иши
В540500	Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси
В580200	Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши
20	**Гулистон давлат университети**
В140600	Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат
В141700	Касбий таълим (соҳалар бўйича)
В141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
В142100	Бошланғич таълим ва чет тили
В220100	Ўзбек филологияси
В220200	Туркий тиллари филологияси (қозоқ тили)
В220300	Роман-герман филологияси (инглиз тили)
В220400	Славян филологияси
В221000	Тарих
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В420100	Биология
В440100	Физика
В440400	Кимё
В460100	Математика
В480100	Амалий математика ва информатика
В540700	Агроинженерия
В620100	Тупроқшунослик
В850200	Экология ва табиатдан фойдаланиш
21	**Жиззах политехника институти**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (соҳалар бўйича)
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В520200	Электроэнергетика
В521400	Транспорт воситаларидан фойдаланиш (соҳалар бўйича)
В522600	Ахборот ва ахборот технологияси
В522700	Кимёвий технология ва биотехнология
В540600	Енгил саноат маҳсулотлари технологияси
В540700	Агроинженерия
В580200	Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши
В841400	Касбий-педагогик тайёргарлик (соҳалар бўйича)
22	**Қорақалпоқ давлат университети**
В141700	Касбий таълим (соҳалар бўйича)
В141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
В142200	Мусиқа таълими ва эстетик тарбия
В220100	Ўзбек филологияси
В220200	Туркий тиллар филологияси (Қорақалпоқ тили)
В220200	Туркий тиллар филологияси (қозоқ тили)
В220200	Туркий тиллар филологияси(туркман тили)
В220300	Роман-герман филологияси (тиллар бўйича) инглиз тили немис тили
В220400	Славян филологияси
В221000	Тарих
В320100	Журналистика
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В340300	Молия
В341000	Иқтисодиётда ахборот тизимлари
В380000	Ҳуқуқ
В420100	Биология
В440100	Физика
В440400	Кимё
В440500	География
В460100	Математика
В480100	Амалий математика ва информатика
В520200	Электроэнергетика
В522700	Кимёвий технология ва биотехнология
В540500	Тўқимачилик саноати маҳсулотлар технологияси.
В540700	Агроинженерия
В620300	Агрономия
В620800	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бирламчи ишлов ва сақлаш технологияси
В850200	Экология ва табиатдан фойдаланиш
23	**Қарши давлат университети**
В141700	Касбий таълим (соҳалар бўйича)
В141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
В142000	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
В142200	Мусиқа таълими ва эстетик тарбия
В142400	Педагогика ва психология
В220100	Ўзбек филологияси
В220300	Роман-герман филологияси: инглиз тили немис тили
В220400	Славян филологияси
В221000	Тарих
В310200	Психология
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В340300	Молия
В420100	Биология
В440100	Физика
В440400	Кимё
В440500	География
В460100	Математика
В480100	Амалий математика ва информатика
В620100	Тупроқшунослик
В850200	Экология ва табиатдан фойдаланиш
24	**Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**
В165200	Касбий-педагогик тайёргарлик (агроинженерия)
В161900	Касбий-педагогик тайёргарлик (электроэнергетика)
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В520100	Иссиқлик энергетикаси
В520200	Электроэнергетика
В540300	Нефть ва газ иши
В540700	Агроинженерия
В540900	Сув хўжалиги ва мелиорация
В620300	Агрономия
В620800	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бирламчи ишлов ва сақлаш технологияси
В621500	Ер тузиш ва ер кадастри
В850100	Атроф-муҳит муҳофазаси (соҳалар бўйича)
25	**Навоий давлат кончилик институти Навоий ш.:**
В160900	Касбий-педагогик тайёргарлик
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В520200	Электроэнергетика
В520400	Металлургия
В520800	Технологик машина ва ускуналар
В522200	Автоматлаш ва бошқарув
В522700	Кимёвий технология ва биотехнология
В540200	Кончилик иши
	Зарафшон ш.:
В520400	Металлургия
В540200	Кончилик иши
26	**Наманган давлат университети**
В140600	Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат
В220400	Славян филологияси
В141700	Касбий таълим (соҳалар бўйича)
В141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
В142000	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
В142200	Мусиқа таълими ва эстетик тарбия
В142400	Педагогика ва психология
В211100	Тасвирий санъат
В220100	Ўзбек филологияси
В220300	Роман-герман филологияси: инглиз тили немис тили француз тили
В221000	Тарих
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В380100	Ҳуқуқ (ҳуқуқшунос-педагог)
В420100	Биология
В440100	Физика ва астрономия
В440400	Кимё
В440500	География
В460100	Математика
В480100	Амалий математика ва информатика
27	**Наманган муҳандислик-педагогика институти**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В520800	Технологик машина ва ускуналар
В521400	Транспорт воситаларидан фойдаланиш
В522600	Ахборот ва ахборот технологияси
В540700	Агроинженерия
28	**Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В340300	Молия
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В520800	Технологик машина ва ускуналар
В540500	Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси
29	**Самарқанд давлат университети**
В141700	Касбий таълим (соҳалар бўйича)
В141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
В142000	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
В142200	Мусиқа таълими ва эстетик тарбия
В142400	Педагогика ва психология
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик
В220100	Ўзбек филологияси
В220400	Славян филологияси
В220500	Шарқ филологияси (тожик тили ва адабиёти)
В220800	Фалсафа
В221000	Тарих
В221300	Археология
В310300	Социология
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В380100	Ҳуқуқ
В420100	Биология
В420100	Кимё
В420200	Биокимё
В440100	Физика
В440200	Механика
В440500	География
В460100	Математика
В480100	Амалий математика ва информатика
В521800	Электроника ва микроэлектроника
В522600	Ахборот ва ахборот технологияси
В620100	Тупроқшунослик
В850200	Экология ва табиатдан фойдаланиш
30	**Самарқанд давлат чет тиллар институти**
В142100	Мактабгача бошланғич таълим ва чет тили
В220300	Роман-герман филологияси: инглиз тили немис тили француз тили
В320500	Таржимон (тиллар бўйича)
31	**Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик
В161600	Касбий-педагогик тайёргарлик (санъатшунослик)
В211200	Дизайн
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В520600	Машинасозлик, машинасозлик жиҳозлари ва автоматлаш
В521300	Ер усти транспорт воситалари
В540100	Геодезия ва картография
В580100	Архитектура
В580200	Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши
В580300	Транспорт ва гидротехник иншоотлар қурилиши
В580400	Инженерлик тармоқлари қурилиши
В580500	Қурилиш ишлаб чиқариш технологияси
В621500	Ер тузиш ва ер кадастри
В850100	Атроф-муҳит муҳофазаси (соҳалар бўйича)
32	**Самарқанд кооператив институти**
В621100	Касбий-педагогик тайёргарлик (Гўшт, сут, балиқ ва консерваланган маҳсулотлар технологияси)
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В340300	Молия
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В341200	Маркетинг (соҳалар бўйича)
33	**Термиз давлат университети**
В440500	География
В141700	Касбий таълим (педагогика)
В141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
В142000	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
В142200	Мусиқа таълими ва эстетик тарбия
В142500	Мактабгача ва оилавий таълим
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (Ижтимоий-иқтисодий соҳа)
В220100	Ўзбек филологияси
В220300	Роман-герман филологияси: инглиз тили немис тили
В220400	Славян филологияси
В221000	Тарих
В310200	Психология
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В340300	Молия
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В341200	Маркетинг (соҳалар бўйича)
34	**Фарғона давлат университети**
В220400	Роман-герман филологияси: инглиз тили немис тили француз тили
В141700	Касбий таълим (соҳалар бўйича)
В141800	Чақириққача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия
В141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
В142000	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
В220100	Ўзбек филологияси
В220400	Славян филологияси
В221000	Тарих
В310200	Психология
В310300	Социология
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В380000	Ҳуқуқ
В420100	Биология
В440100	Физика
В440400	Кимё
В440500	География
В460100	Математика
В480100	Амалий математика ва информатика
В810500	Ижтимоий-маданий фаолият
В850200	Экология ва табиатдан фойдаланиш
35	**Фарғона политехника институти**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши, электроэнергетика)
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В340300	Молия
В341100	Менежмент (соҳалар бўйича)
В520200	Электроэнергетика
В520600	Машинасозлик, машинасозлик жиҳозлари ва автоматлаш
В520800	Технологик машина ва ускуналар
В521700	Асбобсозлик
В521800	Электроника ва микроэлектроника
В522600	Ахборот ва ахборот технологияси
В522700	Кимёвий технология ва биотехнология
В540100	Геодезия ва картография (ер тузиш ва ер кадастри)
В580200	Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши
В620800	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бирламчи ишлов ва сақлаш технологияси
36	**Урганч давлат университети**
В140600	Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат
В141700	Касбий таълим (меҳнат, қурилиш)
В141900	Жисмоний тарбия а жисмоний маданият
В142000	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
В142200	Мусиқа таълими ва эстетик тарбия
В142400	Педагогика ва психология
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (қурилиш)
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (ижтимоий-иқтисодий соҳа)
В211300	Амалий санъат
В220100	Ўзбек филологияси
В220300	Роман-герман филологияси: инглиз тили немис тили француз тили
В220400	Славян филологияси
В221000	Тарих
В340200	Иқтисодиёт (соҳалар бўйича)
В420100	Биология
В440100	Физика
В440400	Кимё
В440500	География
В460100	Математика
В480100	Амалий математика ва информатика
В520800	Технологик машина ва ускуналар
В521400	Транспорт воситаларидан фойдаланиш (соҳалар бўйича)
В522600	Ахборот ва ахборот технологияси
В522700	Кимёвий технология ва биотехнология
В580100	Архитектура
В580200	Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши
В620100	Тупроқшунослик
В620800	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, бирламчи ишлов ва сақлаш технологияси
37	**Навоий давлат педагогика институти**
В140100	Математика ва информатика
В140200	Физика ва астрономия
В140300	Кимё
В140400	Биология
В140500	География
В140700	Тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари
В140800	Ўзбек тили ва адабиёти
В141000	Рус тили ва адабиёти
В141200	Чет тили (инглиз тили)
В141400	Туркий тиллар ва адабиётлар (тиллар бўйича)
В142000	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
В142200	Мусиқа таълими ва эстетик тарбия
38	**Нукус давлат педагогика институти**
В140700	Тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари
В140800	Ўзбек тили ва адабиёти
В141000	Рус тили ва адабиёти
В141200	Чет тили (инглиз)
В141400	Туркий тиллар ва адабиётлар (қозоқ тили)
В141400	Туркий тиллар ва адабиётлар (қорақалпоқ тили)
В142000	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
В142200	Мусиқа таълими ва эстетик тарбия
В142500	Педагогика ва психология
В140100	Математика ва информатика
В140200	Физика ва астрономия
В140300	Кимё
В140400	Биология
В141700	Касбий таълим (соҳалар бўйича)
В141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
В140500	География
В140600	Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат
39	**Жиззах давлат педагогика институти**
В140100	Математика ва информатика
В140200	Физика ва астрономия
В140300	Кимё
В140400	Биология
В140500	География
В140700	Тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари
В140800	Ўзбек тили ва адабиёти
В141000	Рус тили ва адабиёти
В141200	Чет тили (инглиз тили)
В141700	Касбий таълим (соҳалар бўйича)
В141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
В142000	Бошланғич таълим ва тарбия иши услубияти
В142200	Мусиқа таълими ва эстетик тарбия
40	**Тошкент вилоят давлат педагогика институти**
В140100	Математика ва информатика
В140300	Кимё
В140400	Биология
В140500	География
В140600	Чизмачилик, тасвирий ва амалий санъат
В140700	Тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари
В140800	Ўзбек тили ва адабиёти
В141000	Рус тили ва адабиёти
В141200	Чет тили (инглиз тили)
В141400	Туркий тиллар ва адабиётлар (қозоқ тили)
В141700	Касбий таълим (соҳалар бўйича)
В141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
В142000	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
В142200	Мусиқа таълими ва эстетик тарбия
41	**Қўқон давлат педагогика институти**
В140100	Математика ва информатика
В140200	Физика ва астрономия
В140300	Кимё
В140400	Биология
В140500	География
В140700	Тарих, давлат ва ҳуқуқ асослари
В140800	Ўзбек тили ва адабиёти
В141000	Рус тили ва адабиёти
В141200	Чет тили (инглиз тили)
В141300	Касбий таълим (педагогика)
В141900	Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
В142000	Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
В142200	Мусиқа таълими ва эстетик тарбия
В142400	Педагогика ва психология
	Соғлиқни сақлаш вазирлиги:
42	**1- Тошкент тиббиёт институти**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (шифокорлик)
В720100	Даволаш иши (умумамалий шифокор)
В720400	Стоматология
В720100	Даволаш иши (умумамалий шифокор)
В720200	Педиатрлик иши (умумамалий педиатр)
43	**2- Тошкент тиббиёт институти**
В168000	Касбий-педагогик тайёргарлик (шифокорлик)
В720100	Даволаш иши (умумамалий шифокор)
В720300	Тиббиёт-профилактика иши (санитария умумамалий шифокор)
В720300	Тиббиёт-профилактика иши (санитария умумамалий шифокор)
44	**Тошкент тиббиёт педиатрия институти**
В168000	Касбий-педагогик тайёргарлик (Тиббий-педагогик иш)
В720200	Педиатрлик иши (умумий педиатр)
В720100	Даволаш иши (умумамалий шифокор)
В720200	Педиатрлик иши (умумий педиатр)
45	**Тошкент фармацевтика институти**
В522800	Тайёр доривор маҳсулотлар ва фитопрепаратлар технологияси
В621700	Доривор ўсимликлар парвариши ва экологияси
В720500	Доришунослик (Фармация)
46	**Андижон тиббиёт институти**
В720100	Даволаш иши (умумамалий шифокор)
В720200	Педиатрлик иши (умумий педиатр)
47	**Бухоро тиббиёт институти**
В720100	Даволаш иши (умумамалий шифокор)
В720400	Стоматология (умумамалий стоматолог)
48	**Самарқанд тиббиёт институти**
В720100	Даволаш иши (умумамалий шифокор)
В720200	Педиатрлик иши (умумий педиатр)
	Маданият ишлари вазирлиги:
49	**Тошкент давлат маданият институти**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик
В211400	Халқ бадиий ижоди
В320300	Кутубхонашунослик ва библиография
В810500	Ижтимоий - маданий фаолият
50	**Тошкент давлат консерваторияси**
В210600	Чолғу асбоблари ижрочилиги (мусиқа асбоблари бўйича)
В210700	Вокаль ижрочилиги санъати
В210800	Дирижерлик
В210900	Композиция
В211700	Мусиқашунослик
В211800	Мусиқий овоз режиссёрлиги
51	**Тошкент давлат санъат институти**
В210100	Актёрлик санъати
В210200	Мусиқали драматик йўналишдаги актёрлик санъати
В210300	Драма режиссёрлиги
В210400	Кино-телевидение санъати
В211000	Санъатшунослик
52	**Миллий рақс ва хореография олий мактаби**
В210500	Хореография санъати
	Бадиий академия:
53	**Миллий рассомлик ва дизайн институти**
В160000	Касбий-педагогик тайёргарлик (Санъат ва маданият)
В211000	Санъатшунослик
В211100	Тасвирий санъат
В211200	Дизайн
В211300	Амалий санъат
В211500	Графика (санъат турлари бўйича)
В211600	Ҳайкалтарошлик
В221400	Музейшунослик
	Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси:
54	**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти**
В810

Дейлик, сизда бир фикр пайдо бўлиб қолди, уни бугун ўртоқларингизга айтиб, ўз қарашларингизни асослашингиз керак? Сиздан ушбу ишни уддалашингиз учун нималар талаб қилинади?

КЕНГ ҚАМРОВЛИ АСАР

XX аср поёнига етмоқда.Ўтган юз йиллик қандай кечди? Ўзбек халқининг маънавий, адабий ҳаётида ўрин эгаллаган адиблар кимлар? Элу юрт кимларни қадрлайди, кимларнинг ёзган асарларини севиб ўқийди, улар ташвиқ этган қайси ғоя ва фикрларни уқади? Бу ғоя ва фикрлар изҳоридан бадииятни қандай юксак баҳолайди? Бу саволлар ҳар биримизнинг қалбимиздан жой олган. Шукроналар қилайликки, таҳсинга сазовор фикрлар айтувчи ижодкорларимиз кўпгина. Аммо ҳар бирининг ўз ўрни бор, ўзига хос ижодий қиёфаси, маҳорати, маҳсулдорлиги бор. Ўзбекистон мустақилликка эришиб, бу диёрдаги халқлар ўз ҳаётини ўз анъанавий одат, удумлари асосида қурмоқ имкониятига эга бўлди. Ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов ана шу даврдан бошлаб, миллий турмуш тарзи, миллий давлатчилик, республикамизнинг порлоқ истиқболи тўғрисидаги жиддий, долзарб масалаларни ёритишда иштирок этиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда Абдуқаҳҳор Иброҳимов обрўли ва машҳур ижодкорлардан бири сифатида танилган. У Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлаш, истиқболини таъминлаш соҳасидаги жонбоз курашчилардандир. Унинг бу соҳадаги фаолияти алоҳида тадқиқот мавзуи бўлмоғи аниқ. Ана шу самарали фаолиятнинг гўзал маҳсули Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг "Бизким, ўзбеклар..." китобидир. Бу асар 1999 йили Тошкентда "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти томонидан 10 минг нусхада чоп этилган.

"Бизким, ўзбеклар..." китоби ўттиз бобдан иборат. Муаллиф китобнинг биринчи бобини "Кўчманчи турмуш ва ўтроқ ҳаёт" деб атаган. Унда қадимий халқларнинг энг кўҳна даврлардаги турмуш тарзи тўғрисида сўз боради. Ёзувчи узоқ даврларга оид тарихий фактлардан ҳозирги замон воқеаларига кўприк ўрнатган. Ўзбек халқининг қадимий халқ эканлиги ва унинг бой тарихини қизиқарли равишда баён қилган.

"Бизким, ўзбеклар..." китобининг мундарижаси шу қадар кенг қамровлики, унинг ҳар бир боби тўғрисида катта-катта мақолалар ёзса бўлади. Мен унинг барча томонларига муфассал тўхтай олмайман, бунга даъвом ҳам йўқ. Лекин ўз илмий ихтисосимга алоқадор айрим масалалар бўйича биргина сўз айтмоқчиман.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов ўз китобининг мавзуига боғлиқ равишда буюк ўзбек.шоири Алишер Навоий тўғрисида ҳам сўз юритган. Гарчи бу сўз ёзувчи ифодасида бой бадиий бўёқларда берилган бўлсада, том маънодаги илмий ҳақиқатни англатади:

"Биз билган ва яшаб турган оламда Қуёш битта бўлганидек, ҳар бир миллат манглайида ўзининг битта Қуёши бўлади. У такрорланмайди ва сира сўнмайди. Алишер Навоий биз учун шундай қуёшдир". Ана шундай бадиий фикр баёнидан кейин муаллиф Навоий етишиб чиққан тарихий шароит тўғрисида ҳикоя қилади: "У бўм-бўш саҳрода вужудга келган эмас. Бунга бой маданий ва маърифий замин, маънавий асос бор эди. Миллий давлатимиз мавжуд эди. Бу давлатда ўзбек тилига давлат мақоми бермоқ расмий сиёсат бўлган".

Муаллиф Абдуқаҳҳор Иброҳимов Навоий ижодининг таъсири ва тарбияси остида бошқа қардош халқлар арбобларининг етишиб чиққани тўғрисида қимматли маълумот берган.

Яна бир жиддий масала — Бобур ва Шайбонийхон ўртасидаги муносабатларга ҳам Абдуқаҳҳор Иброҳимов яхши ечим топиб берган: "Тўғри, улар бир-бирларига мухолиф шахслардир. Лекин бу мухолифлик икки халқнинг икки фарзанди ўртасидаги зиддият эмас. Улар бир халқнинг икки фарзанди ўлароқ, мамлакатда ўз ҳокимиятини ўрнатиш учун курашган тарихий шахслардир". Мен бу фикрга тўла қўшиламан. Ана шу тезис бу муаммони конкрет тарихий факт ва илмий мантиқ асосида ҳал қилинганини билдиради.

"Бизким, ўзбеклар..." китоби ўзбек миллий давлатчилик тарихи тўғрисида ҳикоя қилади. Бу жуда улкан масалани бой фактик материал асосида бадиий безаклар билан ясатиб тасвирлайди. Натижада китобхон уни узилмай, қизиқиб ўқийди.

Абдуқаҳҳор Иброҳимов бу китобдаги ҳар бир жиддий якун ва хулосаларини Ўзбекистон Президенти, академик Ислом Каримовнинг асарларидаги йўл-йўриқлар билан асослаган. Китоб охирида алоҳида бир бобни эса Президент И.А.Каримовнинг фаолияти, унинг Ўзбекистон мустақиллигини амалга оширган улуғ давлат арбоби эканига , ўзбек миллий давлатчилик тарихида тутган ўрнини кўрсатмоққа бағишлаган.

"Бизким, ўзбеклар...." китобини муҳтарам адиб Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг шоҳ асари деб биламан. Бу китоб тўғрисида ҳали кўп фикрлар билдирилмоғига имоним комил.

Азиз ҚАЮМОВ,
академик

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ ЁШЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ НЕГИЗИДИР



Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" деган сўзлари бугун ҳар қайсимизнинг қалбимиздан мустаҳкам жой олиб, фаолиятимиз, мақсадимизнинг мазмунига айланмоқда.

Алломалардан бири: ***"Фикр фаолият негизи, унинг тепиб турган қалби, нафақат фаолиятнинг сабабчиси, унинг ҳимоячиси ҳамдир. Шу туфайли ҳам фикр оламдаги бутун инсон ҳаётининг негизи, ибтидоси ва энг муқаддас моҳияти хизматини ўтайди",*** деган экан. Биз фарзандларимизга керакли билим ва замонавий касб-ҳунарни ўргатиш билан бирга уларни ўз мустақил фикрига эга, дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ ташлаб, яхши билан ёмонни, дўст билан душманни, оқ билан қорани фарқлай оладиган, ҳар бир воқеани фикр тарозисида тортиб кўриб, ҳамиша ҳушёрлик билан ҳукм, хулоса чиқара оладиган, иймон-эътиқодли қилиб тарбиялашимиз ҳам лозим.

Мураббийлар фаолиятини янада кучайтириш учун қандай қўшимча чора-тадбирлар қўллаш лозим?

Яқинда "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти В. Каримова, Р.Суннатова, Р.Тожибоеваларнинг "Мустақил фикрлаш" номли ўқув қўлланмасини чоп этди. Ушбу қўлланмада ёритилган мавзулар ёшларнинг фикрлаш, фикр тарбияси борасидаги тасаввурларини кенгайтириб, мустақил фикр юритиш, тафаккур қилиш қонуниятлари ҳақида билим беради. Энг муҳими, янги ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ана шу қўлланма асосида ёшларни мустақил фикрлашга ўргатувчи махсус дарслар ўтила бошлайди.

—Президентимиз Ислом Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ халқимиз фаровонлигининг муҳим мезонларидан бири сифатида унинг маънавияти, маърифати ва билим савияларини ошириб боришни, бу борада ёшлар онги, тафаккури ва руҳиятини ўзгартириш, уларни янги давлатимиз талабларига мувофиқ тарбиялашни муҳим вазифа қилиб қўйдилар, — дейди биз билан суҳбатда китоб муаллифларидан бири, республика "Оила" маркази раҳбари, психология фанлари доктори Васила Каримова. — Биз тайёрлаган мустақил фикрлаш қўлланмаси билимли, ахлоқли ва маънавияти юксак шахсларни ўз тафаккур қонуниятларини билган ҳолда мустақил фикрлаш лаёқатларини аниқлаш,уни мантиқ билан боғлаш орқали, ижодий тафаккур ривожи учун зарур бўлган услублардан бохабар бўлишлигига ёрдам беради, шу орқали ақлу заковатини тарбиялаш учун ёрдамчи восита бўлади, деб умид қиламиз. Бобларда келтирилган ҳар бир мисол, машқ, топшириқ ва тестлар ўқувчиларнинг фикрлаш жараёнини жадаллаштиради, унда ўзига, ўз қарашларига ишонч ҳосил қилади. Назарий билимлар эса амалий тафаккурнинг намоён бўлишига замин бўлади.

Демак, келажакка интилиш, уни тасаввур қилиш ва инсон сифатида оптимист бўлишимиз биринчи навбатда мустақил, эркин фикримизнинг натижаси ҳисобланади. Мана, болаларимиз учун мустақил фикрлашнинг нақадар зарурлигини кўрсатиб берувчи омиллардан бири. Дейлик, сизда бир фикр пайдо бўлиб қолди, уни бугун ўртоқларингизга айтиб, ўз қарашларингизни асослашингиз керак? Сиздан ушбу ишни уддалашингиз учун нималар талаб қилинади?

Энг аввало табиийлик, эркинлик ва ақл. Шу ўринда савол туғилади: нега "ақл" учинчи ўринда берилди? Ахир, у энг муҳими эмасми?

Гап шундаки, одам ўртага чиққанда ўзини биринчи навбатда эркин ва табиий тута олмаса, у билган билимлар ҳам гўёки қаергадир яширингандек, юзага чиқмайди. Демак, энг аввало ўзингизни табиий ва эркин тутишга тайёрлашингиз керак.

Инсон камолоти, келажакда ҳаётда ўз ўрнини топиши учун ўз фикрини табиий ва эркин билдира олиши жуда муҳим. Бу китоб ёшларимизни айнан шунга ўргатади.

Фикр ҳамиша инсонга қанот беради. Унга то умрининг сўнгигача эзгулик йўлида чироқ бўлиб хизмат қилади. Мустақил фикрлашга ўрганган боланинг ўзига бўлган ишончи ҳам мустаҳкам бўлади. Ҳар хил одамларнинг фикрига кўр-кўрона эргашиб кетавермайди. Аввало айтилган ҳар бир фикр-таклифни ақл тарозусида тортиб кўради, оқибатини ўйлайди.

Юртбошимиз "Фидокор" газетаси мухбирининг турли мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш керак, деган саволига, бунинг учун аввалгамбор ёшларимизни мустаҳкам иймон-эътиқодли, иродали, ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялашимиз лозим, деб жавоб берган эдилар.

Ҳа, бугун ёшлар тарбияси борасидаги бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз ана шу сўзларга ҳамоҳанг бўлмоғи керак. Шундагина кўзлаган эзгу мақсадларимизга оғишмай етишмоғимиз мумкин бўлади.

Минҳожиддин МИРЗО

МУҲИМ ВА КЕРАКЛИ ҚЎЛЛАНМА

Ўқитувчининг бир лаҳзаям бўш вақти йўқ. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. У умр бўйи ўқитади, ўргатади, тарбиялайди — болаларни, оиласини, ўзини.

Мустақиллик — энг аввало муаллимнинг зиммасига долзарб вазифаларни қўйди. Қадриятларни ёш авлод онгига сингдириш, уларни Ватан, юрт, миллатга муҳаббат руҳида тарбиялаш вазифаси муаллимнинг энг устувор вазифасидир. "Маърифат-Мададкор" нашриёти томонидан нашрга тайёрланган "Ўқувчи маънавиятини шакллантириш" китоби ўқувчилар учун муҳим ва керакли китобдир.

"Мактаб раҳбари кутубхонаси" туркумида чоп этилган мазкур китобнинг муҳимлиги шундаки, унда мактаб ҳаёти, маънавий-маърифий ишлар мажмуи қамраб олинган. Ўзбекистон Республикаси Давлат рамзлари, донишмандларнинг маънавият ҳақидаги пурҳикмат сўзлари, мактаб либоси қандай бўлиши кераклиги ҳақида ва бошқа яна кўплаб маълумотлар шулар жумласидан.

Maktab kutubxonasiga

Китобнинг кераклиги шундаки, у ўқитувчилар фаолияти — бошқалар ва ўзини тарбиялаши, ўқиб-ўргатиши ва ўрганиши учун зарур бўлган энг муҳим нарсалар — «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, мактаб ҳаётини қамраб олувчи бир қанча низом, синф раҳбарининг вазифалари, ота-оналар мажлиси, тарбиявий соат, бошқа байрам тадбирларини ўтказиш юзасидан методик тавсиялар, сценарийлар, таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқувчи-ёшларнинг ўзини-ўзи бошқарув ташкилотлари тўғрисида, "Маънавият ва маърифат" хоналарини ташкил қилиш бўйича тавсиялар — буларнинг барчаси китобда жамланган.

Ушбу қўлланма умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари таълим муассасаларида маънавий-маърифий тарбия ишлари билан шуғулланадиган барча ходимлар учун мўлжалланган. Улар кундалик фаолиятларида амалга ошираётган ишларида ушбу мажмуадан фойдаланишлари мумкин.

Китоб муқаддимаси шундай тугалланади: "Тайёрланган қўлланмага "догма" деб эмас, балки шаклан, мазмунан такомиллашиши мумкин бўлган тавсиялар мажмуи деб қараш талаб этилади. Бу борада мутахассислар ва муштарийларнинг қўлланма ҳақидаги ўз мулоҳаза ҳамда таклифлари ижобатга олиниб, кейинги нашрда киритилади".

Шерали НИШОНОВ

МАДАНИЯТ ЮКСАЛГАН ДАВР

Ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин тутган шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлигида маданий ҳаёт ҳам анча юксалганини А.А.Семёнов, А.Ю.Якубовский, Б.Аҳмедов каби таниқли тадқиқотчилар ҳақли равишда эътироф этишган. Шайбонийлар Туронзаминда азалдан мавжуд бўлган маданиятга ҳомийлик қилиб, уни янада янги босқичга кўтарди. Тадқиқотчи П.П.Ивановнинг фикрича, шайбонийлар даврида Бухоро хонлигида маданиятнинг ривожланишида Эронда ҳокимиятни қўлга олган Шоҳ Исмоилнинг Эрондаги ва Ҳиротдаги суннийларни таъқиб остига олгани ҳам ўз таъсирини ўтказган. Чунки таъқиблар туфайли бу ерлардаги маданият намояндалари, шоирлар, олимлар Бухоро хонлигига келиб, ўрнашиб қолганлар. Бу даврда Бухоро хонлигида тарихнавислик, адабиёт, таржима санъати, хаттотлик, меъморчилик соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилгани маълум.

Хусусан, В.В.Бартольднинг фикрича, шайбонийлар даврида тарих ва адабиёт соҳаларида яратилган асарлар сони, сифати бир қадар ортган. Бунга бир мисол тариқасида Абдуллахон Иккинчи даврида Бухорода яшаб ижод қилган Ҳасанҳожи Нисорийнинг "Музаккири аҳбоб" асарини ("Дўстлар ёдномаси") келтириб ўтиш мумкин. Бу асарда XVI асрда Мовароуннаҳрда, шунингдек, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Кошғарда яшаб ўтган 288 нафар шоир ҳақидаги маълумотлар жамланган. Улар орасида ўз асарлари билан ўзбек ва форс-тожик адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган Бобур, Ҳилолий, Мажлисий, Хожа, Шайбоний, Увайсий, Комрон, Байрамхон, Мушфиқий каби йирик сўз санъаткорлари тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Абдуллахон Иккинчига бағишлаб ёзилган бу асар Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро", Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асарларидан кейин "учинчи тазкира" ҳисобланади ва XVI асрда Ўрта Осиё, Эрону Ҳиндистондаги адабий муҳитни, адабиётнинг бошқа масалаларини ёритишда катта аҳамият касб этади.

Бу ўринда таъкидлаш жоизки, ўша даврда кўпгина ҳукмдорлар, хусусан, Шайбонийхон, Убайдуллахон ва Абдуллахон Иккинчи ижод билан шуғулланиб, ажойиб шеърлар ёзганлар.

Хусусан, ҳаёти асосан жанг майдонларида кечган бўлса-да, Шайбонийхон ҳокимиятни қўлга олмасидан олдин Бухорода маълум вақт яшаб, яхши таълим олишга улгурган, истеъдодли шоир, мусаввир, мусиқачи ва қироатхон бўлиб етишган. Ундан бир неча ўзбекча ғазал, рубоий ва "Баҳр ул-ҳудо" номли маснавий етиб келган. Шайбонийхоннинг ўғлига атаб ёзган панд-насиҳатлардан иборат китоби (1507-1508) ҳам мавжуд бўлиб, унинг ягона нусхаси ҳозир Туркияда сақланмоқда.

Бошқа шайбоний ҳукмдорлар томонидан битилган адабий асарлар ичида Наврўз Аҳмадхоннинг ўғли Дўст Муҳаммад Султоннинг ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган "Силсилот ус-салотин ва анисул-ошиқин" асарини, Абдуллахон Иккинчининг ўзбек тилида Хон тахаллуси билан ёзган ғазалларини айтиш мумкин.

Шайбонийлар даврида тарихнавислик соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилгани маълум. Бу ўринда катта илмий қимматга эга бўлган қатор асарлар, хусусан, Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома", Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" ва айниқса, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Шарафномайи шоҳий" ("Шоҳларни шарафловчи асар") асарларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бу даврда Мовароуннаҳрда мусаввирлик, хаттотлик, мусиқа санъати, фиқҳ ҳамда кўпгина аниқ фанлар: тиббиёт, мантиқ, ҳандаса (геометрия) ва илми ҳайъат (астрономия) соҳаларида ҳам анчагина ютуқлар қўлга киритилган. Муҳаммад Амин ибн Убайдулла Мўминбойнинг "Ҳисоби амали шабака" (1550), Бобокалон муфти Самарқандийнинг "Рисола дар илми ҳисоб", "Васият бар чаҳор қисм", Муҳаммад Ҳусайн Минажжим Бухорийнинг "Маърифати самти қибла" ва бошқа асарлар бу даврда аниқ фанлардаги юксалишлардан далолат беради.

Тиббиёт соҳасида ёзилган асарлар қаторида Султонали Самарқандийнинг "Дастур ул-илож" (1596), Муҳаммад Юсуф Қаҳҳолнинг "Таҳқиқ ал-Хумаййот", "Зубдат ул-қаҳҳолий", Убайдуллоҳ Қаҳҳол ибн Муҳаммад Юсуфнинг "Шифо ул-илал" ("Касалликлар давоси") ва "Умдат ул-куҳлия филамродул басария" ("Кўз касаллигига доир асосий китоб") асарларини айтиб ўтиш мумкин. Уларда илгари сурилган даво усуллари, ташхис қўйиш, дорилар тайёрлаш ўрта аср мусулмон шарқ тиббиётига хос илғор анъаналар XVI асрда ҳам давом этганидан далолатдир.

Шайбонийлар даврида Бухоро хонлигида, айниқса, меъморчилик соҳасида улкан ютуқлар қўлга киритилди. Бу даврда Самарқанд, Тошкент, Қарши, Марв, Балх ва хонлик пойтахти Бухоро шаҳрида иншоотлар: кўплаб масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, ёпиқ бозорлар, карвонсаройлар ва ҳаммомлар барпо этилди. Мовароуннаҳр шаҳарсозлиги ва меъморчилигида анъаналар давом эттирилди, бойитилди, карвон йўллари бўйида карвонсаройлар, работлар, сардобалар тикланди, йирик дарёларда мустаҳкам кўприклар қурилди. Бухорода барпо этилган Мир Араб мадрасаси (1535—1536), Масжиди Калон (1540—1541), Зарафшон дарёси устида қурилган кўприк — сув айирғич, шаҳардаги Шайбонийхон мадрасаси (1515—1516) ва масжиди Абдураҳим садр мадрасасини, Тошкентда Наврўз Аҳмадхон қурдирган Бароқхон мадрасаси, Абдуллахон Иккинчи даврига мансуб Кўкалдош мадрасаси, Қарши шаҳридаги Абдуллахон мадрасаси ва Намозгоҳ (Кўк гумбаз) масжидини, Боқибий мадрасаси, ҳаммом ва сардобалар, Кармана яқинида Зарафшон дарёси устида қурилган кўприк (1582) шулар жумласидандир.

Шаҳарлар тараққиёти ва меъморчилик, айниқса, Абдуллахон Иккинчи даврида юксак чўққиларга кўтарилди. Қудратли салтанат барпо этган Абдуллахон Иккинчи иқтисодиётга, маданият, хусусан, меъморликка ҳомий бўлган йирик давлат раҳбари сифатида тарихимизда қолди.

Хуллас, шайбонийлар даврида Бухоро хонлигида шаҳарсозлик, меъморлик тараққий этгани, адабиёт, тарих, хаттотлик ва кўпгина аниқ фанлар соҳасида қўлга киритилган ютуқлар мамлакат маданий ҳаётининг юксак даражасидан далолат бериб турибди.

Шавкат ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясининг тингловчиси

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz?

ТУМАНДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

Навоий туманидаги 6-мактаб жамоаси туманда биринчи бўлиб 6 июнь куни мактабни таъмирлаш ишларини тугалладилар. Капитал таъмирлашни жамоа аъзолари ўз кучи, маблағи ва меҳнатлари билан ўтказиб, 27 синф хонаси, 10 дан ортиқ фан кабинетлари, услубий, ўсмирлар, маънавият хоналарини янги ўқув йилига тахт қилиб қўйдилар. 400 дан ортиқ парта, 500 га яқин стул, 50 дан ортиқ стол, доска, 50 дан ортиқ дераза ромлари, 40 га яқин эшик таъмирланиб, сифатли рангланди.

Ушбу ишларда ўқитувчилардан Р.Жўраева, Н. Ҳидирова, М.Қобилова, ота-оналардан Т.Нажимов, Ҳ.Тиллаев, Ҳ.Нарзиев фидойилик кўрсатдилар. Айни кунларда мураббийлар ўз ўқувчилари билан турли саёҳат, дам олиш тадбирларида иштирок этишмоқда, деб хабар беради Навоий туманидаги Б.Эсонов номидаги 6-мактаб директори Маърифат Ансорова.

МУХБИРИМИЗ

ҲАМКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Айни кунларда мактаб ўқувчилари таътилда. Ўз-ўзидан маълумки республикамиздаги барча мактабларда янги ўқув йилига тайёргарлик — таъмирлаш ишлари аллақачон бошлаб юборилган.

—Биз мактаблар таъмири учун Жиззахдан бир вагон оҳак келтирганмиз, бу шундай тоза, яхши оҳак эканки ҳатто оқ бўёқдан ҳам чиройли кўринади. Бизни қувонтирган нарса шу бўлаяптики, кўпгина мактабларимизни таъмирлашда ота-оналар яқиндан ёрдам беришмоқда, кимдир бўёқ, кимдир ойна, яна кимдир мактабга келиб ишлаяпти! - дейди Чироқчи тумани ХТБ мудири Ўрол Абдурахмонов. Бу фикрни тумандаги 108-мактаб директори Холбўта Қувонов ҳам тасдиқлади ва мактабга ота-оналар томонидан 50 минг сўмлик ҳар-хил рангли бўёқлар берилганини айтди.

Бундай ташаббуслар бошқа жойларда ҳам борми, йўқми дея тумандаги 160-мактабга ҳам йўл олдим. Мактабга киришдан залда ҳамма нарсалар: Юртимиз байроғи, герби, суратлар, мадҳиямиз ва шу ердан чиққан чемпионлар суратлари, ҳар-хил мусобақалар, олимпиада ҳақидаги лавҳаларни кўриб, юқоридаги фикрлар ўз исботини топганлигининг гувоҳи бўлдим.

—Биз мактабдаги таъмирлаш ишларини ҳар бир синф ўқувчиларига ва уларнинг раҳбарига топширганмиз. Шу тарзда ўқувчилар ўртасида ўз синфини чиройли таъмирлаш учун мусобақа бошланиб кетди.

Шундай қилиб, деярли барча синфхоналаримиз таъмирланиб бўлинди. Шунингдек, ота-оналар янги ўқув йилида фарзандларини тўлиқ дарслар билан таъминлашни келишиб олдилар, — дейди 160-мактаб директори Хурсанд Йўлдошева.

Ҳа, республикамизнинг катта туманларидан бири бўлган Чироқчи туманидаги мактабларда ўқитувчилар билан ота-оналар ўртасида ҳамкорлик шу тарзда давом этмоқда. Ҳамкорликда бошланган иш эса ҳамиша яхши натижалар билан якунланади.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИДА ЖУМЛА ЯРАТИШ

Олимлар диққатини ўзига тортган муаммолар орасида турғун жумла яратиш алоҳида ўрин тутади.

Шу кунгача ҳозирги замон француз тилида умумий жумла яратиш кам ўрганилган соҳалардан бири ҳисобланади. Жумла яратиш деганда бевосита номинацион бирлик яратиш механизми, яъни фразеологик бирлик тушунилади.

Фразеологик бирликларни турли йўллар билан таҳлил қилиш бизга транспозициянинг икки хил турини, яъни бирламчи ва иккиламчи турларини ажратиб кўрсатишга имконият беради. Бирламчи транспозиция деганда, фразеологик бирликнинг билвосита номинацион жараёнини ўзгарувчан бирикмаларга ўтиш воситаси билан, нофразеологик характердан фразеологик бирликларга ва бир вақтнинг ўзида транспозициянинг турига ўтиш жараёни тушунилади.

Масалан: "etre sure des braises" ўзгарувчан бирикмаси "сидеть как на горяших углях", яъни "ишнинг энг қизиган даври" деб таржима қилинади.

Ўзгарувчан бирикманинг фразеологик бирликдаги асосий фарқи уларнинг ибора маъносида намоён бўлади. Бошланғич шакл ясама шаклдан ҳосил бўлади:

Laver la tete — бош ювмоқ, laver la tete — бош қотирмоқ.

Иккиламчи транспозиция асосида иккиламчи фразеологик бирлик жараёни деб, бирламчи фразеологик бирликнинг бир лексик ва грамматик турдан бошқа синфларга ўтиши тушунилади.

Иккиламчи транспозиция семантик жиҳатдан қайта расмийлаштириш ва уларнинг тузилишларини сақлаш ва ўзгариши билан характерланади.

Масалан: "avaler des crauds" — "avaleur de crapauds" — "проглотить пилюлю" — "заҳар ютмоқ, аччиқ гап эшитиб индамай турмоқ", "козёл отпушения" — "балога қолган одам".

Bon marche — bon marche

Дешево — дешевый

Арзон (равиш) — арзон (сифат)

деб таржима қилинади.

Ҳозирги замон француз фразеологик бирликларини ўрганиш учун 1979-1980 йилларда иккита фразеологик луғат чиққан: А. Рей ва С. Шантро "Dictionnaire des locutions et expressions de la lange francaise" ва Дюнетон: "La puce a l' oreille".

Рус романистларидан Г. Г. Соколова фразеология муаммоларини ўрганиб, унга янгича ёндашади: янги терминлар: зооним (ҳайвонларнинг фразеологик бирликларда ишлатилиши) ва соматизм (инсон органларининг фразеологик бирликларда ишлатилиши) сўзларини ишлатади. Бу муаммолар ўзбек тили фразеологиясида ҳам мавжуд. Ўзбек ва француз фразеологиясининг ўхшашлик ва фарқ қилувчи томонларини ўрганиш ҳозирги замон тилшунослигининг долзарб масалаларидан биридир.

Н. КАРИМОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг таржимонлик факультети 3-курс талабаси

Деканнинг сертакаллуфлиги шу қадар сохта туюлдики, Стивен бу янги инглиз маслакдошига, худди ривоятда ака оқпадар укасига қарагандай қаради

Жеймс ЖОЙС

МУСАВВИРНИНГ ЁШЛИКДАГИ ШАМОЙИЛИ

Роман

Энди француз тилидан лекцияга боришнинг ҳожати йўқ, жуда кеч қолди. У катта зални ортда қолдириб, коридор бўйлаб ўнгга, физика аудиториясига бурилди. Коридор қоронғи ва жимжит эди, бироқ жимлик уни сергаклантирди. Бундай хавотир ҳисси унга қаердан юкди экан, бу ниманинг таъсири? Балки Уейли[1] яшаган вақтлар бу ерда махфий йўлак бўлгани ҳақида эшитганидандир? Ёки, эҳтимол, иезуитларнинг бу уйи фақат уларга мансублиги ва бу ерда у ўзини бегона ҳис қилганиданмикан? Тон ва Парнеллнинг Ирландияси қаергадир ғойиб бўлгандай гўё. У аудитория эшигини очди ва чанг босган деразалардан тушиб турган хира ёруғликда тўхтади. Чўнқайиб ўтирган жусса каминнинг энли панжараси олдида, оловни ёқмоқчи бўлиб куймаланар, ҳаракати ва сочининг оқидан у деканни таниди. Стивен эшикни секин ёпди ва каминга яқин келди.

— Ассалом-алайкум, сэр! Менинг ёрдамим керакмасми?

Руҳоний бошини кўтариб қаради.

— Бир дақиқа, мистер Дедалус, — деди у. — Мана ҳозир гувоҳ бўласиз. Каминни ёқиш — буям бир илм. Ижтимоий фанлар бор, фойдали фанлар бор. Мана бу фойдали фанлардан бири.

— Мен уни ўрганишга ҳаракат қиламан, — деди Стивен.

— Бунинг сири битта — кўмирни кўп қаламаслик керак, — давом этди декан қўллари билан чақкон ҳаракат қиларкан. У яктагининг ён чўнтагидан ёниб тугаган тўртта шам қолдиғини чиқарди ва уларни кўмир билан қоғозлар орасига яхшилаб жойлади. Стивен уни жим туриб кузатди. Камин олдидаги тош плитага тиз букиб турганча, олов ёқишдан олдин, қоғоз ўрамларини ва шам қолдиқларини тўғриларкан, у бошқа пайтлардан кўра ҳозир кўпроқ тангрининг итоаткор, бўм-бўш черковида қурбонлик оловини ёқаётган левитни[2] эслатарди. Левитнинг қўпол кийим-кечагига ўхшаган, ранги ўчган, тўзиган яктак унинг тиз букиб турган жуссасини ўраб олган, яктак серҳашам руҳонийча либос ёки майда шиқилдоқчалар қадалган ефоддаги[3] жуссага торлик қилар, ноқулайлик туғдирарди. Унинг жисми умр бўйи тангрига камтарона хизмат қилганидан ушшоқдай бўлиб, қартайиб қолган эди: у меҳробда олов ёқар, махфий маълумотларни етказар, черков қавмига васийлик қилар, уларни юқорининг буйруғига кўра шафқатсиз жазоларди. Бироқ барибир унинг жуссасида эзгулик аломати сезилмас, авлиёлик ёки юқори руҳоний мартаба эгасига хос тўкисликнинг асари ҳам кўзга ташланмасди. Аксинча, унинг қалби бу хизматда қариб, тўниб қолди, на бир ёруғликка, на бир тўкислика етишди, илоҳий тароватга эмас, балки атиги пажмурда, ожиз иродага эга бўлолди, холос. Бу мажруҳ ирода ана шундай эзгу хизмат қувончидан бенасиб эди, худди бужмайиб, томирлари бўртиб чиққан, оқара бошлаган тук қоплаган танасидай рамақижон, севинч ва курашларга лоқайд эди.

Декан чўнқайиб ўтирганча, пайрахаларнинг ёнишини кузатарди. Орадаги нохуш жимликни бузмоқчи бўлиб, Стивен сўз қотди:

— Мен эҳтимол, каминни ёқа олмасман.

— Сиз мусаввирсиз, тўғрими мистер Дедалус? — деди декан, нурсиз хира кўзларини тепага кўтариб қараб. —Мусаввирнинг бурчи — гўзаллик яратиш. Гўзаллик дегани нима? Бу, энди, бошқа масала.

У саволнинг мураккаблиги ҳақида ўйларкан, қуруқшаб қолган қўлларини аста-секин артди.

— Сиз бу саволга жавоб бера олармидингиз?- сўради у.

— Фома Аквинский, — деб жавоб қилди Стивен,— "Pulsza suae visa placent" [4] дейди.

— Мана бу олов кўзни қувонтиради, — деди декан. — Шундан келиб чиқиб уни гўзал дейиш мумкинми?

— Олов кўз билан кўриб англанади, бу эса айни пайтда эстетик идроклашга киради, демак, олов гўзал. Бироқ Фома Аквинский яна шундай дейди. "Bonum est in guod tyndit appetitus"[5]. Модомики, олов тириклик эҳтиёжини қондирар экан, демак,у — эзгу. Дўзахда эса у — ёмон.

— Жуда тўғри, деди декан. — Сиз мутлақо ҳақсиз.

У ўрнидан чаққон туриб, эшикнинг олдига келди ва уни қия очиб, деди:

— Айтишларича, бу ишда ҳавонинг тортиши жуда фойдали экан.

Декан бироз оқсоқланиб, бироқ тез-тез одимлаб каминнинг олдига келган чоғда унинг хира, ҳиссиз кўзларидан Стивенга иезуитнинг қора қалби қараб турарди. Авлиё Игнатий Лойолага ўхшаб у ҳам чўлоқ эди, бироқ унинг кўзларида ғайрат иштиёқи порламасди. Ҳатто иезуитлар ордениннинг афсонавий макрлари, уларнинг нозик ва теран доноликлари ҳақидаги машҳур китобларидан ҳам ўтиб тушадиган, нозик айёрликлар ҳам унинг юрагини ҳаворийга хос туғён билан алангалатмади. "Similiter afgul senis baculus"[6], яъни у орден асосчиси ўйлаган, мўлжаллаган нарсага — мисоли ҳассага айланган эди: ҳассага қоронғуда таяниш мумкин ёки уни боғчадаги ўриндиққа алақандай хоним ташлаб кетган гулдастанинг ёнига қўйса бўлар, эҳтимол, дағдаға қилиб, кўтариб сермаш ҳам мумкиндир.

Декан камин олдида иягини силаб турарди.

— Биз қачон сиздан эстетика масалалари ҳақида бирор-бир фикр эшитамиз? — деб сўради у.

— Менданми?! — деди ажабланиб Стивен. — Майли, агар икки ҳафтада бир марта қандайдир фикрга дуч келиш менга насиб этса...

— Ҳа. Бу жуда чуқур масалалар, мистер Дедалус, — деди декан. — Уларнинг моҳиятига етиш — Мохер қоясида туриб денгиз қаърини кўрмоқчи бўлгандай гап. У ерга шўнғиганлар қайтиб чиқишмайди. Фақат тажрибали ғоввосгина бу теранликка тушиши, текшириши ва қайта сузиб чиқа олиши мумкин.

— Агар сиз манфаат нуқтаи назаридан айтиладиган мулоҳазаларни назарда тутаётган бўлсангиз, сэр, — деди Стивен. — У ҳолда менингча, эркин фикрнинг ўзи йўқдай туюлади, чунки ана шундай шароитда бу каби фикрлар ўзига яраша қонунларга бўйсуниши ва шу доирада чекланиши лозим бўлади.

— Ҳм!..

— Фикрлаб туриб, мен ҳозир Аристотел ва Фома Аквинскийнинг баъзи бир қоидаларини асос қилиб оламан.

— Тушунаяпман сизни, яхши тушунаяпман.

— Мен ўзимнинг фикримга эга бўлмагунимча уларнинг фикрларига таянаман. Агар чироқ буруқсиб тутай бошласа, мен уни тозалашга ҳаракат қиламан. Агар у яхши ёритмаса, мен уни сотаман ва бошқасини харид қиламан.

— Эпиктетнинг[7] ҳам, — деди декан, — чироғи бор эди, ўлимидан сўнг уни жуда қимматга сотиб юборишди. Бу чироқ ёруғида у ўзининг фалсафий асарларини ёзган. Сиз Эпиктетни ўқиганмисиз?

— Руҳ сувли идишга ўхшайди, деган қария-да, — деди кескин жавоб қилиб Стивен.

— У ўзига хос соддалик билан, — давом этиб деди декан, — бизга шундай ҳикоя қилади: илоҳлардан биринг ҳайкалчаси олдига темир чироқни қўйибди, ўғри эса чироқни ўмарибди. Хўш, файласуф нима қилди? У ўғирлик — ўғрининг табиатига хос, деган хулосага келди ва эртаси куни темир чироқ ўрнига сопол чироқ харид қилди.

Шам қолдиқларидан эриган ёғнинг ҳиди чиқди ва Стивеннинг онгида: **идиш, чироқ, чироқ, идиш** сўзларининг ғалати жаранги билан қоришди. Руҳонийнинг овози ҳам бунга жўр бўлди. Стивеннинг фикри бу ғалати товушлар, образлар ва руҳонийнинг қиёфаси таъсиридан беихтиёр тўхтаб қолди, улар ёқилмаган чироққа ёки нотўғри бурчак остига илиб қўйилган нур қайтаргичга ўхшаб туюлди. Уларда ёки уларнинг ортида қандай сир яширинган? Худди тангрининг қаҳру ғазаби билан тўлиб-тошган қора булутдай бадқовоқ, фикрлаб туришга одатлантирилган идрокнинг тўпослиги.

— Мен бироз бошқача чироқни назарда тутган эдим, сэр, — деди Стивен.

— Албатта, — деди декан.

— Эстетика ҳақида мулоҳаза юритишнинг қийин томонларидан бири, — деди давом этиб Стивен, — шундан иборатки, бунда сўз қайси маънода — адабийми ёки маиший маънода ишлатилаётганига аҳамият бериш лозим. Мен ҳозир Ньюменнинг бир гапини эсладим, унда айтилишича, Биби Марям православ мазҳабидаги халқнинг онгида чуқур ўрнашган. Кундалик турмушда бу сўзни ишлатганда бутунлай бошқача маъно юклашади. Умид қиламанки, мен ўзимнинг нодонлигимда чуқур кетмаётган бўлсам керак?

— Йўқ, албатта, — деди эҳтиром билан декан.

— Йўқ, — деди кулиб Стивен, — мен айтмоқчиманки...

— Бўлди, бўлди, тушундим, — гапни илиб кетди декан, — сиз "чуқур кетмоқ" феълининг турли маъно белгиларини назарда тутаяпсиз.

У иягини олдинга чўзди ва қисқа, қуруқ йўталди.

— Хўп, яхши, энди чироққа қайтамиз, — деди у. — Унга мой қуйиш ҳам хийла қийин юмуш. Аввало, мой тоза бўлиши керак, қуяётганда эҳтиёт бўлиш лозим, четига тўкилиб кетмасин, воронкага сиғадиганидан ортиқ қуйиб юбормаслик керак.

— Қанақа воронка? — сўради Стивен.

— Идишнинг оғзига қуйиб, мой қуядиган асбоб.

— Ҳа... — деди Стивен. — шуни воронка дейдими? Менимча, бу сузгич.

—"Сузгич" нима?

— Бу ўша... воронка.

— Буни ирландларда сузгич дейишадими? — деб сўради декан. Умримда биринчи марта эшитишим бу сўзни.

— Қуйи Драмкондрда [8] сузгич дейишади, — деди кулиб Стивен, — у ерда соф инглиз тилида гапиришади.

— Сузгич, — ўйчан такрорлади декан, — ажойиб сўз. Уни луғатдан бир қараб кўриш керак экан. Албатта қарайман.

Деканнинг сертакаллуфлиги шу қадар сохта туюлдики, Стивен бу янги инглиз маслакдошига, худди ривоятда ака оқпадар укасига қарагандай қаради. Бир пайтлар кўп шовқин кўтарган мурожаатномаларнинг бу итоаткор мухлиси, Ирландиядаги камбағал инглиз, охирги келгинди, кечиккан руҳ фисқу фасодлар комедиясининг асосий воқеаси — азоб-уқубатлар, ҳавасу ҳасадлар, курашлар ва шармандаликлар хотимасига етаётган паллада иезуитлар тарих саҳнасига чиқиб қолгандай туюларди. Уни бунга нима мажбур қилган экан? Балки у нажот фақат Иисусда деб умидвор бўлган ва рамзий черковнинг серташвиш дабдабаларидан ҳазар қилган ақидапараст мазҳабчилар орасида туғилиб ўсгандир? У кўр-кўрона эътиқодга мазҳабпарастларнинг маросимларида ва ашаддий бидъатчиларнинг ирим-сиримларида, олти аъмолнинг жами мухлислари, алоҳида хусусиятга эга кишилар, баптистлар издошлари, супралапсариан ақидапарастлари[9] орасида юрганда эҳтиёж сезмаганмикан? У ҳақиқий черковни, муқаддас руҳнинг тушиши ёки бошқа черков маросимлари моҳиятини, худди ғалтакдан ингичка ипни эҳтиёт бўлиб ажратиб олгандай, эҳтиёткор мулоҳазалар билан тушуниб, фавқулодда англаб танлаб олганмикан? Ёки у аллақандай томига тунука қопланган бутхона эшиги олдида эснаб, черковга тушган чақаларни санаб ўтирганда, бир замонлар бож йиғиб ўтирган [10] умматига даъват этган тангри каби, Христос ҳам унинг бошини силаб, ўзига эргашишга чорлаганмикан?

Декан яна гап бошлади:

— Сузгич! Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу жуда қизиқ!

— Сиз менга бундан олдин берган саволингиз қизиқроқ эди. Мусаввир лойдан яратишга уринаётган гўзалликнинг моҳияти нимада? — деди Стивен совуққина қилиб.

Шу биргина сўз унинг кўнглидаги хавотирнинг заҳарли тиғини сертакаллуф ва сергак душманга қарши қаратгандай туюлди. Хўрликнинг аччиқ аламини кўнглидан кечираркан, Стивен ўзи билан суҳбатлашаётган бу одам Бен Жонсоннинг ватандоши эканини ҳис этди. У ўйлади:

"Ҳозир биз гаплашган тил — аввало унинг тили, иккинчи навбатда менинг. **Оила, Христос, пиво, ўқитувчи** сўзлари унинг оғзидан бошқача ва менинг оғзимдан бошқача чиқади. Мен бу сўзларни хотиржам айтолмайман ҳам, ёзолмайман ҳам. Унинг тили менга қанчалар яқин ва нақадар бегона, мен учун тер тўкиб эгалланган бир восита, холос. Мен унинг сўзларини яратганим йўқ, уларни қабул қилганим йўқ. Менинг товушим уларни ўзига яқин йўлатмайди. Менинг руҳим унинг тили зулматида ғазабга минади".

(Давоми бор.)

(Давоми. Боши газетамизнинг ўтган сонларида.)

Изоҳлар:

1. Томас Уейли (1766-1800) — католик бутхоналарини бузгани учун Ибодатхоналарни ёндирувчи лақабини олган машҳур ишратпараст ва лўттибоз. Бир пайтлар унга қарашли бўлган данғиллама уйга кейинчалик Стивен ўқиётган университет жойлашган.

2. Левитлар — яҳудий черков хизматчиларининг тоифаси, улар черковдаги хўжалик ишлари билан машғул бўлишган.

3. Ефод — руҳонийнинг кийими, этагига майда тилла шиқилдоқчалар қадалган.

4. Кўрганда кўз қувонадиган нарса гўзалдир (лотинча).

5. Эҳтиёжни қондирган нарса эзгудир (лотинча).

6. Қариянинг ҳассасидай (лотинча).

7. Эпиктет — эрамизнинг I асри охири ва II аср бошида яшаб ўтган юнон файласуфи.

8. Дублиннинг камбағал тумани, унинг аҳолиси лондонликлардан ҳам кўра бой ва ширали тилда гапиришган. Стивен бу ўринда ирландларнинг ўз она тилларини унутган ҳолда бегона тилни жуда яхши билишларига ишора қилаётир.

9. Баптист мазҳаби турлари. Супралапсарианлик — тақдиру азалнинг мутлоқлиги ҳақидаги таълимот.

10. Инжилга кўра, ҳаворий Матфей Иисуснинг шогирдига айлангунга қадар, жафокаш бўлган.

ТАЪЛИМ: ВАЗИЯТ, ИМКОНИЯТ

(Жанубий Осиё минтақасида)

Дунё мамлакатларининг деярли барчасида таълим тизимига бўлган эътиборнинг кучайиши бу минтақада ҳам алоҳида кўзга ташланади. 70-йиллардаёқ бошланғич таълимга жалб этилган мактаб ёшидаги болалар 60 фоиздан 70 фоизгача ортган. Лекин мактабга бормайдиган болалар ҳам кам эмас — 55 миллион. Болаларнинг мактабга жалб қилиниши бўйича Жанубий Осиё мамлакатларининг ўзида ички тафовут айниқса юқори. Масалан, Ҳиндистонда шаҳарлик болаларнинг 80 фоизи мактабга боради, қишлоқ шароитида бу кўрсаткич 20 фоиз. Керала штатида ҳар 10 та боладан 9 нафари таълимда банд бўлса, Бихар штатидаги болаларнинг ярмига яқинигина мактаб партасида ўтириш бахтига эга, холос.

Умуман, бу региондаги аёлларнинг 2/3 қисми, эркакларнинг 1/3 қисми маълумотга эга эмас. Мактаблардаги ўғил ва қиз болаларнинг миқдоридаги фарқ 10%гача етади. Биргина Афғонистондаги вазият (айрим ҳаракатларнинг қизлар таълим олишига қаршилиги) бу кўрсаткичга сезиларли таъсир этган. Бангладешда эса 75 фоиз болалар мактабга қатнагани ҳолда, қизлар ва ўғил болалар ўртасида сон жиҳатдан фарқ деярли йўқ.

Мактабга бораётган болаларнинг 40 фоизи бошланғич таълим олиш билан чекланиб қолади ва бу жиҳатдан минтақа дунёда "етакчи" ўринда туради.

Минтақадаги аҳолининг кўпчилиги камбағалликда ҳаёт кечиради — бир киши кунига 1 доллар даромад қилади. Болалар меҳнатидан фойдаланиш муаммосининг сақланиши таълим тизимидаги паст кўрсаткич ва натижаларнинг бош сабаби бўлиб қолмоқда. Ўқитувчиларнинг етишмаслиги (битта педагог кадрга 60 дан зиёд ўқувчи тўғри келади), уларни қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш каби муаммолар ушбу минтақада ҳам долзарблигича қолаяпти. Шунга қарамасдан вазиятни яхшилаш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш эвазига таълим тизимида бир мунча ривожланишни кузатиш мумкин. Бомбейда тузилган "Таълимга ҳомийлик" гуруҳи ташаббуси билан минглаб боғча ва мактаблар таъмирланиб, таълим-тарбия бериш шароитлари яхшиланмоқда. Бу гуруҳнинг моддий базаси жамоатчилик, корпорация ва фирмалар, давлат ходимлари ва алоҳида шахслар томонидан доимий тиклаб борилади. Яна бир мисол: Покистонда таълим сифатини яхшилаш дастури доирасида юзлаб ўқитувчиларнинг шароитлари яхшилаб берилди, ўнлаб талабга жавоб берадиган таълим муассасалари барпо этилди. Бангладешда ҳар бир боланинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим бериш системаси (ИДЕАЛ) ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

ЮНИСЕФнинг "Таълим" ахборот журналидан Ф. КАРИМОВ таржимаси.

"БОЛЛИВУД"ГА БИР НИГОҲ

Бир вақтлар ака-ука Люмерлар ўзларининг кинофильмларини Осиёда намойиш этиш учун Ҳиндистоннинг Бомбай шаҳрини маъқул топган эдилар. "Поезднинг келиши" фильми премьераси Оврупода қўйилгандан сўнг бир неча кун ўтгач, 1896 йил 7 июлда уни Бомбайнинг "Уатсон" меҳмонхонасида намойиш этишади. Худди шу кундан бошлаб Ҳиндистон мамлакати "киноманияси" пайдо бўлди ва ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Ҳиндистоннинг энг йирик киномарказларидан бири "Болливуд"дир("Голливуд" билан "Бомбай" сўзлари қурамасидан). Ундаги биринчи студия 1912 йили ташкил этилган. Ўша вақтдан буён ҳинд кинематографлари 30 мингдан ортиқ фильм яратишган. Ташаббускорлик жиҳатидан "Болливуд" америкалик ҳамкасбидан қолишмайди: ҳар йили давлат идораси текширув назоратининг прокатга чиқариш линцензиясини 500дан 600 гача фильм олади(умуман олганда, бундан деярли 2 баравар кўп фильм суратга туширилади). Бундан 2 йил бурун эса, бу борада рекорд ўрнатилди — 934 картина!

Ҳиндистонда Болливуддан ташқари, 30 тилда суратга олувчи яна 8 киномарказ мавжуд. Ҳинд фильмларининг барчаси ҳақида сийқаси чиққан "ювилган қошиқ" каби фикрда бўлиш нотўғридир. 50 ёшни қоралаб қўйган кўпчилик ўзбек мухлислари ҳинд киноклассикаси ҳақида яхшигина тасаввурга эга. Бир вақтлар ҳинд фильмлари жуда машҳур бўлиб кетганди, прокатда энг "учари" ҳисобланарди(бизда бошқа фильмларни деярли сотиб олишмасди ҳам). Шунинг учун ҳам Раж Капурнинг "Дайди" ва "Чангдаги гул" мелодрамасидаги кичик жафокаш образи Ҳиндистон киносининг ўзига хос ташриф белгисига айланганди. Афсус, ҳатто ҳиндлар ўзи ҳам ўша, 50—60-йилларидаги "Болливуд"нинг "олтин даври" фильмларини кўнгилларида соғинч ила эслашади, қўмсашади. Ҳа, қани ўша замонлар!

ЎТМИШГА САЁҲАТ

1932 йили режиссёр Эрза Мирхоним "Зарина" фильмини яратади. Воқеалар жараёнида фильмнинг бош аёл қаҳрамони 86 марта ўпишади. Қабул комиссияси ушбу картинани кўрсатишни таъқиқлайди ва, умуман, экрандаги "чўлп-чўлп"ларни маън этади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, бунда ҳеч ким тегишли қонун ва ёзма буйруқ бермаган. Бу қоғозларда йўқ, ёзилмаган "қонун"га Ҳиндистонда 1977 йилгача амал қилиб келинди. Фақатгина "Капурлар сулоласи"дан бўлмиш Саши Капур уни бекор қилишга эришади. 1964 йили "Апрел ҳазили" фильмида ҳинд кинематографияси тарихида илк бора экранда "яланғоч натура" — чўмилиш костюмларида бир неча аёл кўрсатилади. Минг қилса ҳам Осиё ор-номусини йўқотмаган ўлка-да!..

Бойларнинг оилавий муаммолари ҳақидаги узундан-узун сериаллар, камбағаллар тўғрисидаги якуни бахтли бўлган "кўпик опера"лар, ур-йиқитни "қийворган" жангари фильмлар — буларнинг ҳаммаси Ҳиндистонга суқулиб кира бошлади ва худди ана шу ҳол маҳаллий режиссёрларни чет элликлар билан "курашиш"га мажбур қилди. Тўғри, мамлакатда миллий колорит, урф-одатларга бой, илгариги киномактаб сақланиб қолди. Лекин, афсуски, 60-йилларидаги "Болливуд" шедеврларига у ёки бу даражада мос келувчи фильмлар тобора камайиб бормоқда.

"Яшашни хоҳласанг (ўқинг: фильмларинг экранда чиқишини хоҳласанг) — ҳаракатингни тезлат!" — бу ҳозирги ҳинд киночиларининг асосий шиори. 1999 йили машҳур бўлган чет элнинг рақобатчи бир кинолентасини экрандан сиқиб чиқариш учун ҳинд кинематографлари тўла метражли фильм ишлаш бўйича жаҳон рекордини ўрнатишди — 24 соат ичида бутун бошли картина яратишди. Ўшанда фильм режиссёри Гирирадилол Нагпал 14 бош қаҳрамон, 12 аёл образи, 9 тўй, бир юрак хуружи(инфаркт), одам ўғирлаш, ур-йиқит ва бахтли якунланувчи сюжет яратганди. Кинони суратга олиш 8 апрел куни эрталаб соат 7да бошланиб, фильм эртасига 6.50да "тортиқ қилинади"! Яна бир режиссёр Жаспал Бхатти ўзининг "Дидга мос келувчи шароит" лентаси премьерасини Деҳлидаги "З-Тихар" қамоқхонасида намойиш этишга аҳд қилади. "Бу фильм полициячилар, бандитлар ва коррупция ҳақида, — дейди у. — Назаримда, қамоқхона шундай картина учун жуда мос келувчи жой. Темир панжара ортида прокатга чиқарилажак фильмни томоша қилаётган мухлисларнинг бунга муносабатини кузатиш жуда қизиқ туюлади менга".

Ҳиндистонда таниқли актёр бўлиш улар сиғинувчи худолар сирасига кириш деган гап. Шунинг учун "Болливуд"да "бегона"ларга ўрин йўқ. У ернинг кино оламини ўзига хос "сулола"лар бошқаради. Булардан энг йириги юқорида тилга олинган капурлар сулоласидир. Унинг асосчиси комедиант ва киноактёр Девон Бишешварнинг ўғли, ҳинд киносининг ветерани Притхвираж Капурдир. Лекин ўзбек мухлисларига кўпроқ Раж Капур танишдир. Ундан кейин укалари: Шами, Саши ва Ражив, сўнг "Дайди"нинг неваралари: Кунал, Каран, Санжаяна ҳамда уларнинг рафиқаларию қариндошлари саф тортиб турибди — жами 40 киши.

Ҳар бир филм, хоҳ у ҳинд, хоҳ чет элники бўлсин, сотувга Ҳиндистон кинематографияси марказий комитети сертификатисиз чиқарилмайди.

Бундай давлат муассасалари илк бора 1920 йили Бомбай, Чиннай ва Калкуттадаги киностудиялар қошида очилди. 1952 йили уларнинг фаолияти марказлаштирилди, бир йил ўтгач эса, кинематография бўйича ташкилий қўмитага қаратилди. Ўшандан бери деярли ҳеч нарса ўзгармади. Шуни айтиб ўтиш керакки, цензура фильмнинг ўзини эмас, балки унинг ҳинд экранларида қўйилишини ман этиши мумкин. Чет элда сотиб олишса, марҳамат. Бу борада таниқли ҳинд режиссёри Шекхар Капурнинг "Қиролича-қароқчи" фильмининг тақдири қизиқдир. 1996 йили ушбу лента рухсат сертификатини ололмайди. Ҳиндлар уни кўришолмайди. Лекин бу фильм Монте-Карло, Ницца, Канн ва Харара кинофестивалларида энг олий мукофотларга сазовор бўлади. Ҳиндистоннинг ўзида эса ушбу фильм ҳали ҳам таъқиқланган.

ҲИНД КИНОСИНИГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

Агарда ҳинд актёри бир неча марта бирон-бир образни (полициячи, ўғри, она...) қиёмига етказиб ўйнаса, бу образ унга маҳкам "ёпишиб" олади ва ундан "қутулиб" ҳам бўлмайди. Шундай қилиб ҳинд халқининг севимли актёри Жагдиш Раж жаҳон рекорди ўрнатишга мажбур (!) бўлади: у ўз фаолиятида донишманд, адолатли ва жасур полициячи ролини 144 марта ижро этган! Раж 1952 йили "Қасос соати" фильмида илк бора ҳуқуқ посбони образини яратганда, унинг тақдири ҳал бўлганди.

Ҳинд кинематографиясининг иккинчи ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у фақатгина ватанпарварлик учун хизмат қилади. Бу борада давлатнинг уларга ҳомийлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, ўтган йили Каргилдаги воқеалардан сўнг (унда Деҳли ва Исломобод хавфли уруш ёқасида турганди) экранларга қаҳрамон аскарлар ҳақидаги фильмлар кетма-кет чиқа бошлади ва бу ҳиндларда кучли ватанпарварлик ҳиссини уйғотди.

1994 йили Балу Ананданинг номи 20тача сўздан иборат фильми ҳинд прокатига чиқади. Режиссёрдан уни қисқартишнинг иложи йўқмикан, деб сўрашганда, у ҳайрон бўлиб шундай дейди: "Мен бу фильмни икки йил давомида суратга олиш жараёнида унинг номи борасида кўп бош қотирдим. Томошабин кўражак фильмида нима берилаётгани ҳақида тўлиқ маълумот олиши керак, бирон нарса олаётганингизда ҳам уни обдон текшириб оласиз-ку!?" Мана шу воқеада ҳам ҳинд киносининг ўзига хос томонлари намоён бўлади.

Хорижий матбуот хабарлари асосида Жамшид САЪДИНОВ тайёрлади.

ДУНЁ ДАРИЧАСИ

"Толибон" режими яқинда Жанубий Афғонистоннинг Ғилманд вилоятидаги Хўжакўй шаҳрида кўтарилган халқ қўзғолонини танклар билан бостирди.

Индонезия армияси мамлакатнинг шарқий қисмидаги Халмаэра оролида тартиб ўрнатишга уринмоқда. Бу ерда 114 киши ўлдирилган эди. Уларнинг аксарияти христианлардир, деб ҳисобламоқдалар.

Сешанба куни Италия пойтахти яқинидаги Кастелли Романи районида ҳамда Валле дель' Аньене водийсида ва Римнинг барча провинцияларида кучли ер силкиниши юз берди. Унинг кучи ҳақида расмий қайдлар ҳали кўрсатилганича йўқ.

ЕР ЮЗИДА

ҚХДРда Шимолий ва Жанубий Курия давлатлари Қизил Хоч жамиятлари раҳбарлари ўртасида 50-йиллар бошидаги корейс уруши оқибатида ажратиб ташланган оилалар масаласи бўйича музокаралар бошланди.

Америка ва Британия Ҳарбий Ҳаво Кучлари томонидан Ироқнинг жанубий провинцияларига берилган навбатдаги ракета-бомба зарбалари оқибатида 2 киши жароҳат олган.

26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунида Хитойда 10 нафар гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчи киши қатл қилинди. Улардан иккиси Тайван ва Гонконг фуқаролари бўлиб, мамлакатдан 115 килограмм героин моддасини олиб чиқиб кетишга уринишаётганида қўлга тушишди.

Душанба куни кечқурун Воронеж яқинида авиаҳалокат юз берди. СУ — 24 русумли оғир жанговар самолёт ҳарбий аэродромга қўнаётганида бошқарувни йўқотиб ерга қулади.

Учувчилар вақтида катапулта тугмасини босиб омон қолишди. Ҳеч қандай вайронагарчилик ва қурбонлар йўқ. Ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

P.S. Таниқли Голливуд актёри Арнольд Шварцнеггер "Терминатор-3" фильмида суратга тушиш нияти борлигини билдирди. Сценарий устида ишлар қизғин кечмоқда, лекин Шварцнеггер сўзларига қараганда, кинофильм режиссёри ҳали аниқ эмас.

Шу билан бирга бировнинг олдида ҳам, орқасида ҳам ҳурматини бажо келтирмоқ, ҳаққига риоя қилмоқдан иборатдир.

"ҚАТЛАМА" ТОРТИ

Қатлама торти учун 60 гр. сариёғ, 80 гр. сут, 1 та тухум, 8 гр. хамиртуруш, 200 гр. ёнғоқ мағзи, 200 гр. шакар, 20 гр. асал, ванилин керак бўлади.

Тухум, сариёғ, ун билан қаттиқ хамир қорилади. Бир соатдан кейин юпқа кулчалар ёйиб, биттасини ёғланган газ патнисига қўйиб, устига бир қатор шакар билан аралаштирилган ёнғоқ мағзи солиб, яна бир кулча билан ёпилади. Бу жараённи кулчалар тугагунча такрорлайверасиз . Сўнгра, бу қатламани 10х4 см.ли тўртбурчакларга бўлиб, устига тухум сариғи суртилади ҳамда майдаланган ёнғоқ мағзи сепилади. Сўнг 200 С ҳароратли духовкада 40 минут пиширилади. Пишишига 15 минут қолганда устига асал ёки шарбат қуюлади.

Ziynat

МЕВАЛАР ЧИРОЙ БАХШ ЭТАДИ

Қуёшнинг иссиқ ҳарорати барчани бирдек лоҳас қилиш билан бирга, юз терисига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Иссиқ кунларда юзга ёғли крем, турли хилдаги упа-эликлар суриш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Гўзаллик — ҳамма жойда суйиб қабул қилинадиган меҳмон. Гўзал бўлиш учун эса ёз фаслида юзга кўпроқ эътибор бериш керак.

Бунинг учун эзилиб пишган ўрик, олмадан ниқоб тайёрлаш мумкин. Ва бу ниқобни ҳар куни 20-25 дақиқа юзга суртиб туриш керак. Беш-олтита олма ва ўрикни қирғичдан ўтказиб, яхшилаб аралаштириб, кичкина идишчага солиб қўйсангиз, бу ниқоб бир неча кун фойдаланишингизга етади.

Ёки бодрингни ҳам қирғичдан ўтказинг ва бир қошиқ қатиққа аралаштириб юзингизга суртиб олинг. 15-20 дақиқадан сўнг илиқ сувда ювилган юз юмшоқ ва майин бўлиб қолади.

Ёз фаслида меваларни, полиз маҳсулотларини кўп-кўп истеъмол қилиш ҳам юз терисининг тиниқлашишига сабаб бўлади.

Саодат ЭРГАШЕВА

***ҚЎЙ** (22 март — 20 апрель). Ишларингиз кўнгилдагидек кечади. Аммо кўнглингизнинг бир чеккаси барибир хира тортиб туради. Хотиржам бўлинг. Бу хавотирларингизнинг барчаси асоссиз.*

***БУЗОҚ** (21 апрель — 21 май). Сиз Оллоҳдан беҳад тўкинлик талаб қилманг, ҳар нарса ўз меъёрида бўлгани маъқул. Негаки, ўта тўқлик ақлни хиралаштиради. Ақлингиз заифлашишини истамаслигингиз аниқ.*

***ЭГИЗАКЛАР** (22 май — 21 июнь). Аксарият эркаклар бегона аёлар билан тил топишишга ҳаракат қилишади. Бошқача айтганда, уларнинг ҳою-ҳавасга берилишлари тахмин қилинмоқда. Бу ҳол кўнгилхушликка одатланганлар учун табиийдир.*

***ҚИСҚИЧБАҚА** (22 июнь — 21 июль). Жамиятда тутган мавқеингизда ижобий ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Шамол нинг қайси томонидан эсишини пайқаган айрим танишларингиз атрофингизда ялтоқланиб қолишади.*

***АРСЛОН** (22 июль — 21 август). Олдиндан тузиб қўйган режангизга ўзгартириш киритишга мажбур бўласиз. Бунга яқин кишингиз иши важ бўлади. Ҳафта охирида эса бу каби барча машмашалар барҳам топиши кутилаётир.*

***СУНБУЛА** (22 август — 21 сентябрь). Бирор нарсага ўта ишқибоз бўлганлар бу ҳафта эҳтиросларини бирмунча жиловлаб олишлари лозим. Негаки, шу кунларда диний мутаассиблик ҳам, дунёвий масалалардаги ишқибозлик (фанатизм) ҳам яхшиликка олиб келмайди.*

МУОШАРАТ ОДОБИ

Гўзал турмуш роҳат-фароғат билан умр ўтказмоқдан иборатдир. Умр ҳеч маҳал бир ерда тўхтаб турмас, балки ҳамиша бирин-сирин ўтар ва ниҳоят тугар ҳам. Ўтган умрни бутун дунё молини бериб бўлса ҳам қайтариб бўлмас. Шунинг учун бу оз умрни роҳат-фароғат билан кечирмоқ, зое ўтказмоқдан сақланмоқ лозим бўлади. Кўркам бўлган оз умр узун ҳисобланади, кўркам бўлмаган узун турмуш қисқа саналади. Кўркам турмуш эса, ҳусни хулққа боғлиқдир. Кўркам хулқ эгаларининг яхши турмуш кечирганлари ҳар қачон ҳам тажриба билан маълум бўлгандир. Кўркам хулқ эса, инсонда улуғ бир фазилат ҳисобланади. Бу ҳақда шариатимизда муқаддас амр, шунингдек, ваъзу насиҳатлар айтилган. Ақлли бўлган одамларнинг ўзлари ҳам буни очиқ билмоқдалар. Ҳусни хулқдан бири кишида улфат бўлиш хусусиятининг борлигидир. Бу эса очиқ юзли, ширин сўзли бўлмоқдан иборатдир. Шу билан бирга бировнинг олдида ҳам, орқасида ҳам ҳурматини бажо келтирмоқ, ҳаққига риоя қилмоқдан иборатдир. Ушбу улфат муошаратга улуғ сабабчи бўлгани учун шариат ва ақл кўзгусида мадҳ этилгандир.

O'quvch(qiz)ingiz qulog'iga ayting

ХОТУНЛАР БИЛАН ЭРЛАР ОРАСИДА БЎЛГАН ОДОБ ҲАҚИДА

Тажрибаларга кўра, хотунларнинг гўзал хулқли бўлмоқлари сабабли, эрлари ҳам гўзал хулқли бўладилар. Бунинг аксича, агар хотунлар ёмон хулқли бўлсалар, эрларининг хулқлари ҳам шунга кўра бузилади, ёмонланади. Эр билан хотун орасида бўлган турмушда келишув бўлмаса, ҳар иккиси учун ҳам улуғ ҳасрат, зўр машаққат бўлади, бунинг натижасида маишатнинг лаззати тугайди, роҳати кетади, тадбиру чоралар бузилади, натижада хонадон аъзолари орасида бир-бирига душманлик пайдо бўлади, болалар тинчлиги йўқолади, бундан кўп ножўя ишлар келиб чиқади. Шунинг учун ҳам, кўркам турмуш кечирмоқ ва унга интилмоқ, биринчи даражада, хотунлар устига тушмоғи лозим ва шундай бўлиши ҳам керакдир.

Эрлар билан кўркам турмуш қурмоқ учун хотунлар ушбу икки турли нарсани эътиборга олмоғи лозим.

Биринчи: эрларнинг табиат мижозини ва хулқини яхши билмоқ ва бунинг учун уларни кўп мартабалар синамоқ керакдир. Сўнгра, ана шунга мувофиқ иш қилмоқ лозим бўлади. Яъни эр бўлган киши қандай нарсалардан хурсанд бўладию, қандай ишлардан кўнгли қолади. Ёки қандай ишларни сезмайдию, нимадан кўнгли бузилади. Шунинг учун ҳар вақт хотунлар эрларининг табиатларини очиқ билиб, уларнинг ёқтирган нарсаларини қилишлари ва ёқтирмаган нарсаларини қилмасликлари лозимдир.

Иккинчидан: улар эрларига итоатли хотунлар ҳақида бўлган яхши хабарларни, ҳамда итоатсиз хотунлар ҳақида бўлган ёмон хабарларни ҳам билмоқлари лозим бўлади. Шариатимиз эса, итоатли хотунларга "эзгу хотунлар" исмини бериб, амаллари баробарига ҳам кўп савоблар ваъда этганлар. Итоатсиз хотунларни "ўсал, уятсиз хотунлар" деб атаб, дунёда кўрган машаққатларидан ортиқ, охиратда ҳам бир қадар азоблар бўлажагидан хабар берганлар.

Эзгу ниятли хотунлар, гуноҳ бўлмаган сувратда эрлари буюрган хизматларни қиладилар ва кучлари етган қадар эрларининг сўзларини комил қиладилар.

Ва яна эрни ризо этиб вафот этган хотуннинг ўрни жаннатда бўлади, деган хабар ҳам келган.

"Муошарат одоби"дан олинди.

ГАЙМОРИТ

Гаймор бўшлиғи, юқори жағ бўшлиғи шиллиқ пардасининг ўткир ёки хроник яллиғланиши.

Гайморит, кўпинча грипп асорати сифатида ёки бурун шиллиқ пардасидаги яллиғланишнинг гаймор бўшлиғига ўтиши, гоҳ шу бўшлиқ ёнидаги жағ тишларининг яллиғланиши натижасида пайдо бўлади. Ўткир гайморитда бош қаттиқ оғрийди, шунингдек, жағ атрофи ҳам оғриб туради, бурундан шилимшиқ ёки йиринг келади. Баъзан температура кўтарилади. Хроник гайморитда бу белгилар сустроқ акс этади. Гайморит белгилари пайдо бўлганда врачга бориш зарур. Беморга бурунга томизиладиган дори, антибиотик ва бошқа препаратлар, шунинг-дек, физиотерапевтик даво буюрилади. Гайморитнинг олдини олишда ўткир ва хроник тумовни, шунингдек, оғриқ тишларни вақтида даволаш муҳим.

"Уй-рўзғор энциклопедияси"дан олинди.

***ТАРОЗИ** (22 сентябрь — 21 октябрь). Кўп вақтдан буён нописандлик билан қараб келганингиз — ички салбий туғён кутилмаганда ўзини кўз-кўз қилади. Бундан ўзингиздан кўра атрофингиздагиларнинг кўпроқ саросимага тушиши эҳтимоли йўқ эмас.*

***ЧАЁН** (22 октябрь — 20 ноябрь). Молиявий муаммолар ечилиб, кундалик икир-чикирлар каттик ташвишга солиб қўяши мумкин. Бунинг устига баъзи кўни-кўшнилар, ишхонангиздаги айрим ноқобил дўстлар билан муносабатингизда салбий ўзгариш юз бериши эҳтимол тутилмоқда.*

***ЁЙ** (21 ноябрь — 20 декабрь). Бу ҳафта ўта дабдаба, спиртли ичимликлар билан ўтказиладиган кўнгилочарлардан олисроқда юринг. Бу, биринчи навбатда ҳамёнингизга катта зарар келтирса, иккинчидан таниш-билишларингиз олдида бебурд қилиб қўяди.*

***ЭЧКИ** (21 декабрь — 20 январь). Тасодифдан эҳтиёт бўлинг. Аксарият "эчки"ларнинг оғизлари "ошга" теккандa, бурнилари конаши эҳтимоли йўқ эмас. Шу кунларда имкони бўлса, узоқ сафарга чиқманг. Сув ҳавзалари, баланд тоғларда дам олмасликни тавсия қиламиз.*

***ҚОВҒА** (21 январь — 19 февраль). Кутилмаган жойда сизни сотиб қўядилар. Сирлари ошкор бўлганда бунга ўзингизнинг хатти-ҳаракатингизни сабаб қилиб кўсатишлари ҳам ҳеч гап эмас. Шундай иш тутингки, рақибларингиз бирор ишингизнинг "бўш" ерини топиша олишолмасин.*

***БАЛИҚ** (20 февраль — 21 март). Ишларингиз ўнгидан келаётганидан қаттиқ қувонманг. Сизни ташвишга қўйишни "ўйлаётганлар" ҳам йўқ эмас. Ҳар бир ҳаракатингизда аниқ ҳисоб-китоб бўлиши шарт. Фақат бировнинг ҳисобидан фойда олишга, кимдандир ўзиб кетишга уринманг.*

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

ФРАНЦИЯ — ИТАЛИЯ

Европа биринчилигининг финалида ушбу терма командалар ўйнайдиган бўлди. Ҳар икки ярим финал ҳам кескин курашлар билан ўтиб, асаблари бакувватлар ғолиб чиқишди. Франция — Голландия — 1:1, қўшимча вақтда — 2:1, Италия — Голландия — 0:0, пенельтилар бўйича — 3:1. З.Зидан "Бизга Италия қулайроқ, енгишимиз осонроқ бўлади", деган эди. Қани кўрамиз, демак, 2 июль, Роттердам. Франция — Италия.

"ДЎСТЛИК" — КУБОК СОҲИБИ

ЕВРО-2000 финали эртага бўладиган бўлса, унгача Ўзбекистон кубоги финали бўлиб ўтди: "Дўстлик" — "Самарқанд-Д" — 4:1. "Дўстлик" илк бор мамлакат кубоги соҳиби бўлди. Шу пайтгача кубокни "Навбаҳор" уч бор, "Нефтчи" ва "Пахтакор" икки маротабадан қўлга киритган эди. Самарқандликлар эса энди бор имкониятларини чемпионлик учун курашга сарфлашлари аниқ.

ЖУРНАЛИСТЛАР ТУРНИРИ

ОАВ жамоалари ўртасида мини-футбол турнирига қуръа ташланди: "А" гуруҳи — "Ҳурватан", "Садо", "Маърифат", "Шарқ". "В" гуруҳи — "Ўзбекистон футболи", "Ислом нури", "TV star", НБУ. "С" гуруҳи — "Офсет", "МММ+", "Мулкдор", "Пресинг". Турнир мустақиллигимизнинг 9 йиллигига бағишланади.

ДАВРОН ФАЙЗИЕВ ЦСКАДА

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва "Самарқанд — Динамо" клуби ҳимоячиси Даврон Файзиев Москванинг ЦСКА клубида тўп сурадиган бўлди. Юртимизда қисқа вақт фаолият кўрсатган Павел Садирин ЦСКА бош мураббийлигини қабул қилгандан сўнг Ўзбекистондан баъзи ўйинчиларни олиб кетишини айтган эди. Д.Файзиев шуларнинг биринчиси бўлди.

МҲСК — ЧЕМПИОН

Баскетбол бўйича мамлактимиз биринчилиги ниҳоясига етди. 30 очко тўплаган МҲСК жамоаси Ўзбекистон чемпиони бўлди.Бухоро университети жамоаси 27 очко билан иккинчи ўринни олган бўлса, Ўзбекистон Миллий университети жамоаси учинчи ўрин соҳиби бўлди.

ЭНГ ОММАВИЙ СПОРТ ТУРИ

Бу, шубҳасиз, футбол. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, дунёда 70-80 миллион аҳоли ушбу спорт тури билан шуғулланар экан. Ундан кейин баскетбол туради—60-70 миллион киши. Ва, ниҳоят, лидерлар учлигини енгил атлетика якунлайди—50 миллион киши.

Сиднейда ўтказилажак Олимпиада юзасидан телеишқибозлар орасида олиб борилган сўровларга кўра, уларнинг биринчи галда "спорт маликаси" — енгил атлетикани кўриш иштиёқида "ёнаётган"лиги маълум бўлди. Бу борада иккинчи ўринда сузиш ва сув спорти, ундан кейин баскетбол ўйинларини кўришга мойиллик сезилади. Футбол эса телерейтинг кўрсаткичида олтинчи ўринга "илинибди". Мутахассисларнинг баҳолашича, Сидней олимпиада ўйинларини 50 миллиарддан ортиқ телеишқибоз, унинг очилиш маросимини тахминан бир миллиард мухлис томоша қилади.

АЛПОМИШНИНГ ОРЗУЛАРИ

Алпомиш деганимиз полвон бола. Қаршилик Исроил полвоннинг ўғли. Отаси катта орзу-умидлар билан, улуғ ниятлар билан қўчқор сўйиб шундай ном қўйган. Эндигина олтига кирди. Лекин доно бола. "Ассалому Ўзбекистон" кўрсатувида чиққан отасининг укахони бўлмиш шоирни кўриб бундоқ деган: "Ў-ў, шоир акамни қаранг, бўйинларига галстук тақиб оптилар!".

Алпомишнинг ҳозирданоқ ҳамма нарсага фаҳму фаросати етади. Жуда синчков. Кўзлари ақлли. "Катта бўлсанг ким бўласан?" деган саволга:

— Каттайсам катта полвон бўламан. Жаҳон чемпиони бўламан! — дейди.

Яна опалари билан кўп баҳсу мунозарага боради. Ўзи оғир-босиқ, лекин жаҳли чиқса, опаси Чарос ҳам индаёлмай қолади.



У олти ёшли бўлишига қарамай, техник ҳаракат чоралари ҳақида ҳам катталарга ўхшаб мулоҳаза юритади:

— "Мерс"ни катта бўлганда минаман, ҳозирча бир "Тико"ми, "Пикс"ми, олсайдим, яхши бўларди.

Унинг ўзидан ҳам камгапроқ, босиқроқ укаси бор. Рустамбек. Рустамбекнинг сиёғи бошқача, лекин унинг ҳам сахту сумбати отасига тортган. Андишали, зийрак бола. Акасини ҳам, опаларини ҳам қаттиқ ҳурмат қилади. Рустамбек катта бўлса олим бўлмоқчи, аммо "Бу полвон бўлишимга ҳалақит бермайди", дейди. Келаси йил иккалови олдинмикетин мактабга боради.

Бу болакайлар бир отаонанинг, бир меҳрибон бувию бир эл-улуснинг, озод бир Ватаннинг эзгу орзу-тилаклари сифатида вояга етяпти. Ўн-ўн беш йилдан кейин булар, ўзлари айтгандай, катта полвонлар бўлиб, юрт сўрашади, чемпион бўлиб, ўз Ватанларига шон-шуҳрат келтиришади. Чунки бул Ватанда шундай ниятларнинг амалга ошмоғи учун жаҳоншумул имкониятлар мавжуд, бул диёрнинг ою қуёшлари ҳам шундай ўғлонларнинг камоли учун нуру зиё таратгайдир.

Чўққилардан виқор
кетмас, қор кетмас,
Қоялардан қийғир
кетмас, сор кетмас.
Бир боласи ўсиб, полвон бўлгунча,
Бир отадан заҳмат кетмас, кор кетмас.
Тупроғида дарёлари қўш оққан,
Бошларидан зар ёққан, кумуш ёққан.
Азал Темур буваларга хуш ёққан
Полвонларнинг юрагидан ор кетмас.
Бориб полвон ўғлонлари элимдан
Шараф топиб қайтса етти иқлимдан,
Кўзда ёшим, менинг шоир дилимдан
Бир умрга фахру ифтихор кетмас!

Сирожиддин САЙЙИД

САРҲИСОБ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга эътибор кучайди. Шаҳар ва қишлоқларда замонавий, барча шарт-шароитга эга бўлган ўйингоҳлар тикланди ва уларнинг моддий базаси мустаҳкамланди.

Тўққиз йилдирки, Андижон ўзининг кучли спортчилари, айниқса, чим устида хоккейчилари билан ғурурланиб келмоқда. Аммо ҳеч қачон Олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун Андижондан бу галгичалик кўп спортчи даъвогар бўлиб чиқмаган эди. Бирваракайига саккиз шунқорнинг бўлғуси Олимпия ўйинларида мамлакат спорти шарафини ҳимоя қилиши мўъжиза эмасми, ахир!

Юртбошимиз Ислом Каримов Андижонда бўлганларида кенг жамоатчилик вакиллари олдида машҳур боксчилар Муҳаммадқодир билан Ўткирбекни даст кўтариб бағирларига босганлари ҳанўз кўз олдимизда. Ўшанда ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлган, ҳаяжон оғушида қолган ҳамюртларимизнинг кўзларида севинч ёшлари қалқиган эди.

Мамлакат раҳбарининг оталарча эътибори, ғамхўрлиги болалар бахти эмасми!

ХАЙРЛАШИШМИ, ҲАЙДАЛИШ?

Германия шармандали тарзда Португалияга имкониятни бой берганидан сўнг, унинг устози Эрих Риббек айбини тушунган ҳолда истеъфога чиқди. Риббекнинг бу ҳаракати мутахассислар томонидан кутилаётганди. Чунки Германия терма жамоасининг ЕВРО-2000даги ўта муваффақиятсиз қатнашувидан сўнг, Риббекнинг тақдири ўз-ўзидан ҳал бўлганди. Шунинг учун таниқли мутахассис зудлик билан матбуот конференциясини ўтказиб, Германия терма жамоасининг муваффақиятсиз қатнашувини ўз бўйнига олди ва мамлакат футбол федерациясининг президенти Эдигус Браунга қўнғироқ қилиб, истеъфога чиққанини маълум қилди. Риббекнинг бундай йўл тутишига қуйидагилар асосий сабаб бўлди: биринчидан, юқорида таъкидлаганимиздек, терма жамоа ҳақиқатдан ҳам турнирда ўз тарихида биринчи бор жуда шармандали тарзда иштирок этди. Иккинчидан, Риббекнинг шартномаси ЕВРО-2000дан кейин якунланиши лозим эди. Лекин битта шарти билан, яъни терма жамоа омадсиз қатнашганда. Агарда у, Европа биринчилигида ўзини кўрсата олганида, Риббек терма жамоада яна қандайдир муддатга қолиши мумкин эди.

Тўрақобил ЖУМАНАЗАРОВ тайёрлади.

ЗЎРЛАРГА ЗЎР ТАКЛИФЛАР

Каталониянинг "Барселона" клуби ҳамда Португалия терма жамоасининг плеймейкери Луиш Фигу учун Римнинг "Лацио" клуби раҳбарлари 50 млн. доллар сарфлашга ҳозирлик кўришмоқда. Таниқли ярим ҳимоячини римликлар бундан бир неча ой олдин кўз остиларига олиб қўйишганди. Фигу ЕВРО-2000да янада яхши ўйнаганидан сўнг, "Лацио" раҳбарлари шу кунларда нима бўлса ҳам зудлик билан Фигуни сотиб олиш ҳаракатига тушиб қолишди. Чунки "Лацио"га бошқа жамоалар рақобатлик қилишлари мумкин-да. Ҳозирда иккала клуб раҳбарлари Фигу борасида музокаралар олиб боришмоқда. Фигунинг гарчи "Барселона"даги шартномаси якунланмаган бўлса-да, лекин унинг шартномасида алоҳида бир банд бор. Унда, Фигу учун катта миқдордаги шартнома таклиф этилса, у ҳолда португалиялик футболчини каталонияликлар ушлаб туришмайди, деган сўзлар ёзиб қўйилган. Кўриб турганингиздек, "Барса" раҳбарлари Фигунинг "Лацио"га ўтиб кетишига қаршилик кўрсатишмаса керак. Ҳамма гап энди Фигунинг ўзида қолди. Унинг агенти ҳам шу кунларда римликлар билан футболчи оладиган йиллик маош тўғрисида музокаралар олиб бормоқда.

Шавқиддин ҲАСАНОВ тайёрлади.

Чаманлар бағрида капалак мисол
Гуллардан гулларга кўчмоқ истайман.

ЖУРНАЛИСТЛАР ЯЙРАГАН КУН

27 июнь — Матбуотчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан жойларда катта байрам тадбирлари уюштирилди. Айниқса, бу кунга "Боғи Эрам" сайилгоҳи маъмурияти алоҳида эътибор билан қарашди.

— "Боғи Эрам"га 3 нафар фарзандим ва турмуш ўртоғим билан ташриф буюрдик, — дейди газета ходими Сабоҳат Мирзаҳамедова. — У ерда фарзандларимиз роса ўйнашди. Уларнинг қувончидан руҳиятимиз кўтарилди.

Дарҳақиқат, шу куни учиш аттракционларида бепул хизмат кўрсатилди. Ундан ташқари, таниқли хонандалар Дилфуза Раҳимова, Абдулҳай Каримов, Анвар Санаев, Гулбаҳор Сулаймоновалар ўз куй-қўшиқлари билан барча-барча журналистларни ва уларнинг оила аъзоларини хушнуд этдилар.

Наргиза АЗИМОВА

Суратларда: "Боғи Эрам"даги аттракционларда каттаю кичик бирдек яйрашди.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Ko'ngil bitiklari

МУҲАББАТИМСАН

Дардларим бир дунё сенга айтмадим,
Дилдан соғинсам-да, сенга қайтмадим,
Бор бахту қувончни сенга атадим —
Билгинки, армонли муҳаббатимсан!

Кўзларим изингдан термулар ногоҳ,
Шу ёлғиз бошимга бўлмадинг паноҳ,
Наҳотки севганим мен учун гуноҳ?!
Билгинки, армонли муҳаббатимсан!

Оромлар, ҳузурлар мендан-да кечди,
Ҳасратлар ҳижронда қонимни ичди,
Барибир дилдаги достоним кўпдир —
Билгинки, армонли муҳаббатимсан.

Кўнглимни тилкалар ўтмишнинг ёди,
Ишқим саробида орзум барбоди,
Сенга етмайдими Дилбарнинг доди —
Билгинки, армонли муҳаббатимсан.

ХАЁЛ АРМОНИ

Юксак-юксакларга учмоқ истайман,
Мовий маъволарни қучмоқ истайман.
Чаманлар бағрида капалак мисол
Гуллардан гулларга кўчмоқ истайман.

Қаторига қўшса кўм-кўк ўт-ўлан,
Яшнасам, яшасам майсалар билан.
Хаёл чертаверса дил торларимни,
Юрак-юрагимда янграса ўлан.

Қанийди, юлдузлар, ойларда юрсам,
Руҳдош дўстлар билан суҳбатлар қурсам,
Ёмонликдан озод, тинчликдан обод
Фазоларда чексиз хаёллар сурсам...

Дилбар АБДУҚОДИРОВА, абитуриент

ДИЁР

Ўзбекистон гул диёр,
Сўлим диёр, ҳур диёр.
Халқи осайиш топган,
Таърифи тенгсиз диёр.

Юраклардан кетди ғам,
Севинчдан кўзларда нам.
Бош эгмаймиз ғанимга
Бошга қилич келса ҳам.

Тинчилигимиз барқарор,
Қонунимиз усутвор.
Болалари яйраган,
Шундай Ватан қайда бор.

Ўзбекистон гул диёр,
Сўлим диёр, ҳур диёр
Халқи осойиш топган
Таърифи тенгсиз диёр.

Абдужаббор МАҲМУДОВ, ўқитувчи.

"ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ"

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда вилоят ички ишлар бўлими Давлат автомобиль назорати (ДАН) ташаббуси билан ҳар йили ёшлар ўртасида автоҳалокатларнинг олдини олиш бўйича вилоят мактаб ўқувчилари бўйича "Яшил чироқ" кўрик-танловини ўтказиш яхши йўлга қўйилган. Шу муносабат билан Ангрен шаҳрида ёш назоратчиларнинг ҳудудий кўрик-танлови ўтказилди. Ушбу танловда Ангрен, Қуйи Чирчиқ, Паркент, Чиноз ҳамда Чирчиқ шаҳар "Яшил чироқ" командаларининг аъзолари беллашдилар.

— Йўл ҳаракати бахтсиз ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида ҳар йили май ойида "Яшил чироқ", "Йўл қоидаси — умр фойдаси" кўрик-танловларини ўтказаяпмиз. Бу, албатта, ўзининг ижобий самарасини беряпти, — деди вилоят ХТБ инспектори, кўрик-танлов ўтказиш комиссиясининг раиси Аваз Олимжонов.

Tanlov

Мазкур кўрик-танловга вилоят автоҳаваскорлар жамияти ҳомийлик қилиб, 140000 сўм маблағ ажратди. Шунингдек, Ангрен шаҳар, Қуйи Чирчиқ тумани "Ватанпарвар" ташкилотлари ҳам кўрик-танловга ҳомийлик қилдилар.

Ангрен шаҳридаги 17-мактабнинг "Яшил чироқ" командаси I ўринни олишга муваффақ бўлган бўлса, иккинчи ўрин Чирчиқ шаҳар 2-гимназия мактаб ўқувчиларига насиб қилди. III ўрин эгалари чинозлик ёш назоратчилар бўлишди.

А.ОРИПОВ

"ШИРИН" САФАРДА

Шу кунларда Белоруссия республикасида Бутунжаҳон болалар фестивали бошланди. Бу тадбирга Навоий вилоятининг Навоий шаҳри "Фарҳод" маданият саройининг "Ширин" ашула ва рақс халқ дастасида оилавий иштирок этаётган ҳаваскор санъаткорлар таклиф этилди. Катта фестивалга қатнашаётган ҳаваскорларга Навоий тоғ металлургия комбинати ҳомийлик қилмоқда.

Ватан, муҳаббат, садоқатни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари билан анжуманда иштирок этаётган ватандошларимизга зафарлар ёр бўлсин!

Шоҳрух ҚУРБОНОВ

Очиқ турдаги акциядорлик жамияти кўринишидаги "Электроизолит" Ўзбек-Россия қўшма корхонаси 2000 йил 1 январь баланси

№	Кўрсаткичлар номлари	минг сўм	
		Актив	Пассив
1.	Устав жамғармаси		88630
2.	Қолдиқ қиймати бўйича асосий маблағ ва номатериал активлар	63301,1	
3.	Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар	70952,7	
4.	Ишлаб чиқариш заҳираси	195951	
5.	Пул маблағлари	66480,3	
6.	Ҳисобдаги маблағлар	180015,8	140527,1
7.	Тақсимланмаган даромад		340332,3
8.	Резервдаги жамғарма		7211,5
	БАЛАНС	576700,9	576700,9

Ўрта Чирчиқ туманидаги 4-мактаб томонидан 1987 йилда АЛИМОВ Шуҳрат Ҳакимович номига берилган № 403159 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Темир йўллари муҳандислари институти жамоаси "Олий математика" кафедраси доценти Б.Эгамбердиевга онаси

ЗИЛАЙХО аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси ректор ёрдамчиси, доцент И.Икромовга волидаи муҳтарамаси

Ҳамида ая ИКРОМОВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ(масъул котиб), Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Йўлдош САИДЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Уткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Ҳусан НИШОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-617.
Тиражи 19.687
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.